

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

*Ўзбекистоннинг 24 йиллик мустақил тараққиёти йўлида турли
соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар,
мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг
моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш,
жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот
ишларида фойдаланишга мўлжалланган*

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 323.215.(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Б–63

Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 2015 йил 17 июлдаги ПҚ-2371-сон Қарорида илгари сурилган фикр ва ғояларни ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш, аҳоли ўртасида мустақиллик шарофати билан амалга оширилган эзгу ишлар, саъй-ҳаракатлар, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тарғиб этишда фойдаланиш учун тайёрланди.

Унда истиқлол йилларида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлгани ва бугун ушбу тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётгани чуқур таҳлиллар ҳамда илмий-амалий хулосалар асосида баён этилган.

Ушбу нашр профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадиган маънавият тарғиботчилари учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

И ж о д и й г у р у х:

*М. Қуронов, Қ. Қуранбоев, А. Абдувоҳитов, А. Жалилов, Ш. Тошматов,
М. Бекмуродов, С. Олим, С. Аҳмедов, Э. Даминов, З. Ғаффорова, Н. Шодиев,
О. Бозоров*

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р л а р:

*М. Қуронов, педогогика фанлари доктори, профессор,
Қ. Қуранбоев, сиёсий фанлари доктори*

Б-63

Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним, Ўзбекистоним:
М. Қуронов ва бошқалар Тошкент: Маънавият, 2015
– 160-бет.

УЎК: 323.215.(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ўтган 24 йиллик кенг кўламли яратувчанлик ва бунёдкорликдан иборат даври бетакрор тараққиёт йўлимизнинг нечоғлиқ тўғри эканини исботлаб келмоқда. Давлат, жамият ва ҳар бир инсон ҳаёти фаровонлашмоқда. Бугунги кундан мамнунлик ва шукроналик, ўз иқболи, истиқболи, эртанги кунига ишонч, Президентимиз белгилаб берган истиқлол йўлига эътиқод ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига жо бўлиб, ҳаёти ва фаолияти маёғига айланди. Шу боис, халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шуқуҳ, меҳр-муҳаббат, хушқайфият билан кутиб олади. Шу кунларда мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 17 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўпмингйиллик кўҳна тарихда не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги – ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Президентимизнинг Қарорида таъкидланганидек: «биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини эришган ютуқ ва марралар таҳлилида ҳам англаш мушкул эмас».

Мустақил ўтган йигирма тўрт йил мобайнида халқимиз дунё-қараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгарди.

Алоҳида эътирофли жиҳати эса, бугун биз тарихан қисқа даврда эришган бемисл ютуқларимиз замирида халқимиз меҳнатсеварлиги, фидойилиги, мустаҳкам иродаси, бағрикенг ва эртанги кунига бўлган мустаҳкам ишончи мужассамдир.

Мустақиллик – бу, аввало, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарт, миллий тараққиётимизнинг қафолати, демакдир.

Маълумки, Мустақиллик ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида юртимиз бўйлаб катта тантана қилинади. Ўтиборлиси эса ҳар йилги байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади. Бу йилги байрам «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган.

Ушбу ғоя таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

Байрам шиоримиз ўз замирида кундан-кун чирой очаётган юртимиз киёфаси, барқарор суръатларда ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллатларнинг бугунги бахт-иқболи ва ёрқин истиқболлини, гўзал юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни тўла мужассам этган. Бугун эса Ўзбекистонимиз барқарор суръатларда жадал тараққий этмоқда.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ тараққиётимизнинг «Ўзбек модели» белгилаб олинди. Кўп ўтмай, бу йўлнинг энг тўғри ҳамда оқилона экани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Мустақил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳияти эса «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган тамойилнинг ҳаётий ифодаси сифатида бўй кўрсатди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақамларнинг киёсий таҳлили бугунги кунимизнинг кечагидан тубдан фарқ қилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз жамолининг кундан-кун кўрк очиб бораётгани, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш

шароитини яратиш мақсадида қурилаётган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканини кўрсатмоқда.

Айниқса, юртимиз ёшлари учун яратилган кенг имкониятлар, уларнинг замонавий билим эгаллашлари, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун қурилган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотлари учун яратилган зарур шарт-шароитларга бугун дунё жамоатчилиги катта қизиқиш ва зўр ҳавас билан қарамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобидан жой олган маърузаларида: «мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикаимизда истиқболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар сиёсатнинг марказида бўлиши шарт», деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомили – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берган эди.

Маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз – халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидир.

Масалан, не-не буюк аждодларнинг ворислари эканини билиш, бу билан фахру ифтихор этиш ҳуқуқидан маҳрум ҳолда ўсган авлодлар билан бугунги мустақиллик даври навқирон авлоди ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Яхши эслаймиз, бундан 24 йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, «Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта буюк бўлади!» деган даъваткор сўзлари ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ижобатини топганини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари қайта тикланмоқда, ривож топмоқда. Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайди, юксак маънавият қарор топган жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

Мазкур қўлланма Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тайёрланди.

Бундан кўзланган мақсад байрам тадбирларини ўтказиш асносида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини, Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Ислохот ислохот учун эмас – инсон учун» деган тамойилнинг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказиб беришдир.

Зеро, барча юртдошларимиз ўтган даврда Ватанимизда қўлга киритилган ютуқлар, эришган марралар моҳияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистондай гўзал ва бетакрор юртда яшаётганидан фахрланиб юриши, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизда ўз хиссаси борлигини англаши, бағрикенглик, юксак ирода, фидойилик каби эзгу хислатларни янада уйғунлаштириб, бундан-да улуғвор ишларга қодирлик ишончи билан яшаши зарур.

БЕШ БЕБАҲО СЎЗ САБОҚЛАРИ

Ҳар йили мустақиллик байрамларимиз бири-биридан гўзал ғоя, шиорлар остида нишонланаётир. Халқимиз бу ғоя, шиорлардаги сўзни алоҳида меҳр, ихлос билан қабул қилмоқда. Уларнинг маъзини чақиб, ўзига олам-олам маъно, маънавий озиқ олмоқда. Чунки бу «калит сўзлар» халқимиз қалбига кириб, қат-қатларига сингиб кетаётир. Уларнинг айтаётган сўзларида, қилаётган ишларида, билдираётган муносабатларида буларнинг барчаси намоён бўлмоқда.

Бу йил миллий байрамимиз **«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»** деган ғоя руҳиятида ўтади. Бу ғояда 5 сўз бор. Бу сўзларни бир айтиб кўринг. Уларни секин, сокин, ғамгин, паст овоз билан айтиб кўринг-чи. Йўқ, чиқмайди. Уларни фақат мардона, ғурур, ифтихор билан айтиш мумкин.

31 миллионли ўзбекистонликларнинг онаси фақат мана шу – Ватан. Унинг номи – Ўзбекистон. Бу сўзлар ана шу меҳрибон ва Буюк Она – Ўзбекистонга қараб айтилмоқда. Не бахтки, бу сўзларни ифтихорга тўлиб айтиш фақат БИЗга – ўзбекистонликларга насиб этган.

Келинг, энди, биз учун мўътабар бу беш сўзни биргалашиб, баланд овозда бирга айтайлик: **Бетакроримсан, ягонасан, Она Ватаним – Ўзбекистон!**

ТАҲЛИЛ

Бу беш сўз тасодифан бирлашмаган. Тўрт сўз – «бетакроримсан», «ягонасан», «она» «Ватан» сўзлари тўрт устун. Улар «Ўзбекистон» сўзини бошларига тож қилиб кўтариб туришибди. Талқинимиз холис бўлиши учун илмий асос – «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га мурожаат қиламиз. Ана шунда ҳар куни эшитиб юрган бу сўзларнинг биз билмаган, теран маънолари товлана бошлайди.

«Бетакрор» – 1) такрорланмайдиган, қайтиб келмайдиган. 2) Тенги йўқ, ноёб, топилмас.

Ягона – якка, битта, биттагина. 1) Бор-йўғи битта, якка-ёлғиз; бирдан-бир, биттаю битта. 2) Бошқа тенги йўқ, биттаю битта

хисобланувчи. 3) Ҳамма учун умумий, бирлашган, бирдан бир. 4) Фақат, биргина.

Ватан – туғилиб ўсган жой, юрт. 1) кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. 2) Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. 3) Тураржой, бошпана, маскан, уй. 4) Ўсимлик ва шу қабиладнинг асли келиб чиққан ерини билдиради. Ватан сўзи асосида тузилган сўзлар:

Ватанига муносабати одамнинг кимлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан биридир. Яъни Ватан сўзига сифат қўшилиб, инсоний фазилат, иллат ёки ҳолат номи юзага келтирилган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ана шу маънавий ҳодисаларга жуда яхши ўрин берилибди. Иллатлардан узоқ, фазилатларга яқин бўлиш учун уларнинг маъноларини билиб оламиз:

Ватангадо – Ватандан кечиб, қочиб, ўзга элларда дарбадар юрувчи. «*Ватангадо бўлгунча кафангадо бўл*» (мақол); «*Ҳатто бир сиқим тупроқ ҳам ватангадонинг кўз ёши ўз бағрига сингишини истамайди. С. Азимов. Оппоқ тонг қўшиғи.*

Ватангадолик – ватангадога хос ҳаёт, ҳолат, ватангадо бўлиб яшаш. «*Ватангадоликнинг азоби зўр азоби билан тенг экан.* (А. Мухтор. Чинор);

Ватандош – ватани бир, бир мамлакатда туғилиб ўсган кишилар.

Ватанжудолик – ватандан жудо ҳолатдаги ҳаёт, шахснинг шундай ҳаёт кечириши.

Ватанли – тураржойга, бошпанага эга бўлган; уйли-жойли.

Ватанпарвар – Ватанига ғамхўрлик қилувчи. Ўз Ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи.

Ватанпарварлик – ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, ҳислат.

Ватанфуруш – Ватанини сотувчи. Ўз Ватанига хиёнат қилувчи, ватанини сотувчи. Ватанфурушлик – Ватанни сотиш, унга хиёнат қилиш. / *Ватанфурушлик уят, зарлик, ўғирлик уят.* (Шуҳрат. «Жаннат қидирганлар»).

КЎРИНУВЧИ ЖАВОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори маъно-мазмунда бизнинг бугунги ҳаётимиз симфонияси янграб турибди. Қарор матни бизнинг нигоҳларимизни олис ва яқин нуқталарга қаратмоқда. Бугун, яъни, 2015 йилдан туриб оптимизга – истиқлол деб ўтган йилларимизга, босган йўлларимизга назар ташлаймиз.

Халқимизда бир ажойиб мақол бор: «Ортингга қараб шукр қил, олдинга қараб фикр қил». Бугун биз мозийга қараб: «Ким эдик?», бугунимизга қараб: «Ким бўлдик?» ва эртанги кунга қараб: «Ким бўлишимиз керак?», деган саволларни бераяпмиз. Кейин бу уч ўлчамли саволларга жавобларни *кўраяпмиз*. Чунки мустақиллик бизнинг ана шу саволларга жавобларни *яратиш* имконини берди. Ана шу кун – Мустақиллигимиз байрами яқинлашаётир. Бу кун – Озодлигимиз байрами. 31 миллион инсонни бир жону бир тан қилган, бир юрагу бир тилагу бир маслак қилган кун. Муте халқни – мағрур, мағлуб халқни ғолиб қилган кун.

СОБИҚ «ЎГАЙ ОНА» ҚИЛМИШЛАРИДАН БИРИ

Биз «она Ватан» деган иборани кўп ўқиганмиз, эшитганмиз, айтганмиз. Лекин 74 йил бизни боғчадан бошлаб: «Она ватаним – СССР», – деб айтгин, деб алдаб келишди. Бугун кўзларимизни катта очиб қарасак, у миллионлаб ўзбекистонлик гўдакларни ўлдирган ўгай она экан.

Далил. 1991 йилда собиқ марказдан «Народное хозяйство СССР в 1990г.» деган статистик ҳисобот эълон қилинди. Унга кўра 1985–1987 йилларда СССРнинг айрим республикаларида болалар ўлими (ҳар 1000 нафар туғилган бир ёшгача бўлган боладан биттаси ўлгани) тўғрисида маълумот берилди. Унда 1985 йилда СССРда туғилган ҳар 1000 чақалоқнинг 26 нафари бир ёшга кирмай ўлгани кўрсатилган. Ўзбекистон ССРда эса туғилган ҳар 1000 чақалоқдан 46,2 нафари бир ёшга етмай ўлган. Латвияда бу рақам 13,0 нафарни ташкил этган. Ўзбекистон болалар ўлими бўйича СССРда доимий равишда

биринчи ўринда турган. Мана шу мисол ҳам «15 оға-ини дўстлиги» биз учун қанчалар қимматга тушганини кўрсатмайдими?

Мустақил бўлдиқ. Ўз ҳақиқий Она Ватанимиз меҳри тезда сезилди-қолди. Халқимизнинг ўртача умри 1990 йилдаги 67 ёшга нисбатан 73,5 ёшга ортди. Оналар ўлими 3,1 мартага, гўдаклар ўлими 3,2 мартага камайди.

«Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Азизлар айтинг, Ўзбекистон қачон шундай мартабага эришган?

Бу «Биз ким эдик» саволига яна бир аламли жавоб. 1987 йилда Ўзбекистонликлар жон бошига истеъмол қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори бир кишига қанчадан тўғри келганини эслайлик. Бугунги тўқ кўзлар билан қарасангиз, хўрлигингиз келади. Лекин қанчалар аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатнинг кўзларига тик боқайлик. Қайтадан ўша тузумга чорлаётганларга мана бу рақамларни ўқиб берайлик:

– *собиқ иттифоқда бир фуқаро 1989 йилда 67кг гўшт истеъмол қилган, Ўзбекистонлик бир фуқаро эса бунинг ярмидан ҳам камини – 31 кг истеъмол қилган;*

– *СССР фуқаролари бир йилда 268 дона, ўзбекистонликлар эса 119 та тухум ея олган;*

– *СССРда ўртача бир киши 98 кг картошка еган бўлса, бизнинг ота-оналарга 25 кгдан теккан, холос;*

– *мева-резаворларни СССР фуқароси бир йилда 41 кг, Ўзбекистонлик эса 27 кг истеъмол қилган;*

– *биноқ, нон ва нон маҳсулотлари истеъмолида бунинг тескарисини бўлган, яъни СССРнинг бир фуқароси 1987 йилда 129 кг нон еган бўлса, ҳар бир ўзбекистонлик – 167 кг нон еган, чунки нондан бошқа ейдиган нарсаси бўлмаган, сабаби – бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашарди.*

Президентимиз Қарориди 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани айтиб ўтилган. Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт ис-

теъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайди. Бу – халқимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи эмасми?!

Ҳар бир натижанинг ўз смети бор. Қарорда биз қўлга кири-таётган юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони, биринчи навбатда, халқимиз, унинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганлигига алоҳида урғу берилган. Ана шу сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр халқимиз қисқа муддатда эришган юксак натижаларининг сири унинг юксак маънавиятида эканлигига яна бир бор иқдор бўласиз.

ВАТАН РАВНАҚИНИ КУЙЛАЁТГАН РАҚАМЛАР

Оламни – океан, давлатларни – кемалар, деб тасаввур қилайлик. Океанда сузаётган улкан кема қандай суръат билан сузаётгани унинг ичидагиларга яхши кўринмаслиги мумкин. Аммо четдан кузатиб турганларга аниқ кўринади. Қарорда ана шу ҳикматга ажойиб намуна бор. Яъни, *«Дунёнинг қайси давлати қандай ривожланипти?»*, – деган саволга дунёнинг энг обрўли илмий марказлари берган жавоблар келтирилган. Бу масала устида ҳеч кимни танимайдиган, тан олмайдиган халқаро ташкилотларнинг совуққон экспертлари ишлашган. Улар қайта-қайта ҳисоблаб, жаҳонга тарқатган ўжар рўйхатнинг тепасида «Uzbekistan» деган ёзув ҳам турибди.

Ҳа, Ўзбекистон эришаётган барқарор ютуқ ва марралар дунёни мафтун қилаётир. Биргина «Жаҳон иқтисодий форуми» каби дунё эътирофидаги ташкилот эълон қилган рейтингни олайлик. ЖИФ ташкилоти кейинги уч йилда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар рўйхатини эълон қилди. Ўзбекистон рўйхатнинг бошида – 5 ўринда турибди. Бу рақамни ўқиган, эшитган ҳар бир ўзбекистонликнинг юраги ҳапкириб кетмайдими? Шодликдан «Ўзбекисто-оооон!», деб кийкириб юборса арзимайдими?

Узоқдан бизни кузатиб турган илмий марказлардан яна бир хушxabар тарқалди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети олимлари 158 та мамлакатга

бориб, ижтимоий тадқиқотлар ўтказишган. Тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ўзбекистонимиз 158 мамлакат ўртасида 44-поғонани эгаллади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани тан олинди.

Қарорда рақамлар тилга кирган. Энг қувончлиси(!) бу ўжар рақамлардан кейин «баробар ошди», «кўпайди», «кўтарилди», «ўсди», деган сўзлар жуда кўп учрайди. Масалан, «5,5 баробардан кўпроқ ўсган»; «қарийиб 9 баробар ошган»; «65 млрд доллардан ортиқ хорижий сармоя жалб этилган»; «4 карра кўпайган»; «4 марта ўсган» каби рақамлар қад кериб турибди. Бу – халқимизнинг ойлаб, йиллаб қилган меҳнати натижаларининг рақамлар ойинасидаги акси эмасми?!

Бу рақамлар ҳар биримиз таъсирини сезаётган ютуқ, фаровонлик ва яхшиликларнинг ўлчови эмасми?! Шунинг учун бу рақамларни мустақиллигимизни шарафлаб сўзлаётган, йўқ, қуйлаётган рақамлар дегингиз келади.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Қарорда замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Биз кўпинча чемпионларимиз, иқтидорли ўғил-қизларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Мактабгача тарбия ёшидаги, бошланғич синф ўқувчиларимизнинг чакнаган кўзлари, мардона сўзларига кўпам эътибор беравермаймиз. «Ҳали бола-ку», деймиз. Ваҳоланки, уларнинг мурғак маънавиятида порлаган дурдона фикр, орзулар бебаҳо. Бу орзулар – уларнинг эртага олға ташланадиган қадамларига айланади. Бу ҳақда ўз умрини болаларимизга бағишлаган оддий ўқитувчи, **Зулҳумор Хидирова** шундай дейди:

«Мен ўқитувчиман. Шунинг учун ўқувчиларимнинг маънавиятига, айтаётган фикрларига алоҳида эътибор қиламан. Қара-а-аб

туриб, ўзимга ўзим, «Мустақиллик болаларимизга мустақил фикрлашни ўргатди. Улар айтаётган гапларга биз катталар лол қоляпмиз. Яқинда 4-синфда «Мустақиллик соати»ни ўтдим. Ўқувчиларимга Ўзбекистон Герби ҳақида айтиб бердим. Кейин «Қани болалар, айтинглари, гербимиз ниманинг тимсоли?», деб сўрадим. Ўқувчим Хусниддин баланд овозда: **«Устоз, бу – Ўзбекистоннинг қуёши»**, деди. Рости, нима дейишни билмай қолдим.

Оила даврасида ўтирибмиз. 3 ёшли неварам Дилшоддан: «Катта бўлсанг ким бўласан, болам?», деб сўрадим. У қўлларини чеккасига қўйиб, **«Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан»** деса бўладими! Бунни эшитиб, бир уй тўла одам бир лаҳза қотиб қолдик. Кейин ўзимизга келиб, ... қарсак чалиб юбордик. Кўзларимизга ёш келди. Шу мурғак боланинг қалбига Аллоҳим Ватанига дахлдорлик туйғусини солганидан ҳайратга тушдик.

Азизлар! Айтинг! Бу ҳам Муҳтарам Президентимиз Андижонга бориб, шийпонда ўтказган суҳбатларида: «Бугунги болаларимизнинг кечаги болалардан фарқи ер билан осмонча», деганларининг исботи эмасми? Бу болалар – доно болалар. Чунки доно Президентимизнинг фарзандлари! Мен барча оналар, ўқувчиларимиз номидан юртимиздаги тинчлик, осойишталик учун, аҳли аёлини авайлаб асраётган азиз юртбошимга таъзим қиламан! Халқимиз бахтига ҳамиша омон бўлсинлар!»

Эркинжон Абдуллаев, маҳалла фаоли: «Мен 26 йилдан буён қалбимда асраб юрган бир гапни айтсам. Фарғонада институтда ўқирдим. Шанба-якшанба кунлари мен уйга боролмас эдим. Ётоқхонада қолиб кетардим. Чунки кичкина ҳовлида 21 киши қисилиб яшардик. Акаларим уйланган, менинг оддий ухлаб туришимга ҳам жой йўқ эди. Ана шундай азобли 1989 йилда муҳтарам Президентимизнинг «Аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисида»ги қарори чиқса бўладими?! Қарор шарофати билан тўрт акам ер олиб, чиқиб кетишди. Мен бирданига бир ҳовлининг эгаси бўлдим-қолдим. Ўшанда бизнинг Зоҳидонда 1700 дан ортиқ оилаларга ер берилди.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган намунавий лойиҳадаги уйлар қишлоғимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Зоҳидонликлар бу уйларни фахр билан «Президент уйлари» деб

аташмоқда. Мен ҳам хавас қилиб, фарзандим учун ана шу уйлардан бирини олдим.

Муҳтарам Президентимиз бундан 26 йил олдин мени уй-жойли қилган эдилар. Бу йил эса болаларимни ҳам уйли-жойли қилдилар. Бу яхшиликни унутиб бўладими, яхшилар?!

Қишлоғимиз одамлари ҳам тадбиркор бўлиб кетишган. Улар ҳар йили томорқадан 3-4 марта ҳосил олиб, 15 миллион сўмдан ортиқ қўшимча даромадни қуртдай санаб олишаётир. Мана, ўтган йилнинг ўзида ҳамқишлоқларим юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналардан 70 тасини сотиб олишди. Бунга Президентимизнинг 1989 йилда, узокни ўйлаб имзолаган Қарори замин бўлди, дейишади ҳамқишлоқларим.

Мен совет даврида уйландим. Тўйимиз видеога олинган эди. Яқинда кассетаси қўлимга тушиб қолди. Бола-чақаларим билан кўрдик. Қарасам, неварам Дилдора кўзлари жавдираб, аянчли бир ахволда ўтирибди. «Нима бўлди, болам, тобинг йўқми, кел», дедим бағримга босиб. Ўшанда у қўли билан экранни кўрсатди. Экранда ҳамма хурсанд, кулиб рақсга тушишарди. «Болам, яхши кўринмаяптими», дедим. «Йўқ», деди у. «Унда нимага хафасан?», дедим. Ўшанда набирам Дилдора: «Бобожон, шундай камбағал яшаганмисизлар? Раҳмим келяпти», деди.

Рости, нима дейишни ҳам билмай, қотиб қолдим.

Мустақиллик фарзанди набирам Дилдоранинг берган баҳоси ҳам бизнинг ким эдигу, ким бўлганимизни тушунишга кифоя деб ўйлайман».

Ислом Қутфитдинов, ёш тадбиркор: «Мен – мустақиллик тенгдошиман. Талабалик давримда – 2010 йилда Наманган туман Ирвадон қишлоғида тайёр трикотаж тикадиган кичик тикув цехини очиб, 4 кишини иш билан таъминладим. Бугун ўша цехда 4 киши эмас, 40 киши ишламоқда. Уларнинг 70%и – коллеж битирувчилари.

Ҳозир 30 турдан ортиқ болалар ва катталар учун спорт кийимлари тикаяпмиз. Бошида ички бозорга ишлаган эдик. Ҳозир 100% экспорт қияпмиз. Журналистлар мендан «Сиз, бир ёш йигитча, бунча ютуқларга қандай эришдингиз?», деб сўрашади. Уларга тўғриси айтиман: буларнинг барчасига муҳтарам Президентимизнинг мен каби ёш тадбиркорларга ғамхўрлиги, бераётган имтиёзлари сабаб бўлди-да, дейман».

Шерзоджон Тошпўлатов, тадқиқотчи, нанабиотехнолог: «Мен буюк аждодларимиз билан фахрланаман. Уларга муносиб бўлишга интиламан. Бугунгача устозларим раҳбарлигида 5 та мутант пахта навларини яратдик. Бешинчи навимизга ном шу кунларимиздаги кайфиятимиздан келиб чиқиб, *«Шукрона»* деб атадик. Бизнинг шундай Ватан, шундай замонимиздан шукронамиз бўлсин, дедик».

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали магистратура талабаси **Бунёд Бобожонов:** «Муҳтарам Президентимизнинг *«Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!»* деган сўзлари доим қулоғимда. Бу сўзлар мени юксак марраларга кўтариб келаётир.

Биз ёшлар яратилган чексиз шароит ва тинчликда яшаяпмиз. Шундай экан, жаҳонда ҳеч кимдан кам эмас, балки барчадан илғор бўлиш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида «Нима, болаларимизнинг ахборот-технологияларини забт этишда, ўзлаштиришда бошқалардан кам жойи борми?» деганларида жуда таъсирланиб кетгандим. Ана шу сўзлар менга қанот берди. Электрон дастур яратишда дунё миқёсида айрим ютуқларга эришдим. «Хизмат кўрсатиш соҳаларига онлайн буюртма бериш тизими» ва бошқа шу каби кўплаб янги дастурлар яратдим. Бугунги кунга қадар АҚШнинг «Cielo Group», «Tosobox», «eBook Applications каби таниқли фирмалари билан узлуксиз ишламоқдамиз. Ҳозир дунё бўйича «Apple store» ва «Google play» интернет дўконларидан миллиардлаб одамлар ўз мобиль қурилмаларига Ўзбекистон ёшлари, яъни биз яратган дастурларни юклаб олмоқдалар. Дунёнинг йирик компаниялари бизнинг маҳсулотимизга харидор.

Мен Ўзбекистонни дастурий маҳсулотлар экспорт қиладиган давлатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқчиман. Президентимиз яратиб бераётган чексиз имкониятлар бу йўлда менга куч-қувват, мадад бағишлайди. Мен бир нарсага ишонаман, ХХI асрда биз дунёни ўз илмимиз билан хайратга соламиз!»

ЮЛДУЗИСТОНГА КЕЛИНГ

Ҳамма буюк ишлар буюк ғоялардан бошланган. Юртбошимизнинг мустабид совет тузуми даврида айтган жасоратли: **«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!»** деган даъватлари кечагидек ёдимизда. Бу даъват зулматда ётавериб, кўз олди қорайиб кетган ўзбекнинг кўзларига шуъла ёқди. Мана бугун инсоният тарихи – ғоялар тарихи эканига, буюк ишлар буюк ғоялардан бошланишига гувоҳмиз.

Президентимиз Ўзбекистон халқига миллий ғоя берди. Биз бир жону бир тан бўлиб – «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт»га интилдик. Миллий ғоямиз бахт йўлини кўрсатди. Бизни дунёнинг 158 давлати орасида 44-ўринга кўтарди. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!» деган ишонч билегимизга куч, ўзимизга шижоат бераётир. Мана бугун унинг рўёбидан баҳрамандмиз. Бахтни қўлларимиз билан тутиб, кўзларимиз билан кўриб, қулоқларимиз билан эшитиб турибмиз.

Айни вақтда айрим мамлакатларда «Миллий ғоя қандай бўлади?» деган савол атрофида тадқиқот олиб бораётган олимлар бизнинг миллий ғоямизни катта қизиқиш билан ўрганаётганлиги кишини мамнун қилади. Демак, Ўзбекистон нафақат буюк аجدодлари, янги таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шаҳарсозлик, кишлоқларда намунавий уй-жой қурилиши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқалар бўйича, балки ўзининг миллий ғояси ва унинг рўёби билан ҳам оламни мафтун этиб бормоқда.

Бир мисол. Тошкентнинг Хадра ва Себзор кўчаларини боғлаган замонавий кўприкни олайлик:

Рамазон ойи Нурафшон кўприк узра елаётган нурли нуқталар (ўзимизда чиққан енгил автомобиллар) маржони тинмай айланиб турибди. Кўприкнинг икки ёғида икки олам қувонч. Мусулмонобод Ўзбекистоннинг онахону отахонлари ифторликдан чиқиб, фавворалар шабадасидан роҳатланиб, ўриндиқларда ястаниб ўтириб, хордиқ чиқаришяпти. (Кундузи ҳаво роса исиганди-да.) Баъзиларида музқаймоқ. Хуллас, кексалар – эъзозда, бола-чақа – хизматда.

Турли туман дўконларда савдо авжида. Барака топсин, айрим тадбиркорлар Юртбошимизнинг «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили», «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким

килиши керак», деган сўзларидан рухланиб, савоб учун кексаларга ўзгача мулозаматда. Ўзимиз кўрдик: Маҳмуджон ота рамазон ҳайити арафасида аёллари Моҳира онага енгилгина бир шиппак ҳадя қилишга келган эканлар. Дўконда уларни сотувчи йигитлар алоҳида эъзоз билан кутиб олишди. Моҳира онага 82 000 сўмлик пойабзал ёқди. Сотувчи йигит Маҳмуджон отанинг «пластик»ини олиб, «Дода, 75 000 сўм бўлади», деди секин овозда. Маҳмуджон ота мамнун бўлдилар ва «»Йўқ-йўқ, болам. Пул сероб, мана», деб пластикни тутдилар. Сотувчи йигит «Хўп-хўп», деб қўйди. Маҳмуджон ота ташқарига чиқиб, терминал қоғозчасига қарадилар. Ҳмм. Сотувчи йигит билганидан қолмапти. Қоғозда 75000 сўм ёзилган эди... Маҳмуджон отанинг қўллари дуога кўтарилди... Унинг қўлларини кўтартирган молни арзон олгани эмас, кўрган эъзози эди.

Ташқарида музқаймоқхўрлик. Мусиқали клиппар қўйилган. Болажонлар жажжи-машиналарини текис йўлақларда ҳайдаб юришибди. От минишга ҳавас қилган ўғил-қизларни махсус ўргатилган ювош отларда, алоҳида эгарларга ўтқазиб, уларга чавандозлик завқини беришаётир.

Ҳаво бўлиқ ўсган райхон ҳидига тўйган. Вазнингизни ўлчамоқчимисиз, марҳамат, электрон тарозилар тайёр. Ўтирмоқчимисиз, марҳамат, камалақдек тусланиб, куйга ҳамоҳанг тарзда сув сочаётган мусиқали фавворалар атрофига юринг. Скамейкалар сизга мунтазир.

Одамларнинг юз-кўзларига қараймиз: бирорта қовоғи солиқ инсон йўқ! Ҳамманинг юзида табассум. Демак бу – аниқ бир кулгили сабабдан эмас, **балки бахтнинг online моддийлашуви эди.**

Эскалатор сизни авайлаб тепага чиқариб қўяди. Қарабсиз-ки, бир зумда пиёдалар кўпригидасиз. Энди... пиёдалар кўпригининг ўзи бир олам. У ерда севишганлар гоҳ юлдузли осмонга, гоҳ бир-бирларига қараб, хаёл суришаётир. Бир-бирларини сураатга туширишмоқда.

Бу ерлар илгари ёзда дим бўларди. Бугун шамол «юриб турибди». У «жонли ижро»да айтилаётган майин оҳангни узоқларга элтаётир. Ҳа, ўзимизнинг рус бард ҳофизимиз гитарада ўзбек эстрада кўшиғини куйлаб турибди. Қойил қолиб, чўнтагингизга қўл соласиз. Бунга кўрган бард-хофиз, шу заҳоти, кўшиғини ҳам, сизни ҳам

тўхтатади. Ўзбекчалаб: «Илтимос, керак эмас. Мен пул учун эмас, ўзимни ва одамларни хурсанд қилиш учун айтаман. Пулни қўйинг, дуо қилинг», дейди. Ҳижолат бўлиб, кулиб: «Раҳмат ука, раҳмат. Барака топинг», деб дуо қилишдан бошқа иложингиз қолмайди.

Тун. Лекин атроф чароғон. Айниқса, тунги Тошкентни самолётдан кўрсангиз, бу юлдузистонни кўриб, ҳайратга тушасиз. Кундуз куёш кўқдан Тошкентни томоша қилиб, ошиқ бўлиб қолганга ўхшайди. Тунда у Тошкентда қолиш учун нурли зарраларга айланиб, тўшалиб олгандек гўё. Эртага яна осмонга қайтади. Оламда ердан нур чиқадиган жой битта – Нурота чашмасида. Бу илоҳий мўъжиза. Бугун Тошкентдан нур чиқаётир. Бу – мустақиллик мўъжизаси. Буни кўрган, эшитган ҳар бир имон-инсофли кишининг тили ҳам, дили ҳам беихтиёр шукрона айта бошлайди. Ҳушёр тортади. Чунки бу бахтни бегоналардан қизғонади. Атрофга огоҳлик кўзлари билан боқа бошлайди.

ЭЙ БОЛАМ, СЕНИНГ ВАТАНИНГ БИТТА!

Президент Қарорида турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу бежиз эмас.

Афсуски, ёшларимизнинг айримлари уларга ишониб, алданиб, ўзларини ҳам, ота-онасини ҳам қон қақшатишди. Тасаввур қилинг. Ўзбекистон терма командаси бошқа бир давлатнинг командаси билан футбол ўйнапти. Рақиб командада Ўзбекистонда туғилиб, таълим олиб, зўр футболчи бўлган Шаҳбозжон тўп сурапти. Ўзбекистон командасига, Ўзбекистонга қарши. Ана гол! Тўп ҳам урди. Стадион тўла ватандошлари нима деб қичқиришади? Шаҳбозни нима, ким дейишади? Футбол-ку, бир ўйин, лекин ўз юртига қурол кўтариб келган Шаҳбоз ким бўлади?!

Ўйлаб қарасак, ўтган 24 йил бир қўлимиз ишда, иккинчиси мустақиллик ҳимоясида бўлиб келмоқда. Агар ёвуз кучлар бизни яратувчилик меҳнатидан чалғитмаганида, ютуқларимиз бундан-да

юксак бўлар эди. Бизга тинчлик, барқарорлик, вақт керак. Ана шу биз учун жуда қиммат неъматга қарши хуруж қилаётган ёвуз кучлар бор. Уларнинг гардеробларида никоблари кўп. Юзларига бир эмас, ўн қават никоб тортиб ёшларимиз кўзига дўстдек тусланяпти. Уларнинг қилмиш-қидирмишларини Рамазон ойининг маърифий видеофильмларида кўриб, дилимиз қанчалар оғриди.

Президентимиз қарори бугун ҳар биримиздан зийракликни, оғох ва хушёрликни, ёшларимизни турли никоблардаги мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишни, атрофимизда юз бераётган воқеаларга дахлдорликни кутмоқда. Зеро, бизларга ҳаёт, зиё берган Ватан, Давлат ва миллат бунга ҳақли. Шундай эмасми?

Кўзда ёш, тилда тавба, дилда пушмон, дўстга душман бўлиб адашган айрим юзи кора ёшларимиз халқимиздан, Президентимиздан кечиримлар сўрашмоқда. *Улар дунёда ўзларини ота-оналаридай, Президентидай, бетақроқ, ягона она Ватан – Ўзбекистонидай яхши кўрадиган ҳеч ким йўқлигини ва бўлмаслигини кечикиб тушундилар.*

24 йилда эришган натижаларимиз «Биз киммиз?» деган саволга буюк ва беҳисоб жавобларни кўрсатмоқда. Бу эса бизнинг **бир** халқнинг болалари, **бир** мероснинг ворислари, **бир** келажакнинг қурувчилари эканимизни эслатиб, бирликка куч беради.

Бунда энг таъсирчан, энг самимий ва энг самарали манба – Муҳтарам Президентимизнинг ёшларга қарата айтган фикрларидир. Жумладан, ўқиган кишини титратиб юборадиган мана бу самимий даъватни жамоат жойлари, ҳар бир маҳалла, таълим муассасасининг энг гавжум, муҳташам жойларига, битиб қўяйлик:

Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетақроқ мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ.

Қарор асосида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор

зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг аниқ режа асосида иш олиб бориши таъминланади. Айни вақтда ана шу тарғибот гуруҳларининг энг самарали иш усуллари ҳам кўрсатиб берилган. Бу эса миллий ғоя ва маънавий тарғиботини ўзининг виждон иши деб билган ҳар бир олим, зиёли, санъаткорларимизга дастуриламалдир. Жумладан, «теран идрок этиш», «юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш», «биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш», «янги марралар сари руҳлантириш», «юксак даражада ўтказиш», «акс эттириш», «кенг акс эттириш», «реал натижаларни аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш; «ёритиш», «атрофлича ёритиш», «талқин этиш», «намоён этиш», «кўрсатиш», «кенг кўламли ишларимизнинг мантикий натижаси сифатида кўрсатиш», «моҳиятини очиб бериш», «алоҳида аҳамият қаратиш», «ижтимоий аҳамиятини очиб бериш», «мисоллар ёрдамида теран очиб бериш», «алоҳида урғу бериш», каби қимматли методологик кўрсатмалар берилган. Бу эса халқимиз орасида ўтказиладиган маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар қанчалар мароқли, завқли ва таъсирчан бўлишидан дарак беради.

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК? ЭРТАГА ҚАНДАЙ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШИМИЗ – МУҚАРРАР

*Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат
– кўп, лекин бу оламда бетақрор она юртимиз,
Ўзбекистонимиз – яккаю ягона.*

Ислом КАРИМОВ

1991 йилнинг 31 августида мустақиллигимиз эълон қилинди. Ўтган 24 йил мобайнида дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улугъ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз кадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Ўтган 24 йил мобайнида биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни ўйласак, аввало: «Ким эдиг-у, ким бўлдик?» – деган ҳаётий саволга жавоб излаймиз. Аммо кўнгил бунинг ўзи билангина таскин топмайди, чунки табиий равишда: «Эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» – деган ўйлар ўтади ҳаёлимиздан.

Бежиз эмаски, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов яқингинада «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» касб байрами муносабати билан йўллаган табригида айнан: *«Биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?»* – деган даъват, авваламбор, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз», – деди.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, биз дунёдаги тарихан буюк тараққиёт босқичларини босиб ўтган халқмиз. Араб босқинига қадар ҳам бу кўҳна юртимизда жуда катта ривожланиш юз берган. Камида араб истилосидан кейинги IX – XII, мўғул босқинидан сўнг бўй кўрсатган XIV – XV асрлар тамаддуни (цивилизацияси)

даражасини кўз олдимизга келтирайлик. Бу икки даврда халқимиз тараққиётда дунёнинг олди ўринларидан бирини эгаллаб турган.

Аммо XVI асрдан эътиборан юртимизда таназзул юз бера бошлади. Бу борган сари чуқурлашди. Охири юртимизнинг чор Россияси томонидан жуда осонлик билан босиб олинishiга олиб келди. Қарийб бир ярим асрга чўзилган истибдод даврида Ўзбекистонимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани, халқнинг руҳи топталгани, қадди букилганини тасаввурга келтириш қийин эмас.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан тамоман бу ҳуқуқдан маҳрум қилиб ташланди. У ҳамма масалада ўша муҳитнинг қошу қовоғига қараб иш кўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёклама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Чунки иқтисодиётнинг «олтин» қондаси шуки, ҳеч қачон хомашё сотган бой бўлмайди. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган 5 миллион тоннадан ортиқ пахтанинг атиги 8 – 10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис кўз олдимизга келтириш учун Ислом Каримов томонидан 1990 йил 4 июнида қайд этиб ўтилган мана бу маълумотларга диққат қилайлик:

«...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. ...Ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол

қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришида ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмагани.

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисмини ўзбеклар ташкил этиши, қардош миллатлар вакилларида иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишига қарамай, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Ҳатто, ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги диссертациялар ҳам рус тилида ёзилиб, ёқланар эди. Шўро даврида миллат, аввал арабий, кейин лотин, ундан сўнг эса кирилл ёзуви асосидаги алифболарда савод чиқаришга мажбур қилинди. Мақсад – халқни ўз ўзанларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тариқа унга тарихини унуттириш эди. Муқаддас динимиз бадном қилинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зиёратгоҳ ва қадамжоларимиз топталди.

Холбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равнақ топади.

Ниҳоят Мустақиллик шарофати билан республикамиз иқтисодиёти қарийб 5 баробар ўсди. Бу эса аввало, аҳолининг ялпи реал даромадларининг кўпайишига олиб келди. Бу кўрсаткич жон бошига 8,2 карра ошди. Сўнгги 10 йил мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди.

Бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттаси – енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келяпти.

Бундай ютуқларнинг адоғи йўқ. Хўш, уларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электрпоезди қатнови йўлга қўйилди. Дастлаб, фақат чоршанба ва шанба кунлари қатнаган мазкур поезд кейинчалик ҳар куни юрадиган бўлди. 215 йўловчини ташиш имконига эга бу поезд 2 соатда манзилга етади. Ҳозир ҳар куни 2 та поезд шу маршрут бўйича юряпти. Бу замонавий тезюрар электрпоезд ҳаракатини Бухорога олиб бориш учун катта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурилди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довони. 1998 йили бошланиб, қисқа бир муддатларда фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиш – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тариқа мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойгача бориш учун зўр имконият очилди.

Фарғона водийси – соф жўғрофий тушунча. Чор атрофи тоғ билан ўралган бу ҳудудда Ўзбекистонимизнинг уч (Андижон, Наманган, Фарғона), Қирғизистоннинг уч (Боткент, Жалолобод, Ўш) ва Тожикистоннинг бир (Сўғд) вилояти жойлашган. Водийни тоғлар ҳар тарафдан ўраб олган. Фақат бир жойдан – Бекобод тарафда табиий «дарвоза» бор. Сирдарё дарёси ҳам шу ердан оқиб келади. Темир йўл ва автомобиль магистраль йўли ҳам шу очикликдан ўтган.

Айнан ана шу табиий шароитни ҳисобга олиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша XV – XVI асрлардаёқ бу водийни қиш маҳаллари ёғий (душман) босолмаслигини ёзиб кетган. Чунки тоғларга қор тушгандан кейин у ёққа ўтиб бўлмай қолади-да.

Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимизнинг қарийб 10 миллион кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан

мавжуд Қамчиқ довининг илон изи йўлларида қиш маҳаллари ҳам ёз пайтлари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон йўқ эди. Тожикистон орқали ўтган катта йўл билан юришга эса биринчидан, узок масофани айланишга тўғри келар, иккинчидан, бу қўшни мамлакат яқин-яқинларгача тинч эмас, учинчидан, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир ҳамсоя давлат ҳудуди орқали юриш ҳар та- рафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, *давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бора- сида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш – Қамчиқ довони бўлди*, деб баралла айта оламиз. Бу стра- тегик аҳамиятга эга буюк иншоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Ёш, энди қаддини ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу нақадар катта ютуқ эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Биринчидан, бу водийда яшаётган аҳоли мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан осон боғланди, юкини олиб келиши, етиштирган маҳсулотларини, жумладан, ЎзДЭУда яратилаётган автомобилларни олиб чиқиши учун қулай имкониятга эга бўлди. Иккинчидан, водийдаги ишлаб чиқариш корхоналари хомашё билан таъминланипти, айниқса, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта иш- лаш заводларига Ангрендан катта-катта махсус машиналарда кечаю кундуз нефть хомашёси ташиляпти.

Шу тариқа мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳатдан мустаҳкамланди.

2016 йилга бориб ана шу Қамчиқ довони бўйлаб замонавий темир йўл ишга туширилади. Ҳозирги пайтда бу ерда кечасию кундузи кизгин кетяпти. Ангрендан Поп, Попдан эса Ангрен томонга қараб қурилиш давом эттириляпти. Бунёд этилаётган янги темир йўл кун сайингина эмас, соат сайин бир-бирига яқинлашиб, масофа тобора қисқариб келяпти.

Ўзбекистонимизнинг шимолида жойлашган икки минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа борадиган темир йўл Туркменистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чиққанидан кейин

қўшни давлат чўллари узра нақ бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ютказилар, қолаверса, ҳар бир вагон учун бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган **Навоий – Учқудуқ – Султонувайс тоғ – Нукус** темир йўли ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд Туркменистон ҳудудида соатлаб юриши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган **Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли** ишга туширилди.

Шу тарика жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам уланди.

Президент Ислом Каримов 2007 йилнинг 30 августидаги маърузасида *«юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига ҳам республикаимизни жадал тараққий топтиришининг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилаётгани»*ни, биз санаб ўтган шу уч буюк йўлнинг *«бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини»* алоҳида қайд этди. Таъкидландики: *«Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди»*.

Биз эришаётган ютуқларни дунё кўриб, билиб турибди. Кейинги йилларда Ўзбекистонимизда долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда халқаро конференциялар ўтказиш яхши анъанага айланди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотлар амалга ошириляпти. **2011 йилнинг 22 – 23 апрель кунлари Тошкентда бу борада Ўзбекистон тажрибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни амалга ошириш юксак самарадорлигини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция**

бўлиб ўтди. Унда 46 мамлакат ҳамда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг 200 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни химоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касбуналарни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар масаласида 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 25 майдаги Фармони мамлакатимизда аёлларга муносабатнинг янги даражага кўтарилишини таъминлади. Шу Фармонга биноан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг хотин-қизлардан тайинланадиган, маош билан таъминланадиган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозими жорий этилди. Ўша йил 29 июнда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 13 апрелдаги, «2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу ишлар қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ишчи комиссиялари ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

2011 йилнинг 26 ноябрь куни Тошкентдаги «Маърифат маркази» мажмуасидаги Симпозиумлар саройида **«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола»** мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қатнашиб, нутқ сўзлади. Шунингдек, анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Ченнинг нутқи ҳам тингланди. Маргарет Чен 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган эди. 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни ҳамда А. Бакулов номидаги Юрак-қон томир жаррохлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди.

1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Шу ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонимиз «Save the children» («Болаларни асрайлик») ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

2012 йил 12 – 14 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Маърифат маркази» мажмуасининг Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган **«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти»** мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу форумнинг очилишида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Иштирокчилар мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор эканини қайд этишди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча*

чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги қарори асосида 159 туман қишлоғида 900 дан зиёд янги уй-жойлар барпо этилди, намунавий лойиҳалар асосида майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг янги масивларида 750 километрлик автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрлик электр ва газ тармоқлари, 800 дан зиёд ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфрагузилмаси объектлари бунёд этилди.

2012 йилнинг мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида жами 900 та тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2013 йили улар сонини 1050 тага етказиш учун ҳаракат олиб борилади ва бунинг учун йил давомида банклар томонидан 83 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган эди. Шунинг учун ҳам 2013 йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкентда **«Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили»** мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Унда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, 60 дан ортиқ мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Унда Ўзбекистонимизнинг бу борадаги бой тажрибаси ўрганилди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади. Конференция иштирокчилари, *Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларини бошқаларга ибрат бўлишига арзийди*, деб тан олишди.

Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Чиндан ҳам, бугун туман марказларигина эмас, ҳатто, қишлоқларимиз ҳам замонавийлашиб, тобора обод ва гўзал бўлиб борапти.

...Бир неча йиллар олдинлар қўшни Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги вилоятларимизга чегара ҳудудларида никоҳ тўйи ўтказилса, келин-куёв ва уларга ҳамроҳ куёв жўраю келин-дугоналар давлат чегарасига келиб, Ўзбекистон ҳудудидаги янги қад ростлаган, ҳамманинг ҳавасини келтириб турган академик лицей ёхуд касб-хунар коллежи биноси олдида суратга ва видеога тушишни илтимос қилишар экан. Сабабини сўрашганида: *«Бизда суратга тушишига лойиқ бирор тузукроқ иморат йўқ-да»*, – дейишар экан...

Инсон ҳаётга бир марта келади. Унинг бебаҳо умри ўзига уй қуриш билан ўтиб кетмаслиги керак. Биринчидан, ҳар ким ўз касби билан шуғуллангани маъқул. Уйларни мутахассислар курсин. Шунда ҳар ким ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассиси бўлиши учун имкон, яъни вақт пайдо бўлади. Ахир, кундузи ўз касбида ишлаб, кечаси билан эру хотин лой қориб, деворга лой суваб юрганлар каммиди? Иккинчидан, қинғир-қийшиқ, бетартиб, бережа қурилган уйларнинг даври ўтди. Энди қишлоқлар ҳам ҳар томонлама талаб даражасида ҳам қулай, ҳам шинам, ҳам кўзни қувонтирадиган даражада кўркам бўлиши керак. Учинчидан, уй-жой узоқ муддатга хизмат қиладиган қилиб бунёд этилиши, шу тариқа авлодлар меҳнати иқтисод қилиниши лозим. Ҳозирги намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ уйлари пишиқ ғиштдан қуриляпти, бунда уларнинг узоқ йиллар хизмат қилиши кўзда тутилган.

Ҳар қандай мамлакат камоли комплекс ҳолда юз берадиган тараққиётни талаб этади.

Дунёда таълим тизимига сарфланган маблағ *ҳеч қачон зое кетмайдиган капитал*, деб ҳисобланади. Чунки тараққиётни ким амалга оширади? Одамлар. Таълим тизимини такомиллаштириш – *одамнинг билимини ошириш, илм сифатнинг даражасини ошириш*, деган гап.

Бу борада 1997 йилдан буён изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури алоҳида аҳамият касб этди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарिलाб боришида мустаҳкам пойдевор яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти. Президентимизнинг 2011 йил 20 майда имзоланган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу Қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини

модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Мазкур Қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Бу учала олий таълим муассасасининг янги йўналишида замонавий технологиялар сари модернизациялаш тамойили яққол кўриниб турибди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил 16 – 17 февраль кунлари Тошкентда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов «Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад» мавзуида нутқ сўзлади. Конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: *«Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган «ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди»*. Халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича танланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилди.

2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизи-

мини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 28 декабрда эса уни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмайдиган, фақат магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланадиган бўлди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омиллари ҳаммамизни қувонтиради.

Мустақиллик туфайли биз дунёдаги бой маданий меросга эга халқлардан бири эканимизни бутун жаҳонга кўрсатиш имконини қўлга киритдик. 2009 йили Наврўз байрами ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида «Наврўз халқаро куни» деган резолюция қабул қилинди. 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ташаббуси билан БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами тантанали равишда нишонланди.

1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос тушади.

2013 йилнинг 25 январиди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу конференция қарори Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида ана шу конференция қарори ижросини таъминлаш бўйича фаол иш олиб бориляпти.

Ўзбекистонимиз ҳар тарафлама тараққиёт босқичига кирди. За-мон эса ҳаётни яхшилашнинг турли-туман йўллари-ни излаб топишни тақозо этмоқда.

2013 йил 18 мартда Президентимизнинг «Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу Навоий ва Ангрендан кейинги учинчи шундай зона бўлди. Сирдарё вилоятидаги Сирдарё туманида Жиззах махсус индустриал зонасининг филиали ҳам очилди. Бу махсус индустриал зона қатнашчилари кўпгина солиқлар, мажбурий ажратмалар ва бож тўловларидан озод қилинди. Бундай зоналар иқтисодий тараққиётга, янги иш жойлари яратишга омил бўлади, мамлакатимизга хорижий инвестициялар киришини кучайтиради.

2013 йилнинг 20 – 23 ноябрь кунлари Тошкентда Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун кўплаб хорижлик мутахассис, олим ва экспертлар мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу йиғилишнинг айнан бизнинг юртда ўтказилгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ муқобил энергиядан фойдаланишни кучайтириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, ушбу институт фаолияти, тадқиқотчилар учун яратилган шарт-шароит, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан танишишди. Шунингдек, улар Самарқандга ташриф буюриб, Қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасининг тақдимида иштирок этишди. Хорижликлар Ўзбекистонимиз муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлашди. Бу борада катта халқаро ҳамкорлик режалари тузилди.

Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда **«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти»** мавзуида халқаро

конференция бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида Ислон Каримов, Шарқдан чиққан жами 26 буюк аллома ва мутафаккирни зикр этиб, улар меросининг башарият равнақида тутган ўрни ҳақида фикр билдириб ўтди.

Булар куйидаги кетма-кетликда эслаб ўтилди – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср ибн Ирок, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Али Коший, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Абрў, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий.

Ана шу халқаро конференцияда ҳам бир овоздан қайд этилдики, жаҳон тамаддуни равнақида Шарқнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг буюк ҳиссаси мавжуд. Истиқлол туфайли биз яна қайтадан ана ўша буюк боболаримизга тенг бўлишга интилиш ҳукукини қўлга киритдик.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларида айтганларидек: *«Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат – кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона».*

Хўш, Ер юзида нечта давлат бор?

Ер юзида ҳозир катта-кичик жами 252 мамлакат бор. Албатта, улар турли асосларга кўра муайян ўринларга ажратилади.

Улар орасида Ўзбекистонимиз нечанчи ўринда туради?

Ер майдони жиҳатидан Ўзбекистонимиз жаҳоннинг 55-мамлакати ҳисобланади. *Аҳолининг сонига қараб бўлинишга* келсак, Ўзбекистон бу бўйича янада юқорирок, яъни 42-ўринни ишғол этган. *Иқтисодиёт.* Иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистонимизнинг ўрнини тайин этаётганда шуни асло унутмаслигимиз лозимки, узоқ йиллар мустамлака исканжасида ҳаёт кечиришга мажбур бўлган бирон-бир давлат ва халқ рўшнолик кўрган, яъни иқтисодий тараққиётга эришган эмас. Қарийб бир ярим асрга чўзилган сўнгги мустамлака даврида Ўзбекистонимиз ҳам жаҳон иқтисодий тараққиётидан кўп орқада қолиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Албатта, биз ўта ривожланган (АҚШ, Канада, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония) ёки ривожланган (Австралия, Аргентина, Брази-

лия, Жанубий Африка Республикаси, Жанубий Корея, Индонезия, Мексика, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Ҳиндистон) сафида эмасмиз. Лекин жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонимиз ҳар йили 8 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори даражаларга эришяпти. Яна бир ютуғимиз шуки, Ўзбекистонимизнинг ташқи қарзи мамлакат бир йиллик ялпи ички маҳсулотининг ўртача 10 фоизидан ошмайди¹.

Дунёда мамлакатларга халқининг башарият умумтараққиёти, яъни тамаддунига қўшган ҳиссасига асосланган ҳолда ўрин ажратиш тажрибаси ҳам бор. Бу – айнан маънавият дегани.

Қўҳна тарих мобайнида башарият тамаддуни раванкига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар эса у қадар кўп эмас: Хитой, Ҳиндистон, Турон (Ўзбекистон), Эрон, Вавильон (Ироқ), Византия, Арабистон (Саудия), Миср, Юнонистон, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия... Марказий Осиёнинг тамаддунга бешик бўлган марказлари, асосан, бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўғри келади. Бу рўйхатни ҳеч ким ўз ихтиёрича кенгайтириб юборишга ҳақли эмас. Бу рўйхатнинг ўрталарида Ўзбекистон деган муқаддас диёрнинг номи ҳам мустаҳкам ўрин олиб турибди! Шу нуқтаи назардан, биз – шак-шубҳасиз, буюк халқмиз. Турон деганда эса, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди кўзда тутилади. Чунки қадим-қадимдан тамаддун айнан шу ҳудудда раванқ топгани, биздан не-не буюк зотлар етишиб чиққани – ҳаммага маълум. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида 46 нафар ана шундай буюк шахснинг номи тилга олинадики, уларнинг аксарияти ё бевосита бугунги Ўзбекистон ҳудудига, ё бевосита ўзбек маданиятига дахлдор.

Маънавият борасида бугун жаҳондаги санокли мамлакатларнинг бири эканимизни баралла айтиш учун ҳам давлатимиз мустақил бўлиши керак эди. Аммо шу буюклик туйғуси истибдод йилларида куч билан халқ миллий руҳиятидан сиқиб чиқарилган, ўчай-ўчай деб қолган милтироқ чироқ шуъласи янглиғ пасайтириб ташланган

¹ «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни тарғиб қилиш бўйича йўриқнома. –Т.: «Мухаррир» нашриёти. 2011. 3–30-бетлар.

эди. Энди истиклол шарофати билан шу пиликни кўтариб қўйиш имконини қўлга киритдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган «Буюк аждодларимиз мероси – бутун инсониятнинг маънавий бойлиги» деб номланган нутқида Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – «ИНСЕАД» томонидан 2012 йили ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра мамлакатимизнинг дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб тургани маълум қилинди. Шунга кўра, Ўзбекистонимизнинг нечанчи ўринда туриши ҳақидаги саноғимизни давом эттирамиз.

Инсон капиталининг тараққиёт даражаси Ўзбекистонимиз 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллаб турибди. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича мамлакатимиз Ер юзида 5-ўринни ишғол этади.

Ёш мустақил давлат учун бу кўрсаткичлар жуда юқори даражалар ҳисобланади, албатта. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз шундай таъкидлайди: *«Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан ишгулланадиган илмий-таҳлилий марказ мажудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали, деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даввогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашига ҳақлимиз, деб ўйлайман».*

1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир бор Самарқандда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бой ва қадимий мусикий маданиятимизни жаҳонга кўз-кўз қилишнинг бир воситасига айланди. 1997 йили бу фестивалга 31 давлат вакиллари иштирок этган бўлса, 2013 йили ўтказилган тўққизинчи фестивалга 53 мамлакатдан меҳмон келди. Бу йилги фестивалга 60 дан зиёд давлат артистлари таклиф юборган. Мусикий байрам мусикий фольклор ва академик ижрочилик маҳоратини қайта тиклаш, сақлаш ва янада

бойитиш ўзбек халқ ва мумтоз мусиқа санъатини дунёга ёйишга ҳизмат қиляпти.

Ўзбек миллий маданиятининг қатор феноменлари ЮНЕСКО инсоният оғзаки ва номоддий мероси Бутунжаҳон рўйхатига киритилди. 2001 йили Бойсун маданий ҳудуди шу рўйхатдан ўрин олди. У ерда халқ ижодиётининг барча турлари ажойиб тарзда сақлаб қолинган. 2003 йили шашмаком шу рўйхатга лойиқ кўрилди. 2009 йили бу мўътабар таркиб Фарғона водийси қатта ашуласи билан тўлдирилди. Шунингдек, худди шу 2009 йили қатор Шарқ халқларининг қадимий байрами ҳисобланмиш Наврўз ЮНЕСКО инсоният оғзаки ва номоддий мероси Бутунжаҳон рўйхатига киритилди. 2010 йили эса БМТ 21 мартни «Наврўз халқаро куни» деб эълон қилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 7,5 мингдан ошиқ маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги БМТнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Хиванинг Ичанқалъа комплекси, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг тарихий марказлари, Самарқанд шаҳри – шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 – 2020 йилларда номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, уларни сақлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизда улкан ишлар амалга ошириляпти. Соҳа мутахассислари заҳматли меҳнати эвазига мамлакатимизда Ўзбекистон маданий мероси объектлари харитаси тузилди. Унда қадимий тош давридан то ҳозирги замонгача бўлган давр қамраб олинган.

Бугун биз ўта таҳликали ва қалтис замонда яшаяпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг қатта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз зарур. Миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш бугун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» йўллаган байрам табригида, жумладан: «...*Маънавиятни асраш – аввало, инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир. Маънавий дунёмизга*

қариши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб браётган бугунги вазиятда бу ўтқир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим», – дейилади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда яқин ва узоқ қўшниларимиз билан олиб бораётган дўстона алоқалари, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро теран англаши лозим. Шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, бугунги тинчлик-осойишталик ўз-ўзича таъминланаётгани йўқ.

Инсон учун она Ватанидан азизроқ макон йўқ бу дунёда.

Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Биз у билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак ҳам – кам. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, раванг топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос бўлади. Бинобарин, ҳар бир фуқаро, мухтарам Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганларидек: «*Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!*» – деб баралла айтсин.

Чунки мустақиллигимизнинг ҳар бир йили бизни шунга даъват этади.

Лекин яна бир доно ҳикматга қатъий амал қилишимиз лозим. Президентимиз Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида шу йилнинг 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлганида алоҳида таъкидлаганидек: «Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг кадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди».



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МАЁҒИ

*Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа
муддат бўлган 15–20 йил давомида бизнинг бош
мақсадимиз – дунёдаги ривожланган демократик
давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз
аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифати-
ни яратиш йўлида зоят улкан қадам қўйди.*

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида барқарор ривожланаётган мустақил давлат сифатида ўзининг мустаҳкам ва муносиб ўрнига эга бўлди. Мамлакатимиз жаҳон майдонида юз бераётган глобал жараёнларда ҳам ўз сўзи, мустаҳкам позицияси билан дадил интеграциялашмоқда. Ватанимиз иқтисодиёт, замонавий ишлаб чиқариш, интеллектуал-маданий соҳаларда барқарор юқсалиш тенденциясини намоён этмоқда.

Халқимиз ўзининг уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизациясини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Математика, тиббиёт, астрономия, кимё, адабиёт, тарих ва бошқа фан соҳаларида буюк кашфиётлар қилишга эришди. Дунё илмий жамоатчилиги ўзбекистонлик буюк мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани, маданиятига қўшган ҳиссасини яқдиллик билан эътироф этмоқда.

Президентимиз И Каримов меҳнаткаш халқимизнинг бой интеллектуал-маданий салоҳияти, она заминимизнинг ерости ва ерусти бойликлари, буюк аجدодларимизнинг руҳига таянган ҳолда мустақиллигимизнинг илк йиллариданок «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» шиорини илгари сурди. Мазкур даъватни рўёбга чиқариш, озод, эркин ва мустақил давлат бунёд этиш йўлидан дадил илгарилашнинг асоси бўлган, ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларда ҳам барқарор тараққиётни таъминловчи беш тамойилдан иборат миллий тараққиёт моделига асос солинди.

Ўтган 24 йиллик мустақил тараққиёт йўлимизда эришилган барча муваффақиятлар ана шу беш тамойилга оғишмай амал қилиб келинганининг ёрқин натижалари сифатида тарихга кирди.

Дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва экспертлари юртимиздаги барча соҳаларнинг баравж ва мутаносиб юксалаётганига асосланиб, мамлакатимизни тез ва барқарор ривожланаётган истиқболи порлоқ давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишга ҳақли деб эътироф этмоқда.

Ўзбекистон жадал суръатлар билан ривожланаётган, замонавий технологиялар асосида саноатлашган, маънавий интеллектуал салоҳияти юксак бўлган давлатга айланди. Истиқлол йилларида халқимизнинг ҳаёти ҳар томонлама фаровонлашди. Одамларнинг эртанги кунга, ёруғ истиқболга бўлган ишончи кучайди. Энг муҳим тарихий ютуқларимиздан бири – Ўзбекистон халқи буюк мақсадлар йўлида яқдил миллат сифатида бирлашди.

Истиқлол йилларида эришилган ана шу муваффақиятлар асосида Президентимиз мамлакатимиз, халқимизнинг нурли истиқболини яққол ифода этувчи янги даъватни, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш ғоясини илгари сурди. Бу халқимизнинг мустақилликка эришишдан иборат эзгу орзуси рўёбга чиққанидан кейинги энг олий мақсади ҳамда барча саъй-ҳаракатларимизнинг минтақавий давомидир.

Шунинг учун ушбу ғоя қуйидаги иқтисодий, маънавий ҳамда интеллектуал асосларга таянади:

1. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг беш тамойили деб номланувчи, яъни илгари андозаси бўлмаган, моҳиятан янги ва ноёб «Ўзбек модели»га таянган ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарор ривожланиб бораётганимиз аҳоли турмуш фаровонлигининг узлуксиз яхшиланиб, бунёдкорлик ижтимоий тараққиётимизнинг муҳим омилигади.

2. Халқимиз истиқлол йилларида юксак интеллектуал-маънавий салоҳият инсон капиталини ривожлантириш бўйича дунё эътирофига сазовор натижаларга эришди иқтисодий тараққиётга кенг йўл очмоқда.

3. Мамлакатимизнинг бой ерости ва ерусти имкониятларга эгаллиги, етарли сув таъминоти, қулай иқлим, унумдор тупроқ юрти эканлиги;

4. Юртимиз дунёнинг қоқ марказида жойлашганлиги, боис ҳар томонлама қулай коммуникациялар тизими бунёд этилган, ҳаво, темир йўл, автомобил транспортининг ривожланган инфратузилмасига эга.

5. Ўзбекистон халқининг асрлар мобайнида таркиб топган, миллий минталитетга эгалиги ватандошларимизда бошқаларга ижобий ибрат, намуна, етакчи бўлиш фазилатларининг чуқур тарихий илдизларга таянади. Шунинг учун истиқлол йилларида халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ҳар томонлама кучаймоқда.

6. Истиқлол йиллари мобайнида халқимиз ўз буюк аجدодлари улуғ салоҳияти илмий ҳамда маънавий жасоратининг ҳақли вориси сифатида дунё интеллектуал-маърифий майдонида ўзлигини юксак иқтидор эгаси, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам барча учун мақбул бўладиган оқилдона ечимлар қабул қила олувчи, узоқни кўзлаб иш тута оладиган миллат сифатида ўзининг юксак маънавияти, бой интеллектуал салоҳиятини ёрқин намоён этмоқда.

7. Улуғ аجدодларимиз томонидан яратилган буюк кашфиётларнинг барчаси моҳиятан ноёб, илгари тажрибада кузатилмаган, инсоният тарихида биринчи бора амалга оширилганлиги учун аҳамияти жиҳатдан фавқуллодда ҳодисалар эканлиги дунё жамоатчилиги томонидан яқдил эътироф этилган.

8. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларининг халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланиб келяпти, негаки, одамлар бу жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки онгли иштирокчисига айланган.

Миллий стратегиямизнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда ўзига хос локомотиви вазифасини таълим, маърифат омили бажарса, унинг иккинчи муҳим жиҳатини, яъни таълимни бунёдкор кучга айлантирадиган имкониятни инсон капитали, баркамол шахс омили ташкил этади. Юртбошимиз мазкур омилнинг нечоғли муҳимлигини алоҳида таъкидлаб, шундай деган эдилар: «Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданок бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шarti – ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом

ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айна пайтда тарихий кадам бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узокни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради».

Миллий стратегиямизни амалга оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш таълим омили ўзининг бунёдкорлик моҳиятини қўйидагилар орқали ёрқин намоён этмоқда:

- Таълим ва тарбиянинг юксак инсонпарварлик, демократик, соғлом рақобат ҳамда ўзаро ёрдам муҳитида амалга оширилиши;
- Таълимнинг шахс салоҳиятини чиқаришдаги узлуксизлиги ва изчиллиги;
- Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқлиги;
- Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимнинг инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилганлиги;
- Ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчиларнинг замонавий компьютер технологияларини пухта ўзлаштириб, камида иккита хорижий тилни эгаллаётган ҳамда 2-3 та касб-хунар соҳиби бўлиб ҳаётга, бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёр ҳолда кириб боришлари таъминланганлиги;
- Таълим ва тарбиянинг инсонни касбий ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлиги;
- Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очқлиги;
- Юксак малакали мутахассис бўлишга илғор хорижий тажрибаларга таяниш ва уларни мақсадли ўзлаштириб боришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- Таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашувнинг мавжудлиги;
- Кенг дунёқарашга эгалик, ҳар томонлама билимли бўлишнинг ҳамда ёшлар истеъдодини рўйёбга чиқариш жараёнларининг

давлат ва жамият томонидан қўллаб қувватланиши ва мунтазам рағбатлантирилиши;

- Таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувининг уйғунлаштирилганлиги.

Шундай экан, Ватанимиз олий мақсади, миллий стратегиясининг ҳаётбахш кучини ишга тушириш, миллатимизнинг улуғ орзуларини рўёбга чиқаришдаги имкониятларини амалга ошириш учун қуйидги кенг қўламли фаолиятни йўлга қўйиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги олий мақсади, миллий стратегиясини тизимли тарзда аҳоли турли табақалари, хусусан, ёшларнинг муқаддас орзуси, идеали, бош истиқболий мўлжалига айлантириш долзарб ижтимоий вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифаларни маънавий, маърифий тарғибот тарзида олиб бориш учун қуйидагиларни устувор вазифа этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

- юксак ривожланган, демократик давлатлар қаторида бўлишдек олий мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотлар қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурининг аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари орасида жадал тарғиб қилиш. Юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ин-формацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларининг жаҳон ҳамжамияти ва дунё ташкилотлари томонидан бир овоздан эътироф этилганлигини кенг тарғиб этиш;

- аҳолининг турли қатламлари, хусусан ёшлар орасида тарихий хотирага, миллий ўзликка эга бўлиш заруратини англаштириш борасидаги кенг қўламли тарғибот ишларини олиб бориш, миллий маънавиятимиз обидаларини асраш, эъзозлаш ва маданий меросимизни ёшлар томонидан мақсадли ҳамда онгли ўзлаштирилишига эришишнинг самарали механизмларини янада такомиллаштириш;

- мамлакатимизда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг самарали механизмлари қўлланилаётгани, инсон капитални ривожлантириш жараёнларининг нечоғли самарали кечаётганини кенг тарғиб этиш;

– улуғ мутафаккирларимизнинг дунё таммадунига қўшган буюк хиссаларини халқимиз онги ва қалбига етказиш ҳамда шу асосда миллий ғурур туйғуси тарбиясини кучайтириш;

– мамлакатимиз ёшларининг санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ҳар томонлама рағбатлантириб бориш, кино, театр санъатининг халқимиз барча қатламлари орасидаги аҳамиятини тушунтириб бориш;

– халқимизнинг миллий қадриятлар, тарихий обидаларга бўлган эҳтиромли муносабатини, айниқса ёшларнинг муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва музейларга ташрифларини мунтазам ташкил этиш;

– ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, бадиий-эстетик диди ва савиясини узлуксиз юксалтириб бориш мақсадида мутолаа маданиятини ривожлантириш, бу борада ўзига хос мусобақа ва танловларни ташкил этиш, «Зиёнет» тармоғида ҳар бир таълим субъектининг ўз электрон-ахборот ресурсларини яратиш ишларини маънавий рағбатлантириш;

– юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва азиз авлиёлари-мизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига эҳтиром, диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш;

– мустақиллик – ҳуқуқ эканлигининг мазмун-моҳиятини таълим тизимининг барча бўғинларида, шунингдек, таълимдан ташқари тузилмалар доирасида фаолият юритаётганлар орасида ҳам тизимли тарғиб этиш;

– оила, маҳалла, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасалари ва таълимдан ташқари муассасаларда комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ҳамда онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

– фуқаролар қалбида эркин тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-

маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли таклифлар ва тавфсиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

– йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган амалий фаолият натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашрлари бўлимиш «Тафаккур», «Маънавий ҳаёт» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, «Маънавият» нашриёти орқали мунтазам чоп этиб бориш, шу билан бирга, ҳар ойда амалга оширилган позитив ўзгаришлар ҳақидаги ахборотлардан веб-сайтлар орқали мунтазам равишда кенг жамоатчиликни хабардор этиб бориш.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги сўзлаган нутқида миллий стратегиямизни амалга ошириш борасида изчил илгарилаётганимиз ҳақида шундай фикрларни баён этди:

«Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес мактабларидан бири – «ИНСЕАД» томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта. Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдоримиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан рухланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Дунёда биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз, деб ўйлайман».

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш Ҳукуматнинг олдида қўйган муҳим устувор йўналишлардан бирига айланди. Биз ўз мустақиллигимизни «фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак», «ўзимиз ҳаракат қилмасак четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди»¹ деган қатъийлик билан собитқадам тарзда қарор топтирдик ҳамда босқичма-босқич мустаҳкамлаб бордик.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий масалаларини ва иқтисодий ислоҳотлар йўналишларини мақсадли ҳал қилиш вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўз нутқида «Мустақил Ўзбекистон давлатнинг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади»² деган дастур ғоясини бутун дунёга баён қилди ва мана йигирма уч йилдирки давлатимиз мазкур принципдан оғишмасдан, қатъий амал қилиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ютуқларига тўлақонли баҳо бериш ва унинг мазмун моҳиятини келажак авлодга рўйи-рост тушунтириб бериш учун албатта, республикаимизнинг мустақилликкача бўлган собиқ Иттифок давридаги ҳолатини таҳлил этиш муҳимдир.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифокдаги ўртача даражага нисбатан ҳолати
(1990 йил, аҳоли жон бошига)³

Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12 ўрин
Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 ҳисса паст


¹ **Ислон Каримов.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2012, 13-бет.

² Ўша манба, 25-б.

Д а в о м и

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 фоиз аҳоли)	2 ҳисса кўп

Келтирилган 1-жадвалдан кўринадики, Собиқ Иттифок мамлакатлари ичида Ўзбекистон энг сўнгги ўринларни эгаллаган.



1-расм. Собиқ Иттифок республикаларида истеъмол товарларини олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича савдо баланси сальдоси (1990 й., млн. руб.)

Ўзбекистоннинг мустақилликдан олдинги иқтисодий ҳолатини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Ўзбекистон собиқ Иттифокда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича охириги ўринларни эгаллаган;
- иқтисодиётнинг бир томонлама қарамликка қаратилган хом ашё йўналиши;

– экспорт таркибида хомашёнинг улуши 70 фоиздан ортиқ бўлган;

– аҳоли учдан икки қисмининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжлари бошқа республикалардан етказиб берилган;

– болалар ўлими бўйича дунёда юқори ўринларни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти истиқлолнинг дастлабки кунларида «ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бар-тараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир»¹ деб айтган сўзларида қанчалик чуқур ҳаётий маъно борлигини бугунги вазият исботлаб турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини белгилаб берар эканлар инқилобий йўл билан эмас, балки тадрижий йўл билан аҳолини заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали амалга оширилиши ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтганлар: Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик².

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодиётида олиб борилган ислохотларнинг асосий йўналиши бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ривожлантириш деб белгилаб олинди ва бу жарёнларнинг негизида бозорга ўтиш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш принципи асос қилиниб давлатнинг асосий ислохотчи сифатида фаол иштироки таъминланди. Бунда даставвал мулкчиликка бўлган муносабат ўзгарди, хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилди. Хусусий мулк мулкнинг бошқа шакллари қаторида тўла эътироф этилди ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланди. Бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва ташқи

¹ **Ислоҳ Каримов.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 27-бет.

² **Ислоҳ Каримов.** «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар». XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ.

иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари – биржалар, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари, савдо уйлари ташкил этилди.

Мамлакатда кенг амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига нафақат савдо, маҳаллий саноат ва маиший хизмат тармоқлари, балки амалда барча халқ хўжалик тармоқларининг корхоналари киритилиши белгилаб олинди. Натижада иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгариб, яъни давлат корхоналари акциядорлик, ижара, жамоа корхоналарга айлантирилибгина қолмасдан, балки мулкдорларнинг янги, «учинчи» қатлами вужудга келтирилди.

Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Дастлаб, 300 дан ортиқ совхоз давлат тасарруфидан чиқарилиб, аксарият қисми жамоа ва кооператив хўжаликларига айлантирилди. Қолганлари ижарачиларга берилди ёки мулкчиликнинг бошқа турларига айланди. Қишлоқ хўжалигида 12,5 мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари тузилиб уларга 112 минг гектар ер бириктириб берилди. 1993 йил охирига бориб давлат тасарруфидан чиққан қишлоқ корхоналарининг сони 700 тадан ошиши режалаштирилган эди¹.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича ислоҳотларни изчил амалга оширила бориб аҳоли турмуш шароитининг кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда 1993 йил ўзгаришларга бой давр бўлди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари ва шакллари тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистон ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар пасайишини деярли тўхтатди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса муайян даражада ўсишга эришди.

¹ **Ислом Каримов.** «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ.

Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини таъминлаш бўйича ислохотлар олиб борилди. Республикада 54 мингга яқин корхона давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ислохот бошланган тармоқлардаги иншоотларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этди. Уй-жойларни хусусийлаштириш амалда ниҳоясига етди, савдо, маҳаллий саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида «кичик хусусийлаштириш» амалга оширилди. Саноат, қурилиш мажмуи, транспорт, деҳқончилик, саноат мажмуининг гўшт, сут, озиқ-овқат, пахта тозалаш тармоқларидаги йирик корхоналарни акциялаштириш жадал олиб борилди.

Танлаб олинган стратегик мақсаддан келиб чиқиб, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич жорий этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига барҳам берилди.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланди, ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Шу даврда мулк тўғрисидаги, корхоналар, ишбилармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш жараёнини таъминловчи бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва миқёсини кенгайтириш ишлари кенг жорий қилинди. Фонд биржалари, қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга оладиган ва сақлайдиган миллий депозитарий барпо этилди. Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини очик турдаги жамиятларга айлантириш амалга оширилди.

Миллий валютанинг жорий қилиниши банк-молия тизимининг ривожланишида муҳим қадам бўлди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди.

Иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўрина бошлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш бир неча маротабага кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди.

Етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи ортди.

Президентимиз Ислом Каримов иқтисодиётимизда эришилган дастлабки натижаларни қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширилиб пухта ишлаб чиқилган пул-кредит, бюджет ва акси-эмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютамизни мустақкамлаш муаммоларини ечишга киришилди;

Иккинчидан, саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши оқибатида ишсизликни чегаралашга, меҳнат ресурсларининг банд бўлишига, уларнинг даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

Учинчидан, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирилди. Нефть ва нефть маҳсулотларини кўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Тўртинчидан, хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратилди¹.

¹ **Ислом Каримов.** «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

1995 йил жамиятни, иқтисодиётни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди. Бу йилдаги сарҳисоблар ишлаб чиқилган стратегия, иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғри эканлигини тасдиқлади ва кейинги йилларда ҳам ўз самараларини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг пасайиш суръатлари амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар, жумладан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан ўсиш суръатига эришилиб, 100,2 фоизни ташкил этди.

Асосий тармоқларидан ёқилғи-энергетика соҳасида натижалар 100,7 фоиз, машинасозликда 124,6 фоизга чиқди. «Ўзавтосаноат» уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 фоиз, «Ўзмашсаноат» уюшмасида 134,3 фоиз, кимё саноатида 113,0 фоиз, мебелсозлик саноатида 111,5 фоизга кўтарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди. 1995 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Деҳқончиликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Мустақилликнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан иқтисодга қўйилган сармоя – капитал маблағлар ўсиши 102 фоизни ташкил қилди.

Олиб борилаётган ислохотлар учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилиб, ўз навбатида, бу ислохотлар барқарорлигига, уларнинг узлуксиз олға силжишига имкон туғдирди. Иқтисодиёт ва молияни барқарорлаштиришда сезиларли натижаларга эришилди. Инфляция даражаси ўтган йилга нисбатан 3,7 марта қисқарди. Республика валюта биржасида сотилган эркин муомаладаги валюта ҳажми 1,3 миллиард доллардан ошди, бу 1994 йилдагидан 11 марта кўп демакдир.

Кучли ва адресли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши ушбу йилларда нафақат одамлар турмуш даражасининг ўсишига эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди. Аҳолининг реал даромадлари, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, 1995 йили ундан олдинги йилга нисбатан тахминан 40 фоиз ортди. Йил даво-

мида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

1995 йилда иқтисодиётимизда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг ривожига юксак суръатлар билан ўсди. Миллий даромаднинг 67 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи, пудрат ишларининг 62 фоизи, товар айланмасининг 91 фоизи хусусий секторда яратилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган ишлар шулар жумласидандир. Шу ўринда мисол тариқасида келтириш мумкинки, 1997 йилдан бошлаб республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари учун барча солиқлар ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиб жорий этилди.

2000–2008 йилларда макроиқтисодий барқарорлаштириш ва мунтазам иқтисодий ўсишга эришилганлик туфайли аҳоли турмуш даражаси тобора ўсиб, турмуш шароити яхшиланиб борди. Ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақлари 2000–2003 йилларда ўртача 11-12 %га ўсган бўлса, 2004 йилда 15%, 2005 йилда 28,8%га, 2006 йилда 36%га, 2007 йилда 27%га ўсди. Ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича қўйилган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи миқдори 1,5 баробар, 2008 йилда эса 1,4 баробарга кўпайтирилди. 2008 йилда ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 300 АҚШ доллари миқдorigа етди.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг 2010–2011 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишига айланди.

Инқирозга қарши дастур қуйидаги йўналишларда амалга оширилди.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш орқали.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратилди.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлилигини оширишга кенг эътибор қаратилди.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизими мамлакатда кенг жорий этилди.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир кенг қўламли маҳаллийлаштириш Дастури қабул қилинди.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг «ўзбек модели» жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди», – деб таъкидлади.


Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, бошланган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, қишлоқларимиз қиёфасини,

ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишга қаратилган ишларни изчил амалга ошириш вазифалари қўйилган. Юртбошимиз «Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади» деб таъкидлаган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини баргараф этиш бўйича қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Мазкур дастурда иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилиб, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Шунингдек, гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар бўшаган маблағларини ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга қисқартирилди, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан озод қилинди.

Жаҳон бозорида мамлакатимиз экспорт қиладиган айрим маҳсулотларга талаб нисбатан пасайган шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этди. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3–4 баробар кўпайтириш белгилаб олинди. Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда банк тизимини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш каби жараёнларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаши бўйича Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, пухта ишлаб қабул қилиниши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

Республикамызда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликка эришилди.



Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, %¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Таҳлиллارнинг кўрсатишича республикамизда охириги 10 йилдан ошiq даврда ЯИМнинг ўсиши ўртача 8 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:


- мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган тадрийжий тараққиёт дастури ва ички талабни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга оширилаётганлиги;

- иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган сиёсатни олиб борилаётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли сезиларли даражада ошаётганлиги;

- молия-банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатётганлиги эвазига эришилди.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарни



Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ЯИМда улуши ва солиқ юқи ўзгариши, %да¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.


сертификатлаштириш тартибини янада соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришга хизмат қилди. 2014 йилда 2007 йилга нисбатан кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 10,5 %га ўсди. Бунинг замирида кичик тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ётибди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайтирилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси 2 баробарга қисқартирилди, кичик бизнесни давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди.

Давлат ва назорат идораларининг кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларда режали солиқ текширувларини ўтказиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди. Солиқлар, божхона божлари ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини кечиктирилганлиги учун пеня миқдори учдан бир қисмга камайтирилди, кичик бизнес субъектларига текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шу-

нингдек, молиявий санкцияларни олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳукуқи берилди. Шунингдек мунтазам равишда кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкалари пайсайтирилиб борилмоқда, 2014 йилга келиб саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари учун 5 фоиз белгиланган. Шунингдек, 2015 йилдан бошлаб кичик бизнес субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиз қилиб белгиланди.


Иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан солиқ юкини сезиларли пасайтириш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.



**Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида фойда
солиғи ставкалари, % ҳисобида**

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари учун солиқ ставкаларининг 2015 йилда 1995 йилга нисбатан 4 бараварга пасайтирилиши мазкур корхоналарнинг инвестицион фаоллигининг ошишига ижобий таъсир этмоқда. Бу, ўз навбатида, республикаимиз бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг йилдан-йилга ошиб боришига хизмат қилмоқда.

2013 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар кескин ўсиш тенденциясига эга бўлди. Шу билан бирга инвестицияларнинг таркибий жиҳатдан сарфланишида ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда, 1991 йилда жами инвестицияларнинг 17 фоизи



Ўзбекистон Республикаси асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм ҳисобида¹

машина, ускуналар сотиб олишга йўналтирилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич икки баробардан кўпга ошди.


Юқорида қайд этилганидек, солиқ ставкаларининг пасайтирилиб борилганлигига қарамадан барқарор иқтисодий ўсиш эвазига давлат бюджетига ижобий сальдога эришилди.

Республикаимизда 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 % профицит билан ижро этилган бўлса, 2014 йилга келиб 0,2 % билан ижро этилди. Мазкур ҳолат ижтимоий йўналтирилган бюджетнинг тўлиқ амал қилишига тегишли шароит яратилмокда.

Мамлакатимизда 2014 йилнинг натижалари яна бир бор иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида эришилаётган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ютуқларимиз – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлида муҳим кадам бўлди.

Республикаимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожини алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу соҳада йирик капитал талаб қилмайдиган ҳамда кичик тадбиркорлик учун жозибадор бўлган маиший хизмат турларини йўлга қўйиш ва бу орқали қишлоқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.



Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ҳолати ўзгариши, ЯИМга нисбатан %да¹

жойларида янги иш ўринларини яратиш имкониятлари мавжуд. Айнан шулар эътиборга олиниб, Ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳани рағбатлантириш бўйича солиқ имтиёзларининг муддатлари босқичма-босқич 2017 йилга қадар узайтирилган. 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хиз-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

матлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди. Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганлигидан далолатдир.

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожини кўп жиҳатдан аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда реал даромадларининг ошишига боғлиқ жараёндир. Аҳоли даромадларининг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошишига, шунингдек, мамлакатда нафақат иқтисодий соҳадаги, балки барча жабҳалардаги ислохотлар суръати тезлашишига хизмат қилади. Бунинг исботи сифатида биргина 2014 йилда халқимизнинг реал даромадлари 10,2 %га ошганлигини, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 23,2 %га кўпайганлигини келтиришимиз мумкин. Мамлакатимизда аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Ҳозирда Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган.

2015 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан, жаҳон бозорида кенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

Иккинчидан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида ушбу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш;

Учинчидан, иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш;

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш;

Бешинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш;

Олтинчидан, ривожланган инфратузилмани ташкил этиш, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттириш орқали иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш;

Еттинчидан, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш;

Саккизинчидан, 2015 йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзолаш йили Давлат дастурини амалга ошириш.

Ушбу муҳим устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашга, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига, энг муҳими, ўз олдимизга қўйган юксак мақсад – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишимизга хизмат қилади.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РАВНАҚИ

ДЕМОКРАТИЯ МОҲИЯТИ – ХАЛҚ БОШҚАРУВИ

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Биз учун энг улуғ, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизга яна бир бор назар ташлашимиз, амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларимизни ҳолисона баҳолаб, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида мулоҳаза қилишимиз табиий.

Мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ порақандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган ғуруримизни тиклашга қартилган интилишларни, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечганини бугун халқимиз яхши англайди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди ва бу йўлда оғишмай бормоқда.

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жараёнида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришишни асосий вазифа сифатида белгилаб, амалий чора-тадбирлар ва ислохотлар олиб борилди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислохотларни фаол олиб бориш, шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қўйиш доимий эътиборда бўлди.

Бир сўз билан айтганда, «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ» шиори амалда ўз ифодасини топиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, бу масаланинг энг муҳим шарти ва гарови бўлган кўппартиявийлик тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган ва Олий Мажлис томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борада муҳим асос бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегияси ҳисобланган мазкур ҳужжатга мувофиқ, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди.

Юртимизда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш давомида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришда салмоқли ютуқларга эришилди. Авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва фуқаролар тотувлигининг мустаҳкамлиги, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг муттасил ортиб бораётгани энг асосий ютуқларимиздандир. Яна шуниси муҳимки, бир пайтнинг ўзида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Фуқароларимиз онги ва тафаккури, эътиқодида рўй берган туб ўзгаришлар, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, фуқаролик бурчи ва эртанги кунимиз, Ватанимиз тақдирига шахсий жавобгарлик ҳиссининг ортиб бораётгани ушбу ижобий ўзгаришларнинг муҳим омили ҳамда манбаига айланмоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввало, ислохотларнинг «ўзбек модели» тадрижий хусусиятга эга экани билан боғлиқдир. Бундай ислохотлар демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлади ва шу тариқа давр ва ислохотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада такомиллаштириш имкониятини яратди.

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Сайловлар – бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-хуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлови мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллариининг иштироки бунга мисолдир. Сайловлар халқимизнинг фуқаровий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бораётганининг далолатидир.

Шу йил 29 март куни Ватанимизнинг янги тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.

Ушбу сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 нафар сайловчидан 18 миллион 942 минг 349 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 91,08 фоизини ташкил қилди.

Сайловни кузатишда бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 43 давлатидан 299 нафар кузатувчи иштирок этгани сайлов кампанияси демократик руҳда, очиқ ва шаффоф ўтганига яна бир ёрқин далилдир. Қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партиялардан 35 мингдан ортиқ кузатувчилар сайлов жараёнини мониторинг қилиб борди.

Марказий Сайлов комиссияси маълумотларига кўра, сайловнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 та ҳамда 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, қарийб 180 та хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда ҳудудий матбуот марказлари томонидан сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган етмишдан ортиқ матбуот анжуманлари, брифинглар ва онлайн брифинглар ўтказилди. Уларда мамлакатимиз ҳамда чет элнинг 980 нафардан зиёд журналистлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 12 минг 750 дан ортиқ мақола ва ахборот материаллари, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эълон қилинди¹.

Сайловда фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги яққол намоён бўлди. Сайловчилар овоз беришда фаол қатнашиш орқали юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор ифода этдилар.

¹ elections.uz/uzb/events/current_topics/5575/

Шунингдек, сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

НОДАВЛАТ СЕКТОР РИВОЖИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида тараққиётнинг янги уфқларини очиб берди. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва унинг институтларини мустаҳкамлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида Концепцияга мувофиқ 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, уларни маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш каби соҳаларда амалга оширилиши белгиланди. Бунинг замирида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, тармоқларга оид ва ҳудудий дастурларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг

бошқа институтлари билан ҳамкорлигининг шакл ва механизмлари белгиланган, мазкур жараёнда томонларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорининг қабул қилиниши ўтган йили муҳим воқеа бўлди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида 2014 йил давомида адлия органлари томонидан рўйхатга олинган ННТлар сони кўпайди ва бугунги кунда улар 8,1 мингдан ошди.

Бу эса аҳолининг фуқаролик онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданият даражаси ошишига, фуқароларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини англаш, Ватан тақдири, мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг май ойида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу қонунчилик ҳужжати фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги ахборотдан кенг ва эркин фойдаланиш, улар фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги очик ҳамда амалий мулоқотда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга хизмат қилаётир.

Кейинги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва рағбатлантирилаётгани самарасида уларнинг сони ва сифати ошиб бормоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 1,4 мингга яқин оммавий ахборот воситалари, жумладан, 970 дан зиёд босма ва 100 электрон нашр рўйхатдан ўтган. 1991 йилги кўрсаткич билан таққослаганда, мамлакатимизда фаолият юри-

таётган ОАВ сони 3,5 марта марта ошган. 53,4 фоиз босма оммавий ахборот воситаларининг муассислари нодавлат ташкилотлардир.

Телеканаллар тармоғи изчил кенгайиб бораётир. Сўнгги йилларда «Маҳалла», «Дунё бўйлаб», «Маданият ва маърифат», «Оилавий», «Диёр», «Кинотеатр», «Болажон», «Uzreport TV» каби янги телеканаллар очилди. Янги «Менинг юртим» – «МУ5» телеканали эфирга узатила бошланди. Мазкур телеканаллар фаолияти ёшларни бунёдкорлик, яратувчилик руҳида тарбиялаш, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилган. 29 фоиз телерадиоканалларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари муассислик қилмоқда, 67 фоизининг муассиси эса нодавлат ташкилотлардир.

Оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилган интернет ресурслари ҳам сезиларли ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда уларнинг сони 2 баробардан кўпроқ ортди. Хусусан, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304 тани ташкил этди. Шундан 95 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Худудий оммавий ахборот воситаларининг жойларда аҳолини безовта қилаётган долзарб масалаларни аниқлаш ва ёритиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли сезиларли ошганини таъкидлади. Уларнинг фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2014 йилда ОАВда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилиш борасидаги фаолияти ҳолисона танқид қилинган ахборот-таҳлил материаллари кўпайиб борапти.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳам жамиятимиз ривожига ўзига хос ўринга эга. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 9787 фуқаролар йиғини фаолият юритаётгани қайд этилди. Ўтган йили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликка янги қоидалар киритилди.

Қонунчилик базасининг мустаҳкамлангани фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича ваколатларидан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтирди. Жумладан, 2014 йилнинг ҳар чорагида туман ва шаҳар ижро ҳокимияти

органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти масалаларига доир ҳисоботлари тингланди. Бу ижро ҳокимияти органлари ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти хусусида хабардорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий даражадаги вазифаларни ўз вақтида бажаришга хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бу ўзгаришларнинг замирида инсон манфаати, ҳалқимизнинг асрий кадриятларининг тантанаси ётибди. Буларнинг асосий омили эса буюк истиклолдир. Мураккаб вазиятлардан чиқиб, турли ғавғою ғиғволарга учмай, меҳнату машаққатлар оша тўғри йўлдан тоймай келиш, бугун эса жаҳон билан бўйлашиб туриш ҳамма халқларга ҳам насиб этадиган ҳодиса эмас. Йигирма тўрт йил тарих мезонлари билан ўлчаганда қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши биламиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ислохотлар самараси, бунёдкорликлар салмоғи, юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, шубҳасиз, бу йиллар чиндан ҳам асрларга татиғуликдир.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан, балки, ҳозирча бир оз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганимиз, деб айтишига барча асосларимиз бор.

Ислом КАРИМОВ

Миллий давлатларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг энг буюқ ҳодисаси ҳисобланади. Биз ана шу улкан жараёнга асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошида дохил бўлдик. 1991 йил 31 августида мустақиллигимиз эълон қилинди. Ўтган 24 йил мобайнида дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиклолимиз кадрини чуқур англашнинг аҳамияти ортгандан ортиб бораверади.

Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб борапти. Қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан оляпти. Халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътибори тобора ортиб, у ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётир.

Ҳар қандай мамлакат камоли комплекс ҳолда юз берадиган тараққиётни талаб этади.

Дунёда таълим тизимида сарфланган маблағ, *ҳеч қачон касодга учрамайдиган капитал*, деб ҳисобланади. Чунки тараққиётни ким амалга оширади? Одамлар. Таълим тизимини такомиллаштириш – *одамнинг сифатини ошириш*, деган гап.

Бу борада 1997 йилдан буён изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури алоҳида аҳамият касб этди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 20 майида имзоланган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Мазкур қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Бу учала олий таълим муассасасининг янги йўналишида замонавий технологиялар сари модернизациялаш тамойили яққол кўриниб турибди.

2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони, 28 декабрда эса уни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмайдиган, фақат магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланадиган бўлди.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни

химоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар масаласида 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 25 майдаги ПФ – 3434-сон Фармони мамлакатимизда аёлларга муносабатнинг янги бир даражага кўтарилишини таъминлади. Шу фармонга биноан, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқолларининг хотин-қизлардан тайинланадиган, маош билан таъминланадиган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозими жорий этилди. 29 июнда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ – 3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро теран англаши лозим. Шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, бугунги тинчлик-осойишталик ўз-ўзича таъминланаётгани йўқ.

Ҳар қандай тараққиёт давлат ва халқнинг жипслиги натижасидагина юз беради. Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона, биз у билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак ҳам, кам. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, раванқ топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос беради.

Халқимизда: *«Ҳеч нарса беҳикмат эмас»*, – деган доно нақл бор. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига ҳам шу нуқтайи назардан ёндашсак, бу буюк неъмат бизга ўз-ўзича насиб этмаганини дил-дилдан ҳис қиламиз.

Истиқлол – узоқ тарихга эга. Амалда миллий озодликка эришиш учун кураш чор армияси юртимизга ҳужум қилган дастлабки кундан бошланган. Аммо 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни муҳтарам Ислом Каримов Ўзбекистонимизга раҳбар бўлиб келган кундан эътиборан бу кураш ўзининг сўнгги ҳал қилувчи палласига кирди. Шу кундан истиқлол ҳафта, ой, фасл, йил эмас, кун сайин яқинлаша борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг 2011 йилдан буён халқ орасида атрофлича муҳокама этилаётган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби айнан Ўзбекистон раҳбарининг мустақилликка эришиш йўлида жонини жабборга бериб олиб борган жасоратли, мардона, оқилона фаолияти билан атрофлича танишиш имконини беради.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби билан танишган киши 1989 йилнинг 23 июнидан 1991 йилнинг 31 августига қадар мамлакатимизда мустақилликка эришиш йўлида кетма-кет ва изчил қадамлар ташлангани, ўтган ана шу икки йилу икки ойдан ошиқроқ давр мобайнида Ўзбекистонимизни қадам-бақадам истиқлол сари яқинлаштира борганини тушуниб олади.

Мустақиллик учун кураш, аввало, маънавият ва маърифат соҳасини ривожлантириш, уни миллий ўзанга солиб юборишга интилишдан бошланган, десак, хато бўлмайди.

1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Шу тариқа 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун истиқлолга яқинлаштирган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Шундан кейин халқ қалби ва онгида ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкинлигига комил ишонч пайдо бўлди ва кучая борди.

Ана шундай бир шароитда – 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни, муҳтарам Ислом Каримовнинг Ўзбекистонга раҳбар бўлган кундан ўзбек тилининг сиёсий тилга айланиш жараёни ниҳоят даражада жадаллашиб кетди.

Биринчидан, тузум, шунга мутаносиб равишда эса дунёқараш ўзгаргани туфайли шўро даврида таржима тили сифатидагина шаклланган ўзбек сиёсий тилидаги кўп тушунча ва сўзлар амалдаги сиёсат тилидан «сиқиб чиқарилди». Сиёсатнинг демократлашга-

ни, яккамафкуравий тузум, синфий дунёқарашдан воз кечилгани, бозор иктисодиётига ўта борилиши, хусусий мулк пайдо бўлиши, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамлар шунга ундади.

Шунинг учун сиёсий онгимиздаги ўзгаришлар даставвал истиқлол ташаббускори, янги давлатчилигимиз асосчиси, ислохотларнинг бошловчиси, халқ раҳнамоси нутқида намоён бўлаётгани жуда табиий.

Хуллас, қисқа кузатувларимиз ҳам Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқ ва Ватан, давлат ва унинг сиёсати тарихининг ўта муҳим бир даврида сиёсий раҳбардаги юксак таҳлил салоҳияти ва соҳир нутқ маҳоратининг турли қирраларини ёритиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Минг йиллар ўтар, миллион йиллар кечар, амин бўлайликки, шу муқаддас заминда одамзод яшар экан, келажак авлодлар айнан истиқлол даврини, хусусан, унга эришиш йўлидаги курашлар йилларини, албаттаки, унинг ташаббускори, раҳнамоси, асосчиси, бош ижрочисини асло эсдан чиқармайди.

Бор гапни борича айтган – яхши: бугун жаҳонда Ўзбекистон деганда Ислом Каримовни, *Ислом Каримов* деганда Ўзбекистонни тушунишади. Чунки Президентимизни таниганлар мамлакатимизни танийди. Яратганнинг иродаси, халқнинг хоҳиши билан Ислом Каримов бутун дунё бўйлаб Ўзбекистон давлати, унинг халқи номидан сўзлаб, мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиб келяпти.

Халқнинг мамнуният билан ўз раҳнамосига эргашаётганини, *олиб борилаётган адолатли, оқилона истиқлол ва ислоҳот сиёсатининг тантанаси*, деб ҳисоблаш керак.

Ҳамма замон ва маконларда сиёсатга давлат ва халқ бирлиги даражасига қараб баҳо берилади. Президентимиз – бу қатъиятнинг бошида турган шахс. Фуқароларимиз бу зотни, ичдан бўлсин, ташдан бўлсин, халққа, унинг давлатига қаратилган ҳар қандай ёвуз кучга қарши қалқон бўлиб келаётган буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 4 январдаги Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари IX сессия-

сида қилган маърузасида биринчидан, мустақилликнинг дастлабки тўрт ойида мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ишлар таҳлил этилиб, бу қисқа даврга ўзига хос тарзда ҳисобот берилгандек ҳам бўлди, иккинчидан, Ўзбекистонимизнинг истиқболли йўли белгилаб берилди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: *«Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. ...Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. ...Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик»* (425-бет).

Ғолиб руҳияти билан мағлуб руҳияти, озод халқ руҳияти билан мазлум халқ руҳияти, илғор мамлакат аҳли руҳияти билан қолоқ мамлакат аҳли руҳияти бир-биридан кескин фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асослаган янги таълимот, хусусан, бу таълимотнинг миллий маънавият ва миллий ғоя билан боғлиқ барча жиҳатларини ўзида акс эттирган «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби мамлакат халқи учун ана шундай кучли манба вазифасини ўтади ва ўтаяпти.

Ислом Каримов куйидаги 5 асарини махсус китоб тарзида битган:

1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли¹. 1992.
2. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли². 1993.
3. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида³. 1995.
4. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари⁴. 1997.
5. Юксак маънавият – енгилмас куч⁵. 2008.

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон». 1998, 3–66-бетлар.

² Ўша нашр, 67–174-бетлар.

³ Ўша нашр, 175–414-бетлар.

⁴ Ўша нашр, 415–683-бетлар.

⁵ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2013.

Кўриниб турибдики, «Юксак маънавият – энгилмас куч» китоб сифатида махсус битилган асарлар сирасига киради.

Бу китобларнинг йўналишлари, бир-бирига алоқадор ва ўзаро фарқли жиҳатларини муайянлаштириб олиш учун аввал бир масалага аниқлик киритишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг давлат мустақиллигини эълон қилган 1991 йил 31 августидаги навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган ўша тарихий маърузасида Ватан ва халқ тарихидаги яна бир буюк янгиликни – ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартириш, бунинг учун қуйидаги уч йўналишда ислохотлар олиб боришни ҳам эълон қилди:

1. *Сиёсий ислохотлар.*
2. *Иқтисодий ислохотлар.*
3. *Маънавий ислохотлар.*

Дастлабки уч китобнинг номлари ҳам, йўналишлари ҳам бир-бирига ўхшайди. Биринчидан, учаласи ҳам «*Ўзбекистон*» сўзи билан бошланиб, «*йўли*» (ёки «*йўлида*») сўзи билан тугайди. Бу уларнинг йўналишида ўзаро яқинлик борлигини кўрсатади. Иккинчидан, улар номида «*тараққиёт*», «*бозор муносабатлари*», «*иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш*» атамалари қўлланган. Бу эса, гарчи бу асарларда қисман сиёсий ва маънавий ислохотлар ҳақида ҳам сўз борса-да, уларда, асосан, ***иқтисодий ислохотлар*** биринчи ўринда турганидан далолат беради.

Тўртинчи китоб – «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Чунки унда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий ислохотлар тенг миқёсда, ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда, комплекс тарзда атрофлича таҳлил этилади¹.

Бешинчи китоб – «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарининг ўзига хос жиҳати эса махсусан маънавий ислохотлар масалалари таҳлилига бағишланганида намоён бўлади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарларида айтганларидек: «*Албатта, жаҳон – кенг,*

¹ Бу асар ҳақида ушбу сатрлар муаллифининг қуйидаги тақризига қаранг: Оғоҳлик. –Т.: «Тафаккур», 1997, 3-сон, 8–13-бетлар.

дунёда мамлакат – кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона» (90-бет).

Хўш, Ер юзида нечта давлат бор?

Дунёда хозирги кунда 252 та давлат мавжуд.

Улар орасида Ўзбекистонимиз нечанчи ўринда туради?

Албатта, бу саволга дабдурустан жавоб бериб бўлмайди, чунки мамлакатларга умумий асосларга кўра ўрин ажратиш тажрибаси йўқ. Шунинг учун бу масалада муайян асосларга қараб хулоса чиқарилади. **Биринчи асос** – ер майдони. **Иккинчи асос** – аҳоли. **Учинчи асос** – иқтисод.

Тўртинчи асос эса мамлакат халқининг башарият тамаддуни(цивилизацияси)га қўшган ҳиссаси.

Кўп асрлик тарихдан маълумки, жаҳон тамаддуни равнақиға Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия (Туркия, Ироқ, Сурия), Саудия, Миср, Греция, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия, Марказий Осиё (Ўзбекистон) халқлари буюк улуш қўшган. Марказий Осиёнинг тамаддунга бешик бўлган марказлари, асосан, бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўғри келади.

Шартли равишда, халқнинг башарият тамаддунига қўшган ҳиссасини *маънавият* деб олсак, бу жиҳатдан биз Ер юзининг санокли давлатлари сафида эканимиз аёнлашади.

Маънавиятнинг одамийлик, одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, поклик, меҳр-мурувват жиҳатлари инобатга олинса, дунё аввал бизга етиб олсин, дейдиган даражада буюк маънавиятга эга халқмиз.

Бешинчи мезон – *инсон капиталининг тараққиёт даражаси*. Президент Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида қайд этилганидек, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – «ИНСЕАД» томонидан 2012 йили инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонимиз 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллади.

Олтинчи мезон – таълим тизимини ривожлантириши даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар. Бу бўйича мамлакатимиз дунёда 5-ўринни ишғол этиб турибди.

Президент Ислом Каримов Самарқанддаги юқорида тилга олиб ўтилган халқаро конференцияда биз қайд этган бешинчи ва олтинчи кўрсаткичларни келтирар экан, мамнуният билан шундай деди: *«Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдормиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шугулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали, деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашига ҳақлимиз, деб ўйлайман»*¹.

Албатта, бу мезонлар саноғини ҳали яна анча давом эттириш мумкин. Мамлакатимиз олтин захиралари ва уни қазиб олиш, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш, автомобиль ишлаб чиқариш, автомобиль мотори ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб кўрсаткичлар бўйича жаҳонда нуфузли ўринларни ишғол этади.

Хуллас, Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби билан танишган киши яна мамлакатимизда маънавий ислохотлар борасида қай даражага етганимизни тўлалигича тасаввур қилиш имконига ҳам эга бўлади.

Маънавият сўзи тилимизда аввалдан бор эди. Хусусан, у Навоий асарларида кўп учрайди. Ҳатто, буюк шоир одамларни иккига – *суврат аҳлига* ва *маъни аҳлига* бўлади. Ёки Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат дунёга машҳур асари айнан *«Маснавийи маънавий»*, яъни *«Маънавият достони»* деб номланади.

Шунга қарамай, шўро даврида бу сўз тилимизда истеъмолдан чиқди. Ишоти шуки, ўтган асрнинг 70–80-йилларида чоп этилган

¹ **Ислом Каримов.** «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. – Т.: «Тошкент окшоми», 2014 йил, 16 май.

икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, ўн тўрт жилддан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси»да ҳам бу сўз йўқ, демак, айни тушунчага таъриф берилмаган.

Хўш, *маънавият* сўзи айнан қачон қайта тирилди?

Бу сўзни яна қайтадан истеъмолга киритиш истиклолдан сал олдинроқ, аниқроғи, 1990 йил 24 мартада бошланган эди. Ўша кундан СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов шу куни республика Олий Кенгаши сессиясидаги маърузасида, жумладан, маънавиятга алоқадор шундай фикрларни дадил туриб илгари сурган эди:

*«...Биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний **маънавий бойликлар** билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак. ...Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, **халқ маънавий бойлигининг** илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш»¹.*

Нотик шўро давридаги маърифат ва маданиятга муносабат ҳақида сўзлаб: «Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди»², – деди.

Олимлар ва ижодкор ходимларга эътиборни кучайтиришни таъкидлади: «Чунки **маънавий бойликларни** айнан шулар яратди»³.

Ўсиб келаётган авлод маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишни уқтирди: «Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг **маънавий тарбиясига** ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар **халқ маънавиятининг** муносиб эгаларидир»⁴.

¹ **Ислон Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 78-бет.

² Ўша асар, 79-бет.

³ Ўша асар, ўша бет.

⁴ Ўша асар, 80-бет.

Истеъдодли ёшлар тақдирини ўйлаб, жонкуярлик билан: *«Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак»*¹, – деди.

Ажратиб кўрсатилган сўзлардан маълум бўлиб турибдики, мустақилликдан бир ярим йил олдин тилимизда, демакки, онг-тафаккуримиз – дунёқарашимизда *маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч* каби тушунчалар янгидан шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1991 йил 31 августидаги давлатимиз мустақиллигини эълон қилган тарихий маърузасида эса **сиёсий, иқтисодий** ва **маънавий** йўналишларда ислохотлар олиб боришни эълон қилганидан эътиборан *маънавият* сўзи мамлакатимизда сиёсий атамага ва маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг уч устувор йўналишидан бирига айланди.

Шунинг учун «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби, **биринчидан**, мамлакатда маънавият асосчиси тарафидан яратилган, **иккинчидан**, ўтган ўн етти йил мобайнида бу борада амалга оширилган улкан маънавий ислохотларнинг таҳлилий хулосалари сифатида қоғозга тушган, **учинчидан**, унда ҳар бир масалага айнан бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ёндашилган, **тўртинчидан**, эл-юртнинг порлоқ келажаги учун жонкуярлик қилинган.

У маънавиятга шунчаки таъриф бериб ўтилган, унинг муаммолари бир сидра илмий таҳлил этилган китоблар сирасига кирмайди. Бу ерда Юртбошини, аввало, маънавиятнинг халқ ва давлат тақдири, Ватан келажаги, эл-юртнинг эртаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини оширишдаги ўрни қизиқтиради. Бу эса *«фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ»* масала. Чунки айнан маънавият орқалигина комил инсонни тарбиялаш мумкин.

Китобда икки асосий тушунча бор – *маънавият* билан *мафкура*. Булар – эгизак тушунчалар. Чунки асарда айнан *миллий маънавият* ва *миллий мафкура* ҳақида сўз боради. Ахир, ҳар қандай мафкуравий таҳдид амалда миллий маънавиятга таҳдид-ку.

¹ **Ислон Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 78-бет.

Монографиянинг мундарижасини кузатиб, бу икки асосий тушунча *инсон, ислоҳотлар, моддий ҳаёт, маънавий мезон, ғоя, фикр, жамиятнинг янгиланиши, глобаллашув жараёнлари* ва бошқа шу каби атамалар билан уйғун ҳолда изчил таҳлил этилади.

Бу таҳлилларда, албатта, биринчи галда Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб муҳокама ва мулоҳаза юритилган, тегишли хулосалар илгари сурилган. Бироқ мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий сиёсатнинг туб моҳиятида умуминсоний ғоялар ётгани ҳаммага аён. Бинобарин, *«миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташиқил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат»*¹.

Китобда яна бир жиддий ва нозик масалага аниқлик киритилади: *«Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, «миллий ғоя» деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, мана шу табаррук диёримиз – Ўзбекистон тупроғида яшайтган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир»*².

Агар ана шундай ягона бир ғоялар тизими атрофида бирлашмас экан, бирон-бир мамлакат халқи олдида қўйган юксак мақсадларига эриша олмаслиги – аниқ.

Муаллиф маънавият ва миллий ғоя таҳлилида халқимизнинг аср-асрлик бой меросига суянади. Жумладан, давлат бошлиғининг улуғ Алишер Навоийга берган баҳоси – бағоят қадри: *«Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони»*³.

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 75-бет.

² Ўша асар, 75-бет.

³ Ўша асар, 47-бет.

Мустақиллик йилларида «Маънавият асослари» ва «Миллий ғоя» мамлакатимизда алоҳида, ўз йўналишига эга, мустақил фанлар сифатида шаклланди, муттасил тараққий этиб борапти, таълим тизимида ўқитиляпти.

Хуллас, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби шу соҳалар равнақиға қўшилган муносиб ҳисса эканиға шубҳа йўқ. У бу фанлар туб моҳиятини очиш, йўналишларини теранлаштириш, масалаларни ойдинлаштириш, муаммолар ечимларини топишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши – тайин.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида муаллифнинг ўтган аср 90-йилларидан буён ҳозиргача маънавият, миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги қарашлари, нуқтаи назарлари, позициялари, хулосалари, дурдона фикрлари, ўртаға ташлаган шиорлари бир ерга жамланади, бир сидра таҳлилға тортилади, мантикий тизимға солинади.

Шу тариқа асар яхлит бир **маънавий таълимот** янглиғ майдонға чиқади.

Ҳосила сифатида маънавият тушунчасига мана бу янгича бир таъриф тақдим этилади: *«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишиға чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз»*¹.

Меҳр-оқибат тушунчаси ҳақида сўзлай туриб, муаллиф «унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлиғини»² айтади. Бу ерда меҳр-оқибатни жуда кенг миқёсда тушуниш керак: *«Бу, аввало, инсоннинг инсон билан, қўйнининг қўшини билан, қариндошининг қариндоши билан, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, мусофирларға саховат кўрсатиш, сидқидилдан, бегараз ёрдам беришни англади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламиға сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди»*³.

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 19–20-бетлар.

² Ўша асар, 8-бет.

³ Ўша асар, 8–9-бетлар.

Минтақамиз шароитида халқлар руҳиятида бир-бири билан ўзаро аҳил, иноқ бўлиб, жипслашиб яшаш психологияси кучли эканини Юртбошимиз шундай изоҳлайди: *«Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими зоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшабини тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашига имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган»*¹.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ҳам инсонларнинг икки ўзаро зид тоифаси бир-бирига қиёсан таҳлил этилади.

Биринчиси – *«бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар»*. Муаллиф булар кўпчилиқни ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Иккинчиси – *«бундай олижсаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган, ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиган шахслар»*. Ислом Каримов афсус билан қайд этганидек: *«...Улар ўзини худдики дунёнинг ҳақиқий эгасидек, бекаму кўст, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган умр кечираётгандек, бахт қуши бошига қўнгандек ҳис қилишига уринади»*².

Муаллиф шундай одамлар ҳақидаги: *«Йўлини топибдими, қандини урсин», «Ўзумини енг-у, боғини суриштирманг», – деган мақоллар, китоб муаллифининг фикрича, айнан «одамнинг бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва бепарво қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқарилгандек туюлади»*³.

Афсуслар бўлсинки, ҳаётда шундай кимсаларнинг учраб туриши фуқаролар психологиясига салбий таъсир ўтказди: *«Табиийки, бундай ҳолатларни кўриб-кузатиб, ўзи учун эзгу ниятларни юксак*

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 9-бет.

² Ўша асар, 20-бет.

³ Ўша асар, 20–22-бетлар

мақсад қилиб қўйган инсонлар қалбида қандайдир иккиланиш ва шубҳа пайдо бўлиши мумкин»¹.

Кўриниб турибдики, бу тасниф ва таҳлилларда, одамлар психологияси уларнинг дунёқарашини ва маънавиятини белгилайди, деган қарашдан келиб чиқилади. Демак, ҳар қандай маънавиятсизлик бошқалар психологиясида ҳам иллат уруғини пайдо қилишдек кучли хавф туғдиради.

Шўро даври эсимиздан чиққанича йўқ. Дин оқмиди-қорамиди? Амир Темур-чи? Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий номларини эшитганмидик? «Авесто»нинг айнан юртимизда яратилгани, унинг 2700, шунингдек, буюк «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллигини халқро миқёсда тантаналар билан нишонлаш учун қандай ҳақ-ҳуқуқимиз бор эди?

Мустақилликка эришганимиздан кейин зиёлилар ўртасида маънавиятни иқтисодга зид қўйиш, *маънавиятга эътибор кучайтири-лаверса, иқтисод ўз-ўзидан ўнгланиб кетаверади*, деганга ўхшаш қараш шаклландикан деб бўлди. Бунга қарши равишда айримларда, *аввал иқтисодни ривожлантириш керак, маънавият кейин бўлаверади*, дегандек фикрлар ҳам яккам-дукам айтила бошлади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида бу масаланинг янги оқилона ечими илгари сурилган: «...*Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади*»².

Ахир, қуш бир қанот билан парвоз қила олмайди-да.

Муаллифни нима безовта қияпти?

Маънавиятга таҳдид!

Агар шу асрий маънавиятимизни тутиб туrolмасак, уни юксак даражаларга кўтармасак – яна енгиламиз. Ёт кучлар халқнинг айнан маънавиятига зарба бериш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлади.

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2013, 20-21-бетлар.

² Ўша асар 67-бет

Шу нуқтаи назардан, биз – шак-шубҳасиз, буюк халқмиз. Айниқса, мустақиллик йилларида буни борлиқ олам тан олди.

Биринчидан, шу йиллар мобайнида изчил равишда *ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни* дунёга исботладик.

Иккинчидан, бу бизга: *«Ҳеч кимдан кам эмасмиз»*, – деган ғояга катъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, бу икки асос: *«Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам»*, – дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўллариini излаб яшашга ундади.

Мустақиллик ва Наврўз байрамларидаги, 1997 йилдан бошлаб Самарқандда ҳар икки йилда бир бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидаги, шаҳарларимиз юбилейлари тантаналаридаги театрлаштирилган оммавий саҳна дастурлари санъатимиз равнақиға, унинг янги маъно-мазмун билан бойиб бораётганиға, амалда биз бу тадбирларимиз билан истиқлолимизни жаҳон аҳли юз-кўзи олдида баралла тантана қилаётганимизга бир ёрқин далил эмасми?

Истиқлол йилларида олиб борилган туб ислохотлар ҳосиласи сифатида бугун жамиятимизда аввалги даврдагиларга ўхшамайдиган тамоман янги шахс шаклланди, десак, хато бўлмайди. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз. Ҳар биримиз энди бу шахснинг айнан нимаси, қайси фикри, қандай хусуиятлари, қай бир фазилатлари... янгилигини англаб олишиз зарур.

Биз ҳам мустақил давлат барпо этияпмиз, ҳам бира-тўла эски социалистик тузумдан тамоман воз кечиб, ўрниға бозор иқтисодиётиға асосланган демократик тузум – эркин фуқаролик жамияти, ҳукукий давлат қурияпмиз. Бунинг учун олдиндан иқтисодий ислохотлар стратегиясини аниқлаштириб олиш керак эди.

Жаҳонда *«Ўзбек модели»* дея тан олинган, мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан шакллантирилган ўтиш даврининг беш машҳур тамойили, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан холи қилиш; давлатнинг бош ислохотчилиги; қонун устуворлиги; аҳолининг мураккаб демографик ҳолатини ҳисобға олган ҳолда кучли ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш; бозор иқтисодиётиға тадрижий асосда, яъни босқичма-

босқич ўтиш мамлакат учун жуда мураккаб бўлган йиллар, жумладан, жаҳонда 2008 йилдан буён кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тўла оқлади.

Иқтисодиётимизнинг тубдан ислох қилингани, бозор муносабатларига ўтилгани, ўзаро рақобат ва бевосита манфаатдорлик асосидаги иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, бу эса ўзининг катта самараларини бераётгани; жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимизда кейинги олти йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўртача 8 фоиздан ошиқроқ ўсишга эришилаётгани, импорт ҳиссасининг камайиб, экспорт улушининг ошиб бораётгани, инвестициялар кириши кучаяётгани, эркин иқтисодий зоналар (Навоий, Ангрен, Жиззах) барпо этилаётганини, янги-янги замонавий завод ва фабрикалар қурилиб, ишга туширилаётганини ўйласак, Ўзбекистонимизни қандай порлоқ истиқболлар кутаётгани янада ойдинлашади.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Чунки бизда аҳолининг тенг ярмини 18 ёшгача, учдан икки қисмини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ёшлар – келажагимиз.

1997 йили «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилиниб, таълим тизими замон талаблари асосида тубдан ислох этилди, бу борада катта ютуқларга эришдик, соҳани янада такомиллаштириш, замонавийлаштириш, таълим муассасалари моддий-техникавий базасини кучайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ёшларимиз вакиллари эришаётган ютуқлар, айниқса, уларнинг илм-фан, маданият, спорт соҳаларида жаҳон миқёсида ўзини кўрсатаётгани бу сиёсат замирида теран маъно-мазмун ётганидан далолат беради.

Йигирма тўрт йил ичида халқ ўзини ўнглаб олди. Ватан бевосита тараққиёт босқичига кирди. Миллий давлат қурилди. Мамлакат мустақил ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилаб, халқона ифода билан айтганда, ўз кунини ўзи кўраётир.

Истиқлол биз кўниккан қолипларни синдириб ташлади.

Аввало, *сиёсий* қарашларимиз ўзгарди.

Сиёсатчилар XX асрни, *миллий давлатларнинг пайдо бўлиш асри*, деб ҳисоблайди. Шўро даврида миллий давлат қуриш, жаҳон ҳамжамиятида халқаро мезонлар асосида халқимиз манфаатини

химоя қилиш ва шу йўлда сиёсат юргизиш у ёқда турсин, айнаи гапни айтишнинг ўзига ҳам ҳуқуқимиз йўқ эди.

Ўтган йиллар мобайнида улкан сиёсий ислохотлар амалга ошди. Тафаккуримизга бутунлай бошқача сиёсий онг кириб келди.

Бир замонлар адабиёт хусусий тарзда фаолият юритаётган деҳқонни қоралаб, уни жамоа бўлиб ишлашга даъват этган. Энди эса жамоавийликдан хусусийликка, меҳнат маҳсулидан бевосита манфаатдорликни кучайтирадиган механизм яратишга уриниб ётибмиз.

Демак, **иктисодий** қарашларимиз ўзгарди.

Миллатга, унинг тили, тарихи, мероси, анъаналари, қадриятлари, бугуни, боринги, келажакка муносабат батамом бошқа маъно-мазмун касб этди. Дин жамиятда ўз тарихий-маънавий ўрнини эгаллади. Сунъий равишда кўмиб ташланган маънавий булоқларнинг кўзи очилди. Ўтмишдан нафратланиш, орланишга маҳкум этилган элнинг кўкрагига шамол тегди: аксинча, у энди инсоният тамаддуни тараққиётига асрлар мобайнида қўшган улкан ҳиссаси билан фахрланишга ўтди.

Кўриниб турибдики, **маънавий** қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Яшириб нима қилдик, истиқлол арафаларида, хусусан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейинги дастлабки йилларда тор доираларда, *мамлакат мустақил бўлса, шўро даврида тақдир тақозоси ва сиёсат оқими билан кўчиб келиб, шу юртда яшаб қолган турли миллат ва элат вакиллари тақдири нима бўлади, улар қаяққа боради*, деган ўринсиз ваҳималар бўлиб турар эди. Ҳатто, собиқ марказнинг ўйинлари таъсирида Марказий Осиёда айнан миллатлар ва элатлар ўртасида кучли фитналар ҳам уюштирилди, бегуноҳ қонлар ҳам тўкилди. Мақсад: «Сенлар бизсиз яшаб бўлибсан!» – деган иддао эди.

Ўзбекистоннинг энг катта маънавий ютуғи шуки, айнан истиқлол йилларида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларида иборат аҳоли бир халқ бўлиб уюшди. Бугун тўйларимиз, таомларимиз, рақсларимиз, меҳмондорчиликларимиз ҳам ўзимизга хос – келиб чиқиши Европа миллатларига мансуб фуқароларимиз ҳаётини ҳам ўзбекона турмуш тарзидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Базмларимизни кузатинг, миллатидан қатъи назар, Хоразм лазгисига ҳамма бир хил рақсга тушади...

Англаб етдикки, *миллий мафкура* дегани ҳар бир мамлакат халқининг ўз орзу-мақсадлари, манфаатлари, интилишлари, қизиқишлари ҳимояси ва амалга ошишига қаратилган ғоялар тизими экан.

Ким дарахтнинг ўзи ўтирган шохини кесади? Манфаатинг бирми – бас, ғоянг ҳам бир бўлади. Ҳар қандай ғоявий бирлик эса мафкурани шакллантиради.

Шу тариқа *мафкуравий* қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Бу тўрт нуқтани жуда умумий тарзда санаб ўтдик, холос. Аслида, ҳар бирининг моҳиятида олам-олам маъно-мазмун бор.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (2000) рисоласини мутолаа қилган киши бунга тўлиқ амин бўлади.

Хуллас, маънавият ва маърифат мустақил Ўзбекистонимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Шу соҳани шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган бевосита етти қонуности ҳужжати қабул қилинди. Қуйида уларни хронологик кетма-кетликда баён этамиз:

1. 1994 йил, 23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. **«Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида».**

2. 1994 йил, 8 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. **«Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида».**

3. 1996 йил, 9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. **«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида».**

4. 1998 йил, 24 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. **«Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».**

5. 1999 йил, 3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. **«Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида».**

6. 2001 йил, 18 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва**

тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида».

7. 2006 йил, 25 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қарори. **«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида».**

Бу рўйхатдаги охириги қонуности ҳужжати, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори бу соҳани такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу – ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки қарорда тўғри қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бугунгидек долзарб масалага айланмагандир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот курашлари кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этгани учун ушбу қарор қабул қилинди.

Мазкур қонуности ҳужжати бундан буён тамоман янгича куч-ғайрат, огоҳлик ва аниқ мўлжал асосида ишлашни талаб этади. Ҳавойи гаплар, умумий даъватлар, баландпарвоз ҳамду санолар даври ўтди. Биз ахборотлар кураши мисли кўрилмаган даражада кучайган асрда яшайпмиз. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботчиси шуни унутмаслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас, унинг бошқа кўплаб ахборот манбаларидан маълумотлар олиш ва уларни таҳлил

этиш, ҳаётни бевосита кузатиш бўйича жуда катта имкони бор. Демак, бугун маънавий-маърифий, керак бўлса, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишида ўта ҳушёрлик, чуқур таҳлил салоҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва уни таъсирчан, содда, ишонарли тарзда, замонавий усул ва услублар, техника ва технологиялар воситасида фуқаро онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб қилинади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши – бундан буён ана шу юксак талаблар асосида фаолият олиб боришга мажбур. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетади.

Маълумки, ҳар қандай қонуности ҳужжати илгари амалда бўлган нималарнидир бекор қилиб, нималарнидир янгидан жорий этади. Шу маънода ушбу қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун бу тизимга қандай жиддий янгиликлар киритилди?

Ташкилий жиҳатдан тўрт муҳим янгилик юз берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябридаги фармонида Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларига раислик қилиш эса минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва ҳудуд(туман ва шаҳар)ларнинг биринчи раҳбарларига юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-451-сон қароридаги **биринчи** янгилик шу бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш энди бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши бошқаруви ташкил этилди. Бу мамлакатимизда маънавиятга эътибор янада кучайтирилганидан далолат беради, албатта.

Иккинчи янгилик шу бўлдики, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та) жорий этилди. Республикаимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида

биринчи раҳбар минтақавий-худудий Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси ҳисобланади. Ёрдамчилар амалда ана шу минтақавий Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосари бўлади ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришда у Жўқорғи Кенгес Раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

Очиқ айтиб қўя қолган маъқулки, бу вазифада ишлайдиган киши том маънода маънавиятчи, яна ҳам аниқроқ қилиб ифодаланса, ҳақиқий мафкурачи, шундай салоҳиятга эга етук мутахассис – билими, тажрибаси, ташкилотчилик салоҳияти етарли кадр бўлиши зарур.

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти чигит экиш ёки ғалла етиштиришдан кам эмас. Ахир, террористик-экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларимиз иштирокида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қилинган ҳаракатларнинг азобини бир эмас, бир неча бор бошдан ўтказдик-ку.

Учинчи янгилик шу бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий гуруҳи – ижроия идораси ҳисобланмиш Республика «Маънавият ва маърифат» маркази *Республика Маънавият тарғибот марказига* айлантирилди. Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қилинди. Қўшимча равишда янги *Тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими* очилди. *Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими* *Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлимига*, *Ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими эса Ҳуқуқий тарғибот бўлимига* айлантирилди.

Тўртинчи янгилик шундан иборат бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида шу пайтгача фақат ютиб олган грантлари асосида фаолият олиб борган *Миллий мафкура илмий тарғибот маркази* давлат бюджетидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилди, унга тегишли штат бирликлари ажратилди.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди:

«– Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий

жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли зоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

– халқимизнинг қўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

– фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашига, ўз фикрига эга бўлишига, турли маънавий тазововуларга қарши собит тура олишига қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришига қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

– ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари – «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, «Маънавият» нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш».

Шу тариқа Республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисоалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий босма маҳсулотлар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бевосита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади. У мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга

ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Кўриниб турибдики, ушбу қарорда вазифалар ўта муайян тарзда белгилаб берилган. Бу эса унинг ижроси учун ишни юксак даражада ташкил этишни талаб қилади.

Ислохотлар туб моҳиятини, эришилган ютуқларни ишонарли, асосли, таҳлилий тарзда ҳам бевосита аҳоли ўртасида, ҳам оммавий ахборот воситалари орқали изчил ва мунтазам ёритиб бориш даражасини кескин кўтариш лозим. Яшириб нима қилдик, орамизда шундай одамлар ҳам борки, мустақиллик шарофати билан ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий «Нексия»да юрибди, айнан истиклол даврида қурилган кенг ва равон йўлда кетяпти, афсуски, фикри-ёдида норозилик, ношукурлик ва ҳоказо ўйлар. Шу фуқаро билан ким гаплашади? Унинг фикрини ким ўзгартиради? Ким унинг кўнглига шукр ва некбинлик уруғини сепади?..

Ҳозир ахборот асрида яшаяпмиз. Ҳар тарафдан турли-турли маълумотлар кириб келяпти. Бу табиий жараён. Лекин дўконларимизда сотилаётган хориждан келтирилган наشريй маҳсулотлар, аудио-видеокассеталар, фотосуратлар, ҳар хил дисклар, кинолар, китобларнинг ғояси, мафкураси, мақсади нимадан иборат, улар миллий манфаатларимиз, ғоя ва мақсадларимизга зид эмасми – буни ким назорат қилади, ким ўрганади, ким бундай хавфларнинг олдини олади?

Биз демократик жамият қуряпмиз. Виждон эркинлигини таъминлаш – демократиянинг олий талабларидан бири. Бироқ тушуниб етдикки, ҳақиқий дин – бошқа, дин ниқоби остидаги ёт мафкура – бошқа нарса. Дин баҳонасида айнан қандай ғаразли, ёт ғоялар кириб келяпти? Буни ўз вақтида ва мукаммал тарзда аниқлаб бориаяпмизми? Муллалар, отинойилар маърузалари кассеталар тарзида тарқатиляпти. Марҳамат. Бироқ айтилаётган, даъват этилаётган ғоялар замирида ёт мақсад яширин эмасми? Буни изчил таҳлил қилиб бориш, диний ва дунёвий тарғиботни ўзаро уйғунлаштириш зарурати кун сайин ортиб бораётир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ота-онанинг боласи учун қандай дафтар ёки бошқа ўқув воситалари сотиб олишини бутунлай чеклашнинг иложи йўқ. Лекин тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ёки яқин ва узоқ хориждан олиб келинаётган бу таълим-тарбия во-

ситаларида беҳаё ёки, умуман, ахлоқий жиҳатдан мактаб болалари ёшига мос келмайдиган, миллий манфаатларимиз, маънавиятимиз ва тийнат(менталитет)имизга зид ғоялар ташийдиган суратлар босилаётганининг олдини олиш учун айнан қандай маънавий-маърифий чора-тадбирлар кўришимиз керак?

Демократия шароитида эркин матбуот шаклланиши – ўта табиий жараён. Хўш, шу хусусий нашрлар ўз иқтисодий мақсадларини кўзлаб, билибми-билмайми, миллий ғоямиз ва мафкурамизга зид, маънавиятимизга болта урадиган тушунча, ғоя ва талқинлар, сурат ва бошқа иллюстрацияларларни чоп этмаяптими? Қандай қилиб булар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин?

Телевидение – ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, интернетдан фойдаланишга имкон ва уқуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнаи жаҳонда намоиш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва муддаоларимизга мос тушадими? Истаристамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса қўшиб қолмаяпмизми?

Инчунин радио ҳам. Оммавий ахборотнинг айнан шундай беминнат воситасидан, ўз *ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаман*, деб интилаётганлар камми?

Халқ таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим тизимларида миллий ғоя ва мафкура, маънавият асослари қандай сингдириляпти? Ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмаларда эътиборсизлик, билимсизлик оқибатида, фарзандларимиз онг-тафаккури ва қалбига ўзимизга қарши ғоя сингдирилаётгани йўқми?

Адабиётимиз ва санъатимизда қандай ғоявий-мафкуравий, маънавий жараёнлар кечмоқда? Муаллифларимиз қайси ғояларни илгари суряпти? Уларни шу нуқтайи назардан ким таҳлил этади?..

Бундай саволларга жавоб излаш – бевосита халқ, Ватан ва давлат бугуни ва келажаги учун суву ҳаводай зарур. Халқ, Ватан ва давлатни ҳар куни ҳар лаҳзада кўриқлаш, асраш, муҳофаза қилиш – шарт. Бу эса, энг аввало, одамлар, хусусан, ёшлар онг-тафаккури, маънавияти ва қалбида Ўзбекистон, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги учун яшаш туйғусини мустаҳкам ўрнатиш орқали кечади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, унинг тузилмалари, минтакавий-худудий кенгашлари шу вазифаларни бажаришни буткул ўз зиммасига олиши – шарт ва зарур.

Кенгаш – жамоат ташкилоти сифатида шундай масалаларни кўтариш, изчил ўрганиш, бу борада жамоатчилик фикрини уйғотиш, ҳар қандай маънавий-мафкуравий хавфнинг олдини олишга тўла ҳақли ва шунга масъул.

Президент қарори ишни шу асосда тамоман янги савия ва даражада йўлга қўйишни талаб этади.

Шу тариқа мамлакатимизда маънавият тизимини янада такомиллаштириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун амалга оширилиши зарур муҳим йўналиш ва вазифалар белгилаб олиниб, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалдаги фаолиятига татбиқ этишга киришилди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ўтган даврда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар ўзига хос бир тизимга айланди. Аммо замон кун сайин ривожланиб бормоқда. Жаҳонда, замон билан бирга, ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам мураккаблашиб, инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш тобора кучаяётир. Бу эса миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари асосида янги усул ва воситалар орқали амалга оширишимиз зарур. Чунки бугун мафкуравий кураш кўпроқ ахборот алмашишнинг энг замонавий воситалари орқали кечмоқда. Шунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларида электрон ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, аудио-, видео-фототарғибот усуллари, мультимедиялар, президентациялар орқали аҳоли ўртасида тарғибот олиб бориш кенг йўлга қўйилмас экан, бу борада мафкуравий курашда тенг кучга эга бўлолмаймиз.

Модомики, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасига кўтаришимиз керак бўлса, Республика Маънавият тарғибот маркази минтакавий-худудий бўлимларининг ҳам мунтазам фаолият олиб боришига эришиш, бунинг учун уларга бюджетдан таъминланадиган штатлар ажратиш – жуда-жуда зарур.

Чунки тарғиботни пастда – жойларда кучайтирмас эканмиз, кутилган натижага эриша олмаймиз. Ана шундагина биз амалда барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кишлоқ ва овулларни қамраб олишга эришамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»* 1999 йил 3 сентябридаги фармони билан минтақалар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда ҳудудлар, яъни туман ва шаҳарларнинг биринчи раҳбарлари минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларига раислик қилиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»* 2006 йил 25 августидаги ПҚ – 451-сон қарори билан эса минтақалар биринчи раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари штатлари жорий этилди.

Шу асосларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, барча туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўзлари раҳбарлик қилаётган минтақа ва ҳудуд маънавияти учун бирламчи жавобгар масъул шахс ҳисобланади. Жойларда маънавият ухлаб ётса, оқибати ёмон кечади. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ бир жараёнда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳаммамиз бирдай масъулмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»* 2006 йил 25 августдаги ПҚ – 451-сон қарорида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига вазифалар қаторида *«халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қараашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишига қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш»* ҳам топширилган. Бу айнан меросга суянишни англатади.

Қарорда Республика Маънавият тарғибот марказига бешта муҳим вазифа юклатилган. Шундан тўрттасида бевосита меросга дахлдорлик бор.

Биринчи вазифа – *«маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш»*дан иборат.

Иккинчи вазифада *«миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш»* кўзда тутилган.

Тўртинчи вазифа таркибида эса, жумладан, қуйидаги сўзларни ўқиймиз: *«Ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш»*.

Бешинчи вазифада ҳам бевосита мерос билан боғлиқлик бор: *«Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш»*.

Бу таҳлилларимиз мамлакатимизда айнан мустақиллик маънавий-маърифий соҳада ўзини кўпроқ намоён этганидан ҳам далолат беради. Маънавият ва маърифатнинг давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатидаги ўрни ва мавқеи тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон энди бу тўғри йўлдан асло қайтмайди.

ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Узоқ ўтмишга эга, тарихи шонли Ватанимиз турли даврларда турлича номлар билан атаб келингани, шунингдек, унинг чегара худудлари ҳам муайян даврларда ўзгариб тургани тарихий манбалардан маълум. Аммо ҳамма даврларда ҳам юртимиз улуғ зотлар, азиз авлиёлар ватани эканлиги билан доврўғ қозонган. Унинг қудратига, ватанпарварлиги ва халқпарварлигига Дорою Искандарлар тан берган, Нажмиддин Кубро сингари улуғ сиймолари, Жалолиддин Мангуберди каби мард ўғлонлари олдида ҳатто Чингизхондек золимлар ҳам бош эгган, ўзи ва яқинлари учун ибрат намунаси деб билган.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ўзига хос ва мос ўрнига эга бўлиб, жаҳонга ўзининг «ўзбек модели» билан танилган мустақил Ўзбекистон Республикасининг географик минтақавий жойлашувига назар ташласак, у Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, шарқ ва шимолий-шарқда Қирғизистон, шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жануб ва жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркменистон, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадошдир. Ўзбекистон Республикаси майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Республика худудидан Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади ва шарқ гавҳари Орол денгизига қуйилади.

2015 йил 1 январига келиб республикаимиз аҳолисининг умумий сони 31 500 000 кишига етгани расман эълон қилинди. Мамлакатимизда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, ўзбеклар (80,0%), қорақалпоқлар (2,2%), тожиклар (4,9%), руслар (3,8%), қозоқлар (3,6%), татарлар (1,0%), қирғизлар (0,9%), корейслар (0,6%), украинлар (0,3%) ва бошқа миллат вакиллари (2,7%) яшайди.

Ўзбекистон худудида энг кенг ёйилган дин – ислом. Шунингдек, христианлик, иудаизм, буддизм динлари ҳам тарқалган. Уларнинг

барчаси эмин-эркин ибодатларини адо этмоқдалар. Уларнинг бу ҳуқуқлари «Виждон эркинлиги тўғрисида»ги қонун билан кафолатланган.

Аслида, VIII асрда Мовароуннаҳрга араблар билан бирга ислом динининг кириб келиши янги монотеистик дин ва маҳаллий динларнинг бир-бирига сингиши (синкретизм) жараёнини бошлаб берди. Натижада, Марказий Осиё халқлари онги ва тафаккурида худо, яратувчи тушунчалари хусусида ўзига хос ўзгариш – эврилиш юз берди: улар Аллоҳни тан олган ҳолда айна шу маънода аввалдан қўллаш урф бўлган Тангри атамасини ишлатишда ҳам давом этдилар. Бу улар қолдирган бой илмий-маънавий меросда акс этган.

Ислом байроғи остида ўзга мамлакатларга, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам кириб келган араблар анча ривожланган ижтимоий, илмий-маънавий муносабатларга дуч келганлар. Улар, ўзлари кутмаган ҳолда, Мовароуннаҳр аҳолиси маданиятидан мутаассир бўлдилар, илм – исломни тарқатиш баробарида ўзлари ҳам илм, ҳунарнинг янги қирраларини кашф қилдилар.

Ислом Арабистонда вужудга келган бўлса ҳам, Мовароуннаҳр минтақасида равнақ топгани, такомилига етгани нафақат мусулмон оламида, балки бутун дунё афкор оммаси томонидан эътироф этилгани бежиз эмас, албатта.

Маълумки, VIII асрнинг иккинчи ярми – IX асрда Мовароуннаҳрда кескин иқтисодий юксалиш юз берди. Мадрасалар учун махсус бинолар қурилиб, таълим соҳасида самарали усулларнинг амалиётга қўлланиши натижасида дунёвий ва диний фанлар тез суръатлар билан ривожланди. Бинобарин, юртимизда илмнинг фақат икки тури тан олинди. Улар фойдали ва фойдасиз. Алломаларимиз инсоннинг ўзи, халқи, ватани учун фойда келтириши мумкин бўлган ҳар қандай илм билан шуғулландилар, шунинг натижаси ўлароқ, қомусий олим бўлдилар – кўплаб илм ва касбларнинг моҳир устасига айландилар.

Таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида мадрасаларга вақф мулклари бириктирилди. Меъморлик, амалий безак санъатида, ҳунармандлик соҳаларида жонланиш юз берди. Мадрасаларда етишиб чиққан мовароуннаҳрлик буюк олимларнинг асарлари ўша даврлардаёқ Европа халқлари тилларига таржима қилиниб, асрлар

давомида улардан фойдаланиб келинди. Бу нодир асарлар кўпдан-кўп илм даргоҳларида дастуриламал вазифасини ўтади. Хуллас, швейцариялик исломшунос олим Адам Мец IX – XI асрларга нисбатан ишлатган «мусулмонлар уйғониши» атамаси айнан Мовароуннахрга мос келиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Халқлар тарихининг узвий қисми, ҳаётининг инъикоси сифатида таркиб топган миллий анъана, кадриятлар, урф-одат, расм-русум, таомил, маросимлар таъсир кўрсатувчи қатор омиллар билан бевосита ва билвосита боғлиқ ҳолда вужудга келади, ривожланади. Шундай омиллардан бири турмуш тарзидир. Бирор-бир халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган ҳар бир маросим миллийлик қобидан чиқиб, умуминсонийлик касб этади, умумкадриятга айланади ва шу тариқа, тили, дини, турмуш тарзи ва ҳудуди бир-бирига яқин қардош халқларни бирлаштиришга хизмат қилади. Ўтибор қилинса, бирор халқнинг кўп асрлар давомида сайқалланиб келган азалий удумлари, урф-одатлари намойиш этилганда унга қизиқувчилар кўп бўлади. Зеро, бу улар учун, ҳамма учун қизик. Шундан бўлса керак, унга тақлид қилувчилар ҳам топилади.

Ўзбекистон ўзига хос анъаналар, урф-одатлар ҳамда турмуш тарзига эга бўлган ҳудудлардан иборат мамлакат. Унинг ҳар бир вилояти, тумани ва ҳатто қишлоғида аниқ манбага таянган маданият, урф-одат шаклланиб, шаклланиб келган. Зеро, халқимизнинг асрлар оша шаклланиб, сайқал топган миллий кадриятлари бор. Бу кадриятларнинг шаклланишида эса мана шу халқларнинг ҳар бири ҳиссасини кўшган.

Узоқ вақт давом этган оғир мафкуравий тазйикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган кадриятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўтган асрнинг 30-40 ва 50-йиллари бошларида кўп асрлик кадриятларимизни сақлашга ва бойитишга ҳаракат қилган Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби кўплаб олимлар, адиблар ўтмиш сарқитларига қарши кураш шиори остида асоссиз қатағон қилинди. Бугунги кунга келиб мустақилликка эришгач, яна адолат, ҳақиқат тикланди, халқнинг бебаҳо кадриятлари ўзига қайтарилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз амал қилиб келган улкан, бебаҳо миллий кадриятларимизни тиклаш давлат

сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Дарҳақиқат, Президентимиз айтганларидек, «бирон-бир жамият одамлар онгида ўз миллий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди». Ҳақиқатдан ҳам, миллий қадриятларни тиклаш, ўз навбатида, миллий ўзлигини англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорини ривожлантиришга самарали таъсир этади.

Масалан, талабалар ўз бобокалонларининг илмий, адабий меросини қанчалик яхши билсалар, булардан илмий, айниқса, маънавий озик олиш билан бирга, улар билан ҳақли равишда фахрланадилар, уларга тақлид қиладилар ва пировардида, уларга муносиб бўлишга интиладилар.

Муайян халққа, миллатга, унинг аجدодларига тааллуқли, фарзандларига бекаму кўст етказилиши лозим бўлган қимматбаҳо моддий ва маънавий бойликлар миллий қадриятдир. Миллатимиз шакллана бошлаган даврдан буён то ҳозирга қадар яратилган, ривожлантирилиб, қарор топтирилган, бугунги кунда авлодлар фойдаланаётган ва ардоқлаётган асл қадриятлар эса ўзбек миллий қадриятидир. Бундай қадриятлар сирасига шу халқнинг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, аجدодлардан авлодларга мерос қолиб, ривожланиб бораётган бойликлар, буюк бобокалонларимизнинг илмий, фалсафий, маданий, бадий асарлари, анъана, маросим ва бошқа қадриятлари киради. Ҳаммамиз учун шу кунларда энг долзарб бўлиб турган вазифа келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдир. Чунки келажагимиз ёшларга, уларнинг ақлу заковатига боғлиқ. Шунинг учун Президентимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бор имкониятларни ёшлар тарбиясига қаратмоқда. Бу давлат сиёсати даражасидаги маънавий ишдир.

Ҳар бир халқнинг, ҳар бир юртнинг кадр-қиймати, унинг башариёт тарихидаги ўрни ва мақоми жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига, умумбашарий тамаддун ва тараққиётга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Демак, миллий қадриятлар шаклланишига амалий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири шу юртдан етишиб чиқадиған буюк алломалар яратган беназир асарлардир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бизнинг бой ва ибратларга тўла бир неча минг йиллик шонли тарихимиз, ўзига хос миллий кадриятларимиз, бетакрор илмий, маданий, маънавий, диний меросга эга халқ эканимиз дунё миқёсида эътироф этилган, этилмоқда. Айниқса, табаррук заминимиздан ўзларининг оламшумул аҳамиятга молик асарлари, абадий барҳаёт таълимотлари билан бутун дунёни лол қолдирган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққани Мағрибу Машриқда маълум.

Шўролар даврида, шундай улуғларимиздан фахрланиш, номларини абадийлаштириш, таъбир жоиз бўлса, уларнинг номларини тилга олиш таъқиқланган эди. Шукрки, Президентимиз Ислом Қаримовнинг ташаббуслари билан улар ётган муқаддас жойлар обод масканга айлантирилди. Қутлуғ номлари тикланди ва тикланмоқда.

Мустақиллик берган имкониятлар туфайли олиб борилган изланишлар натижасидан маълумки, қадимий қўлёзмалар, шунингдек, биобиблиографик тарздаги қомусий асарларда Бухорий, Самарқандий, Термизий, Насафий, Кеший, Паздавий, Хоразмий, Шоший, Фарғоний, Марғилоний, шунингдек, Туббоний, Субахий, Уструшоний каби кўҳна шаҳарларимиз билан бир қаторда бугунги кунда ҳатто аксар илм аҳлига ҳам номаълум қишлоқларимиздан етишиб чиққан юзлаб, эҳтимол, минглаб олимларнинг исми шарифларини учратиш мумкин. Бинобарин, ер юзидаги бирор юртдан бунчалик кўп олиму фузалолар етишиб чиққан эмас. Бу – ҳақиқат эътироф. Барча тан олган ҳақиқат. Эътибор қилинса, Самарқанд шаҳрида жойлашган биргина «Чокардиза» қабристонида баъзи манбаларда 333 та, бошқаларининг далолат қилишича эса, 444 та Муҳаммад исмли фақиҳнинг дафн қилингани. Афсуски, у зотларнинг кимлар экани ҳали-ҳануз номаълум. Шунинг ўзи ҳам юртимизнинг буюк зотлар ватани эканига инкор қилиб бўлмас далилдир, аслида.

Дунё илму ирфон тараққиётига қўшган беназир ҳиссаси билан у зоти шарифлар азал-азалдан халқимизнинг шухратию доврўғини жумлаи жаҳонга дoston қилиб, дунё борица бошимизни баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам, ер юзининг қай бурчагига бормайлик, биз Ўзбекистон аҳлига шундай буюк алломаларнинг ватандoшлари, ворислари деб алоҳида ҳурмат-эътибор билан қарайдилар, гапнинг

индаллоси, бизларга хавас қиладилар. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Замахшарий авлодлари, деб алоҳида эҳтиром кўрсатадилар.

Мазкур фикрга ёрқин мисол сифатида кўҳна, ўзига хос тарих ва маданиятга эга Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарийни кўрсатиш мумкин.

Жисмоний ногиронлигига (бедаво иллат туфайли ёшликдан бир оёғи кесилган) қарамасдан, хоразмлик бу аллома ўзининг беназир ақл-заковати, юксак илмий салоҳияти ва фавқуллодда улкан даҳоси билан, таъбир жоиз бўлса, бутун дунёни забт этган алломалардан саналади. Замондошлари томонидан Замахшарийга берилган устозу-дунё (бутун дунёнинг устози), устозу-л-араб ва-л-ажам (араблар ва араб бўлмаган (халқ)лар устози), фахру Хаворазм (Хоразмнинг фахри), Каъбату-л-адаб (Адаб аҳли учун бамисоли Каъба), айникса, жоруллох (Аллоҳнинг қўшниси) каби ўта шарафли лақаблар дунёнинг биронта ҳам олимига насиб этмагани буюк ватандошимизнинг нақадар бекиёс обрў-эътибор, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган улуғ бир сиймо бўлганини кўрсатади. Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган «Нодир қўлёмалар хазинасидан» номли кўргазмада ҳам Маҳмуд Замахшарий асарларидан Қуръони карим тафсирига бағишланган «ал-Кашшоф» номли тафсири, шунингдек, ўзига хос тўрт (араб, форс, туркий, мўғул) тилли луғат «Муқаддамату-л-адаб» асарининг намоёиш этилиши мамлакатимизда буюк алломанинг илмий-маънавий меросига эътибор нақадар катта эканини кўрсатади.

Халқимиз узок йиллар давомида мафкуравий тазйиқ остида бўлганига қарамай, ўз миллийлигини сақлаб қолди. Миллий қадриятлар асрлар давомида диний қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Зеро, «ислом динининг ўзи маънавиятимиз тарихининг ажралмас қисми бўлиб, замирида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас».

Илм-фаннинг барча соҳаларида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратган Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Маҳмуд Замахша-

рий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотуридий, Абул-Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Гиждувоний каби алломаларнинг ибратларга тўла ҳаётлари ва илмий-амалий фаолиятини ўрганиш, уларнинг табаррук номини тиклаш диққатга сазовор ишлардан биридир. «Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуг аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик?» – деб алоҳида таъкидлаб, Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай жавоб беради: «Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг кутлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг ана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислоҳ динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий илмлар билан бир қаторда имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Муҳтарам Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида мислсиз маънавиятимиз хусусида фикр юритиб, жумладан, шундай дейди: «Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг айниқса, Ислоҳ дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди».

Бинбарин, ислоҳ оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналган Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд,

Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд, имом ат-Термизий, имом ан-Насафий ва имом ибн Можа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари Турон заминидан бўлган билан бутун ислом дунёси миқёсида фахрлансак арзийди.

Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат ишки, фидойилик, юксак иқтидорни талаб қилади. Масалан, Имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайрисаҳиҳ» ҳадисларни ёд олган.

Инсоният тараққиёти тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг фаолияти маҳаллий маданий ҳудуд чегарасидан ташқарига чиқибгина қолмай, балки даврлар чегарасини ёриб ўтиб, ғоялар ривожланишида умумжаҳон жараёнининг бир қисмига ҳам айланади. Уларнинг асарлари барча нодир ҳадислар сингари аввал ўтганлар тажрибаларининг энг қимматли томонларини ўзида гавдалантиради.

Бутун ислом оламида амир-ул-муъминин фил-ҳадис, ал-имом-ул-миқдом (жасур имом), имом-ул-муҳаддисин сифатлари билан улуғланган Имом Бухорий номини чуқур ҳурмат, эҳтиром билан тилга олиб, унинг асарларини калом илмининг буюк ютуғи ҳамда Қуръони каримдан кейинги, иккинчи ҳақиқатлар мажмуаси деб баҳоланиб келмоқда. Бироқ яқин вақтларгача Имом Бухорий ўз ватанида унутилишга маҳкум этилди. Бу ҳолат ҳукмрон даҳрийлик мафқурасининг қаттиқ талаблари тақозоси билан юзага келди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, улуғ аждодларимиз қаторида Имом Бухорийнинг ҳам беназир меросига нисбатан тарихий адолат тикланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «Янги жамият барпо этмоқчи бўлиб энг одил йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик... Бобокалонларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий номларини фахр билан тилга оламиз... Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади», – деб таъкидлади.

Шундай қилиб, Имом Бухорий ва бошқа алломаларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий таълимотларига янгича назар билан қараш долзарблик касб этиб, уларнинг асарлари ўзбек тилига изоҳлар билан таржима қилинди, ҳаёти ёритилган асарлар таълиф этилди, илмий тадқиқотлар амалга оширилди, абадий қўним топган жойлари табаррук қадамжоларга айлантирилди.

Мухтарам Президентимизнинг эътирофига сазовор алломалардан яна бири Ҳаким Термизийдир. Президентимиз 2014 йилнинг 29 ноябрида Термиз шаҳрига «Амир Темур» орденини топишиш муносабати билан «Мадинату-р-рижол», яъни «мардлар шаҳри»га ташриф буюриб, бу азим шаҳар ва ундан етишиб чиққан алломалар хусусида, жумладан, бундай деди: «Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуг аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтига ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламнинг фахру ифтихори ҳисобланади».

Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири Ҳаким Термизий улар орасида алоҳида мавқега эга. Ҳаким Термизийнинг фикр-мулоҳазаларию ғояларини асрлар оша авлодларга бекаму қўст етказиб келган ўлмас асарларининг мавжудлиги бекиёс даражадаги илмий-маънавий бойликдир.

Буюк аллома тариқат илмининг таълимотларига, йўл-йўриқларига ўзининг бебаҳо асарлари ва шогирдлари орқали аниқликлар киритган ва ўз навбатида, бу шогирдлар буюк устозининг ишларини давом эттирган. Ҳаким Термизий фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий тажрибалари асосида ўзининг кўплаб ўлмас асарларини яратдики, бу асарлар буюк бир маънавий мерос сифатида ислом маданияти, айниқса, тасаввуф илми тараққиётида салмоқли ўрин эгаллади. Уни камдан-кам олимларга насиб қиладиган кўплаб лақаблар, жумладан, «аш-шайх», «ал-

олим», «ал-аллома», «муҳаддис», «аз-зоҳид», «ал-ҳофиз», айниқса, аксар ҳолларда, «ал-имом» деб атаганлар. Бундан ташқари, Ҳаким Термизий «ал-муаззин» деган лақабга ҳам эга бўлган. Албатта, ушбу лақаблар унинг илмий салоҳияти ғоят юксак бўлгани ва бу ҳол илму ирфон намояндаларининг юксак эътирофига сазовор бўлганидан далолат беради.

Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, алломанинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади. Улардан пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган «Наводиру-л-усул фи маърифат ахбор Расул» («Расулуллоҳ хабарларини билишнинг нодир усуллари») асарини айтиш керак. Бу асар, шунингдек, «Салвату-л-орифин ва бўстону-л-муваҳҳадин» («Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони») номи билан ҳам аталади. 291 ҳадисдан иборат ушбу китобда Ҳаким Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал шарҳлаган. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида, бошқа бир қўлёзмаси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида (№ 10842) сақланмоқда. Кейинги йилларда алломанинг тасаввуфга оид икки асари нашр этилди. Улардан бири «Китоб ҳақиқати-л-одамия» («Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб») ва иккинчиси «Адабу-ннафс» («Нафс одоби»)дир. Ҳаким Термизий асарларининг аксарияти қўлёзма ҳолда жаҳоннинг Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул ва Лондон каби йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланаётир.

Ҳаким Термизий шахси, қолдирган бой илмий-маънавий меросига муносабат истиқлол туфайли тубдан ўзгарди. Унинг бизгача етиб келган асарлари илмий асосда тадқиқ қилинмоқда, аллома хотирасига бағишлаб ташкил қилинган кураш бўйича халқаро турнир 1993 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда ва бу хайрли анъана бундан кейин ҳам давом этиши шубҳасиз.

Буюк мутафаккир абадий қўним топган маскан – Термиз шаҳри яқинидаги Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси муҳтарам Прези-

дентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва кўрсатмаси билан батамом қайта таъмирланиб, ҳозирда юксак меъморчилик намунасини ўзида мужассам қилган мухташам зиёратгоҳлардан бири сифатида, нафақат юртимиз аҳли, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

Аждодларимизнинг тарихи, улар қолдирган илмий-маънавий мерос қуёшга ўхшайди. Улар – миллий ғурур манбаи, жамият тараққиёти гарови. Уларни ўрганган, ибрат олган, амалга татбиқ қилган инсон пешонаси ёруғ, йўли порлоқ, умри ибратли, кўзлари нурли, сўзлари ҳикматли бўлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, тарих – ибрат, илм, ҳикмат. Тарих – келажак пой-девори, тараққиёт калити. Тарих – хайрли ишларга ундов, ёт иллатларга раддия. Тарих – огоҳлик. Усиз буюк келажак бўлмаслиги Президентимиз асарларида алоҳида таъкидланган. Сир эмас, собиқ Иттифок сиёсати шонли тарихимиз далолати бўлган нодир асарларни ёқишга ундади, нодир обидаларимизни бузишга рағбатлантирди. Уларнинг «сир»ларидан воқиф зиёли, Ватанпарвар бўлган Чўлпон ва Абдулла Қодирийдек кўпдан-кўп олимларимизни Ватан хоини деган баҳоналар билан қатағон қурбонларига айлантирилди.

Юртимиз алломалари Президентимиз Ислом Каримов туфайлигина том маънодаги шараф топди, буюклиги эътироф этилди, номлари дунё аҳлига маълуму машҳур қилинди. Юртбошимиз буюк аждодларимизни улуғлаш масаласи хусусида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: «Халқимизнинг тарихий хотираси ажойиб номларга бой. Кўпгина алломаларимиз маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга ҳақлидир».

Номи халқ хотирасида абадий яшашга ҳақли, шундай эътирофга лойиқ буюк алломаларимиздан бири эътироф этилган учта ақидавий мазҳабдан бирининг асосчиси Абу Мансур Мотуридийдир. Имом Мотуридий яратган таълимот нафақат ўз даврида пайдо бўлиб, вайронкор ғоялари билан бузғунчилик қилган фирқа ва оқимлар, балки бугунги кунда ҳам фаолияти кузатилаётган адашган тоифаларга рад-

дия сифатида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳассаси – яратиб кетган асарлари биз учун дастуриламалдир. Зеро, Имом Мотуридий қарши курашган қадарий, жабарий, муътазилий каби вайронкор кучларнинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўзгача қиёфада яшамокда. Уларни аниқлаш, уларга маърифий ислом, миллий ғоямиз ҳамда миллий мафкурамиз билан зарба беришимиз давр талаби бўлиб қолмоқда.

Улуғ аждодларимиздан Аҳмад Фарғоний эса, ўз замонасининг етук фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига беқиёс таъсир кўрсатди. Унинг яратган ихтиролари ҳозиргача инсонларга беминнат хизмат қилиш билан бирга, замонавий илмларни ҳам ортида қолдириб келмоқда. Европада аль-Фраганус номи билан машҳур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожигаги нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми-шарифи ер қуррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда ойдаги кратерлардан бирига унинг исми номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йилда нашр қилинган «Селенография» китобида ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз – Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталиши қалбимизда ажиб ғурур ҳиссини шакллантиради.

Тиббиёт фанининг асосчиларидан бири, бобомиз Ибн Синонинг ҳам дунё илм-фанига, хусусан тиббиёт фанига қўшган ҳиссаси беқиёс бўлган. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобидан ҳозирги замонавий табиблар ҳам бевосита фойдаланадилар.

Буюк бобокалонларимиз маънавий олами хусусида фикр юритганда, соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиий. Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо, буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди. Илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Бобоси ишларининг бевосита давомчиси бўлган Мирзо Улуғбек ҳам қарийб қирқ йил ҳукмронлик қилди ва илм-фан, халқ турмуш-тарзини яхшилаш йўлларида мислсиз ютуқларга эришди. Шу билан бирга, ўзининг илмий-амалий ижодини бардавом қилган ҳолда «Зижи Кўрагоний» деб номланган астрономик жадвални келажак

авлодларга бебаҳо мерос сифатида қолдирди. Ўрта асрларда ғарб олимлари ушбу жадвални лотин тилига таржима қилиб, ўз илмий ишларида фойдаланганлар. Президентимиз бу ҳақида эслаб, шундай дейдилар: «Бу ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда, ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушди. Ўшанда жаноб Майор, Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар харитасига оид ҳисоб – китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда, атиги бир неча дақиқа фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айтилган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам.

Шеърят мулкининг султони, туркий ва форсий тилда бебаҳо ва дурдона асарлар яратган, шунинг билан бирга халқимизни, миллатимизни бутун дунёга тараннум этган боболаримиздан яна бири, бу ҳазрати Алишер Навоийдир. Навоий асарлари ҳақида сўз кетганда, аввало буюк асарлари «Хамса», «Лисону-т-тайр», «Муҳокаматул-луғатайн»лар кўз олдимизга келади. Бу асар нафақат Навоийни, балки ўзбек халқини бутун дунёга танитди ва ҳозиргача ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

XV аср охири, XVI аср бошларида наср ва назм осмонида ярқираб пайдо бўлган яна бир йирик сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиздир. Унинг жаҳонга танилган «Бобурнома» асари ўзининг бадиийлиги, тарихий ҳаққонийлиги ва ўзига хослиги билан кишини мафтун қилади. Унда Бобурнинг ҳаёт йўли, Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари, бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг маиший турмуши ва маданияти, табиати ва баъзи тарихий – сиёсий воқеалари юксак бадиият билан таърифланган.

Бизларнинг вазифамиз эса, аجدодларимиз изидан борган ҳолда, илмларини пухта эгаллаб, ёш ва навқирон давлатимизнинг гуллаб яшнашига, халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга ва бевосита келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдиришга ҳаракат қилишдан иборатдир.

Қайси даврга мансуб бўлмасин, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир юртнинг фаҳри ва ифтихори унинг олимларию жаҳон илм-фани ва маданияти равнақиға кўшган ҳиссаси билан ўлчанади ва қадрланади. Мана шу мезонга таяниб, адолат кўзи билан қарайдиган бўлсак, кўҳна Туркистон заминимиз, ҳеч бир муболагасиз, дунёда энг илғор, олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Чунончи, илм-фаннинг қайси бир жабҳасини олмайлик – аниқ фанларми, табиий фанларми ёки ижтимоий фанларми – уларнинг равнақида Ўрта Осиёлик олимларнинг хизматлари бекиёс. Айниқса, ўрта асрларда яшаган алломаларимизнинг бу борадаги улушлари дунё миқёсида салмоқлидир.

Бугун буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодларини ҳар томонлама илмий асосда чуқур ўрганиш, улар асарларини нашр қилиш каби хайрли ишларга кенг йўл очилганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу фикримизга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Халқимиз дилини мунаввар қилган, мустақиллик йилларида рўёбга чиккан бу хайрли ва том маънодаги тарихий ишларнинг ҳаммаси, комил ишонч билан айтиш мумкинки, муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган доно ва халқчил сиёсатининг самараси, шунингдек, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан оламшумул аҳамиятга моликдир.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, тарихимиз, миллий ва диний қадриятларимиз, бой ва кўҳна маънавий меросимизга муносабат, айниқса, истиқлолга эришганимиздан кейин мантиқий изчиллик билан янада бардавом тус олиб, биринчи даражали ҳаётий масалага айланди. Ўлмас асарлар яратган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодларини чуқур ўрганиб, улардан кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни баҳраманд қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада ўтган йиллар давомида салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўрни келганда айтиш керакки, ўтмиш мероси, тарихи ва алломаларини ўрганиш ва уларнинг тарихий мақомларини тиклаш соҳасидаги бу тарздаги муҳим ишлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатаида амалга оширилгани йўқ.

Ўтган йигирма тўрт йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марралари-

мизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ирода-сини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч-маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз-авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган макбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди, янгича кўриниш касб этди, халқимиз қалби ва чуқур эҳтиром билан борадиган табаррук зиёратгоҳларга айлантирилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши кўп минг йиллик миллий маданиятимиз тарихини илмий асосда теран ўрганиш, у ҳақда ҳолисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди.

Жаҳон маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди. Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан алломаларимиз таваллуд саналари нишонланди. Жумладан, 1991 йили Алишер Навоий; 1993 йили Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Баҳовуддин Нақшбанд (675 йиллиги); 1994 йили Мирзо Улуғбек; 1995 йили Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, шунингдек, Феруз, Нажмиддин Кубро; 1996 йили Амир Темур; 1998 йили Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний; 1999 йили Жалолиддин Мангуберди; 2000 йили Бурҳонуддин Марғинович, Камолитдин Бехзод, Имом Абу Мансур Мотуридий каби мутафаккирларимиз таваллудига бағишланган тантаналар ўтказилди.

1996 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги

Қарорига асосан, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари ўтказилди. Ушбу тадбирлар кенгайиб, бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори даражада ўтказилди.

2000 йилнинг 16 ноябрь куни Марғилон шаҳрида ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, нафақат мусулмон олами, айни пайтда бутун дунё эътироф этган, ўзининг ноёб ақл-заковати билан ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мерос билан юртимизни дунёга танитган буюк боболаримиздан бири – шайхулислом Бурҳониддин Марғилоний таваллудининг 910 йиллиги, 17 ноябр куни эса Самарқанд шаҳрида ислом оламида «мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазавор бўлган, калом илмининг султони, яна бир буюк бобомиз Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан бу икки шаҳарда буюк боболаримиз хотирасига бағишлаб тикланган ёдгорликлар мажмуаси очилди.

2004 йилнинг 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, ислом дини ривожига катта ҳисса қўшган ва бой маънавий мерос қолдирган улуғ мутафаккир, буюк ватандошимиз Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қилди.

Буларнинг барчаси буюк сиймолар шахсига эътироф, эътибор. Бу – буюк халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти намунаси. Бу – миллий ғурурнинг ўзига хос намунаси. Бу – миллий ғоямиз рўёби...

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзлари ёдга келади: «Бу каби тантаналарни ўтказишдан ният ва мақсадларимиз, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари... энг аввало бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб – улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир. Савобли ишларни қилган одамга, унинг эл-юртига, албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-иқромини жойига

қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганнинг ўзи – бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради». Демак, бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган савоб ишларни қилишга шошилиш ҳиссининг ижобий намоён бўлиши, шунингдек, Яратганнинг ризосига етишиш йўли, ўзлигимизни, қадриятларимизни англаш йўлидаги илдам қадам ҳамдир.

Мустақиллик туфайли истиқлолнинг дастлабки йиллариданок аждодлар меросини ўрганиш, хусусан жадидчилик намоёндалари Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Фитрат, Чўлпон, Исҳоқхон Иброт, А.Қодирий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аждодлар меросини ўрганишнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этила бошланди. Улуғ аждодларимиз таваллудларини ўтказиш бўйича ижтимоий-сиёсий, маърифий тажрибалар вужудга келди. Республикамиздаги бу тажрибалардан қўшни мамлакатларда ҳам фойдаланиш кўзга ташланди.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилган маънавий меросимизни тиклаш, ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги кенг қўламли ишлар доирасида «Авесто» китоби халқимизнинг маънавий мулкига айлантирилди. Китобнинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихи, умумбашарий цивилизация ривожига улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, 2001 йили «Авесто» яратилганининг 2700 йиллиги юртимизда халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан «Авесто» нинг тўлиқ матни ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон – бағрикенг ўлка. Бу юртда азалдан турли цивилизация вакиллари, ҳар хил маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаган, мавжуд бўлган. Улар ўзларини шу азиз ватан фарзанди эканини ҳис қилган, унинг азалий қадриятларига оғишмай амал қилган. Бу ерда яшовчи халқ, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бошқа жойдан кўчиб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас, бетакрор, жаннатмонанд макондир. Юртимиз – Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи,

Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан бири. Мовароуннахр, кўплаб тарихий манбаларда келтирилганидек, ердаги жаннатдир. Бу эътироф ҳозир ҳам аксар юртимиз меҳмонлари томонидан айтилмоқда. Бинобарин, бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар, башариятни ҳайратга солган таълимотлар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деганда айни шу ҳақиқатни назарда тутган эди.

Кези келганда айтиш керакки, халқимиз ўзига хос бағрикенглик тафаккур услубига таянади. Бунинг ёрқин далили ўлароқ, заминимизда узоқ давр мобайнида бир вақтнинг ўзида оташпарастлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик ва ислом дини амал қилган. Бу диний бағрикенгликнинг ҳозирда кўпчилик давлатлар ибрат олса арзийдиган амалий ифодаси эмасми?!

Ана шундай анъаналар Ўзбекистонда яшовчи кўп сонли миллат ва элатлар вакиллариининг туб асрий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-умидлари, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Унинг асосида миллатлараро тотувлик ғояси ётади ва бу ғоя умумбашарий қадрият, турли халқлар биргаликда истикомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилади.

Ана шундай муқаддас кадамжоларнинг барпо этилиши ва уларнинг қайта таъмирланиб, обод манзилга айлантирилишида бевосита Президентимизнинг ташаббуслари ва қимматли кўрсатмалари муҳим ўрин тутди. Зеро, юрт раҳбари: «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз», деганларида нақадар ҳақ эканлигини

юртимизда амалга оширилган кенг кўламдаги амалий ишлар исботлаб турибди.

Ўзбекистон тупроғида юзага келган турли хил илмлар минг йил ўтибдики, ўз фалсафий мазмун-моҳиятини йўқотмади. Аксинча, ўтган асрлар давомида бутун оламни ўз инсонпарварлик ғоялари билан эзгуликка, инсофу диёнатга, адолатга, илму маърифатга чорлаб келмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маданияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб, бойиб борди».

Бу йил миллий байрамимиз «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган ғоя руҳиятида ўтиши белгиланди. Юқорида билдирилган фикрлар Ўзбекистонимизнинг бетакрорлиги намунасидир. Зеро, бу юртдан етишиб чиққан ҳар аллома, азиз-авлиё шу Ватан равнақиға хизмат қилиб, унинг дунёда тенгсизлигини исботлаган. Бу ҳақиқат дунё афкор оммаси томонидан тан олинди, эътироф этилди. Таниқли шоир Эркин Воҳидов таъкидлаганидек, «жаҳон ичра менинг, тенгсиз жаҳоним – Ўзбекистоним». Бу чорлов ҳар бир фуқаронинг қалбига чуқур ўрнашиши, жой олиши, шунга муносиб хатти-ҳаракатларга ундаши лозим. Юракдан айтилган сўзларнинг таъсири кучли бўлади. Ватанимизнинг тенгсизлигини, бетакрорлигини ўзимиз эътироф этсак, тўхтовсиз, кўп бора такрорласак, ҳар бир одам қалбига кириб боради. Ўрнашади. Зеро, бу ғоя халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун ўзига хос мактабдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлам-ли ислохотларнинг марказида ёшлар масаласи белгилаб олинган. Бинобарин, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2014 йилнинг 6 февralида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 2124 Қарори чиқди. Бу Қарор мамлакатимизда ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг изчил давоми сифатида келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишларимизни белгилаб берувчи дастур бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидланок ёшларга оид бугунги давлат сиёсатининг тамал тоши қўйилди. 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу каби мазмундаги қонунларни, ҳатто қонуности ҳужжатларни бошқа давлатлар амалиётида учратиш қийин. Давлат суверенитети эълон қилинганига эндиgina саксон кун тўлган мамлакатда бундай қонуннинг қабул қилиниши шу пайтдаёқ Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганининг асоси эди.

Сабаби мустақил Ўзбекистоннинг йўли – мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққий этган дунё тажрибасини ўзлаштириб, юксак маънавиятли инсонлар, эркин фуқаролар жамиятини куриш. Бунинг учун эса, биринчи навбатда ёшларнинг таълим ва тарбиясига эътиборни кучайтириш, миллий ғояни онгу шуурига сингдириб, ҳақиқий ватанпарвар, етук салоҳият ва ақлий иқтидорга эга ёшларни вояга етказиш зарур эди. Бу эса давлатнинг мақсади

келажакда муносиб ворислар тайёрлаш билан вобаста эканлигини англатар эди.

Кувончлиси шуки, бугун Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз ҳақ-хукуки учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланмоқда. Улар аجدодлар маънавий меросини ҳам, умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиётларни ҳам тенг ўзлаштирмоқдалар. Бинобарин, юрагида миллий ифтихор туйғуси, ватан муҳаббати жўш урган билимдон, доно, тадбиркор ёшлар ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти, келажagini белгилайдиган асосий кучдир.

Шунинг учун ҳам бизда ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилган ушбу сиёсатнинг асосий моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва халқимизнинг том маънодаги хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

2013 йил 8 декабрда ушбу тарихий ҳужжат қабул қилинганига 21 йил тўлди. Ўтган даврда Конституция жамият ҳаётининг узвий таркибий қисмига айланди, ўзининг реал ва амалий ҳужжат эканини исботлади. Шу боис, биз ҳозирда Конституциянинг ҳар бир нормасини, жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатини ифода этувчи қоидаларини ҳам назарий ҳам амалий асосда таҳлил эта оламиз.

Бу борада, дастлаб Конституциянинг мукаддимасидаёқ ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият эътиборга олингани таъкидланади. Бинобарин, 90-йилларнинг бошларида 20 млн. дан ортиқ Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 42,9 фоизини меҳнат ёшига етмаганлар, яъни болалар ташкил қилган.¹

Бинобарин, конституциямизнинг 41-моддасида бепул умумий таълим олиш² ҳуқуқининг ёшлар учун кафолатлангани ҳам эъти-

¹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011, 93–95-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012, 9-бет.

борга молик. Бу эса ёшларнинг келажакда жамиятда ўз ўринларини топишларига имконият яратилишини англатади.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг ҳуқуқий ва фуқаролик фаоллигини, ўз келажакига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда раванқ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Асосий қонунимизнинг 45-моддасида вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсизларнинг... ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги¹ белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий модданинг моҳияти ҳам давлатнинг ўз ёшлари ҳақида ҳамиша ғамхўрлигини англатади.

Мамлакатимизда Конституция нормалари ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар доирасида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 22 йил давомида оналар ва гўдақлар ўлими уч баробар камайди. Ўзбекистон 2014 йилда *«Болаларни асрайлик»* халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади². Шу боис мазкур нормада фаровон келажак учун бугундан ҳаракат қилиниши тамойилига амал қилингани билан ҳам аҳамиятлидир.

Зеро, қонунларимиз манбаи саналмиш конституциямизнинг 56-моддасида ...ёшларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ифодаловчи жамоат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 10-бет.

² **Ислом Каримов.** Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2012, 31-бет.

бирлашмаларининг тузилишига имкон берилиши¹ ҳам ёшларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувидаги фаоллиги таъминланишининг эътиборга олинганлигини англатади. Конституциянинг бу моддаси бевосита мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг иштирокини фаоллаштиришга қаратилганлигида кўринади. Мамлакатимизда ёшларнинг муаммоларини ҳал этишдаги умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этаётган нодавлат ташкилотлари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» ва «Соғлом авлод учун» каби жамғармалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси каби жамоат ташкилотлари фаолияти айнан мазкур конституциявий норманинг ижросини таъминлашга қаратилган. Яна бир муҳим жиҳат шуки, айнан шу йўл билан ёшларда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳамда уларда фаол фуқаролик позицияси ёхуд ҳуқуқий фаоллик шаллантирилиши ҳаётий ҳақиқат саналади. Тўғри, жамоат бирлашмалари сиёсий ташкилот эмас ва улар сиёсий фаолиятга бевосита аралашмайди. Ҳуқуқий билим, амалий кўникма ва ҳаётий тажриба ёхуд авлодлар ўртасидаги ворисийлик масалалари айнан фуқаролик жамияти институтлари саналмиш жамоат ташкилотлари фаолиятида шаклланади.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбурияти ҳамда давлатнинг ота-онасиз етим болаларни ёки уларнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш² вазифасининг белгиланганлиги ҳам миллий менталитетимизга, ҳам юриспруденция талабларига мос келади. Халқимиз болажон, ўз фарзандларига эътиборли халқ, бироқ ҳозирги глобаллашув ёхуд дунё ҳамжамиятига иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан интеграциялашув жараёни фаол кечаётган даврда бундай конституциявий норманинг белгиланиши ўта долзарб саналади. Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ёшларига ғамхўрлик қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012, 11-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012, 12-бет.

ҳамда ўзининг конституциявий бурчи деб билади: «Албатта, ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқил бўлиб, замонавий билим ва касб-хуналарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлигини бағишлайди. Лекин, мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман»¹.

Мамлакатимиз Конституциясининг 65-моддасида фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенглиги²... ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу конституциявий нормада давлат учун фарзандларнинг бегонаси бўлмайдиган, деган тамойилнинг амалдаги исботи мустаҳкамланган. Мазкур тамойил умумбашарий ва миллий қадриятларимизга тўлиқ мос келади.

Шунингдек, Конституциямизнинг 66-моддасида фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатни тартибга солишчи вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши³ ифодаланган. Мазкур модда халқимизнинг тарихий анъаналари ҳамда миллий ўзликни англаш каби ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. «Барчамизга аён – жамиятда маънавиятнинг ўрни бекиёсдир. Чунки инсон ҳаётга, ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўла олмайди. У фақат пул ёки бойлик учун яшамайди, одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун қуюнади. Биз ёшларимизни айнан мана шу руҳда тарбиялашимиз даркор. Нега деганда, маънавият, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олижаноб фазилатлар биринчи навбатда оилада, жамиятда шаклланади...»⁴. Бу эса фарзанд ва ота-она ўртасидаги нафақат ҳукукий

¹ **Ислом Каримов.** Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2008, 169–170-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012, 12-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ **Ислом Каримов.** Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2012, 265-бет.

масъулият, балки асрлар давомида ворисийлик асосида авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона оқиллик, оқибатлиликнинг исботидир.

Конституциянинг қайд этилган мазкур нормалари қатор қонун ҳужжатларида, уларнинг муайян таркибий қисмларида ўзининг тўла ифодасини топган. Бундай қонун ҳужжатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳда 1991-2000 йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари. Ушбу даврда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги (1991), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (1992), «Таълим тўғрисида»ги (1992 йил, 1997 йил янги таҳрирда) қонунлар, қатор кодекслар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997), Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (1997) қабул қилинди. Давлатимиз 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1992 йилда эса, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга қўшилди.

Мазкур йиллар давомида мамлакатимиз Президентининг «Республика ёш ижодкорларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1993), «Ўзбекистонда таълим олаётган ёшларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (1993), Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларига энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Давлат мукофотини топиши тўғрисида» (1993), «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармаси тўғрисида» (1996), «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (1999) фармонлари эълон қилинди.

Иккинчи гуруҳга 2001 йилдан ҳозирга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларини киритиш мумкин. Мазкур босқичда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008), «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси-га қўшимчалар киритиш ҳақида» (2009) ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ҳамда Болалар

меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шотилинч чоралар тўғрисидаги конвенциялар ратификация қилинди.

Бундан ташқари, бу соҳада вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти (2006), «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (2007). «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон (2007) имзоланди, шунингдек, Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури (2007), Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди.¹

Конституция асосидаги мазкур қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бир томондан ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини рўёбга чиқариш имкониятини яратса, бошқа томондан эса уларнинг ҳуқуқий онг ва билимлари ҳамда ҳуқуқий ҳулқ-атворининг юксалишига замин яратади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ҳар йили мактаб, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юр்தларининг ўқувчи ва талабалари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», Ёш ҳуқуқшунослар», «Ҳуқуқ билимдонлари» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Айнан мазкур кўрик-танловлар орқали ёшлар нафақат ўз ҳуқуқий билимларини шакллантиради, балки ўз тенгдошларининг ҳам бу борадаги билимларининг шаклланишига ҳам ҳисса қўшишади.

Шунингдек, мамлакатимизда Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун

¹ Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами / ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; ЎзР Президентининг «Истеъдод» жамғармаси; Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати; ЎзРФА. –Т.: «Маънавият», 2013. 111-бет.

хужжатлари мониторинги институти, вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда «Хуқуқий саводхонлик ойлиги» доирасида ташкил этилаётган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!», «Конституция – ҳуқуқ ва эркинликлар қафолати», «Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият!», «Мустақиллик – ҳуқуқ демакдир» мавзуларида ўтказилиб келинаётган тадбирлар ҳам ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги глобаллашув даври талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти ҳам кенг йўлга қўйилган. Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси «ЛехУЗ»нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада фаоллашишига сабаб бўлди. Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, ўзбек ва рус тилларидаги 26 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан бир кунда 2500-3000 нафар юридик ва жисмоний шахслар бепул фойдаланишмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган 5 та журнал ва 40 тага яқин газета нашр этилмоқда¹.

Дарҳақиқат, ёшлар ҳар қандай давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг объектини ташкил этувчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Чунки бу, давлат ривожининг натижаси ва унинг қудрати, мамлакатдаги муносиб ворисларнинг етишиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, демократик давлат дастлаб таълим тараққиёти, ёшларнинг тегишли касб доирасида етарли малака ва тажрибаларга эга бўлиб етишишини қафолатлайди. Шунингдек, ёшлар учун ҳуқуқий – сиёсий муносабатларда зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъбири билан айтганда: «Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда»². Шу ўринда бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлар

¹ Инсон ва қонун газетаси, 2013 йил 7 май.

² **Ислом Каримов.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007, 30-бет.

бунинг яққол ифодасидир. Хусусан, қонунчилик борасида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари атрофлича таҳлил қилиниб, ёшлар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари белгиланган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ишчи гуруҳ томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш жараёни Конституция ва кодекслардан ташқари, бу соҳада 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжат мавжуд эканини кўрсатди¹. Бундан кейинги давр мобайнида ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилингани эътиборга олинса, Конституция нормаларига асосланган, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини юксалтиришни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими 150 дан ортиқ қонун ҳужжатларидан ташкил топгани маълум бўлади.

Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь), «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва мавжуд қонунлар такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2009 йил), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь), «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги (2011 йил 5 октябрь), «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги (2014 йил 2 январь) Қонунларининг аҳамиятини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

¹ **Ш. Файзиев.** Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. «Ҳуқуқ ва бурч», 2008 йил 8–9-сон.

Шунингдек, ҳозирги пайтда ёшларга оид «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги каби қонун лойиҳалари тайёрланаётганини қайд этиш лозим. Мазкур қонунларнинг мақсади бевосита ёшлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг 28 июнида қабул қилинган «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1990-сонли қарори¹ ҳам бу борадаги ҳуқуқий асосдир. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти юридик таълим ислохотлари борасида яратилган мавжуд тизимни мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ҳамда замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли қарори ҳам айнан шу амалий тамойилни ўзида мужассам этганлиги билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда муҳим ижтимоий қатлам саналмиш ёшларнинг кенг кўламли ислохотлар жараёнидаги амалий иштирокини, ижтимоий ва ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг бош мақсад сифатида қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини оширишга асосий эътибор қаратгани

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 29-сон.

ҳам унинг амалий аҳамиятини оширган. Бу эса ўз ўрнида Дастурда белгиланган ҳар бир чора-тадбир бевосита ёшларнинг иштирокида ўтишини эътиборга олганида кўринади.

Аслида бугунги кунгача мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида қабул қилинган 16 та кодекс, 500 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг барчаси ёшлар сиёсатини амалга оширишга бевосита бўлмаса-да, билвосита тегишли саналади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилаётгани бу масаланинг қанчалик долзарб эканлигидан далолат беради. Конституциямиз ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишлар мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишда асосий ҳуқуқий манба саналади. Бу борада ижобий самараларга эришишда ҳуқуқий тарғиботнинг самарали тарзда олиб борилиши ўз ижобий натижаларини бериши шубҳасиз. Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқий нормалар ёшлардан фақат ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришни эмас, балки замонавий ҳуқуқий хулқ-атвори шакллантирилишини ҳам талаб қилади.

Бинобарин, ёшлар бизнинг келажагимиз. Биз ҳозир уларга қанчалик эътибор берсак, миллатимиз, ватанимиз равнақ топишига, эртанги кунимиз албатта бахтли бўлишига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚ – МИЛЛАТНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚ

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа давр ичида барча жабҳаларда кенг қамровли ислохотлар, ўзгаришлар содир бўлдики, бу жараён ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, айниқса, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеида ҳам ўз ифодасини топомқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъбири билан айтганда «... бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»¹. Аёлнинг жамият ҳаётидаги ўрни, унинг яратувчанлиги, бунёдкорлиги барча даврларда улуғланиб, ҳар бир аёлнинг тақдирида ҳаётимиз тарихининг муҳим бўлаги акс этади. Мустақиллик шароитида ўзбек аёлининг меҳнатда, маданий-маънавий ҳаётда, жамоат ишларида ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан кўра тобора юксалиб бормоқда. Давр аёли барча жабҳаларда ишга масъулият билан ёндашиб, фидокорона меҳнати билан давлат ва нодавлат ташкилотларида эркаклар билан тенг ҳуқуқда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Ёш авлодни тарбиялаб, камолга етказишнинг асосий юки аёллар зиммасига тушишини инобатга олсак, уларга алоқадор муаммолар ҳукумат даражасида ўз ижобий ечимини топаётганлиги кишини мамнун этади. «Аёл» ва «оила» тушунчалари бир-бирига шу қадар муштаракки, уларни айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аёл оила бағрида кадр топади, унинг мустаҳкамлигини, бир бутунлигини таъминлайди. Бундай мураккаб вазифани адо этишда эса ундан сабр-тоқат, синчковлик, ўзаро ҳурмат, эътиборлилик талаб этилади.

¹ **Ислон Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013. 56-бет.

Зеро, мустақиллик аёли теран дунёкараши, янгича фикрлаши, тафаккур қилиши, жамият равнақидаги ўрнини ҳис этган ҳолда янги замонга хос ва мос тарзда яшаши, ишлаши ҳамда фарзандларнинг маънавий камолотга эришувини таъминлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, том маънодаги маънавиятли аёлгина баркамол, комил инсонни тарбиялайди. Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг замирида ёшларга оила, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан бериладиган таълим-тарбия ётади. Бундан кўзланган мақсад ёшларда Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдан иборат.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистонда ўтган даврда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган бўлиб, бу қоида бошқа қатор қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Оила кодексида оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 17-моддасида барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилиши, Меҳнат кодексининг 6-моддасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлиги белгилаб қўйилгани диққатга сазовор.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар ҳам мавжуд. Жумладан, Меҳнат кодексида аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар, ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллари, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, бола икки ва уч ёшга тўлгунгача парваришлаш учун бериладиган таътиллари, янги туғилган болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бериладиган таътиллари ҳамда ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда кафолатлар белгиланган.

Ўзбекистон БМТнинг аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди. Ўзбекистонда аёлларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволи ҳамда турар жойидан қатъий назар, барча ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратади. Давлат томонидан ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларнинг турмушини яхшилашга мутаносиб ёндашув таъминланмоқда.

Давлат мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилинишини, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласини давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олган. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оилада, жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришда ролини ошириш давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон аёллар ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилишда фаол иштирок этмоқда. Аёллар ҳолати ҳуқуқий механизмнинг тадрижий ривожланиши 1995 йил БМТнинг Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), 1979 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган конвенцияга Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1952 й.), Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси (1995 й.), шунингдек, Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция (1984 й.), Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1960 й.), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1990 й.), Халқаро меҳнат ташкилотининг бир

хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияси №100 (1951 й.), Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенцияси (1956 й.), Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги конвенцияси (№111. (1958 й.), Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги конвенцияси (№122. (1964 й), Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш (№138. 1973 й.) ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциясини (№182. 1999 й.) ратификация қилиш миллий даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларини имплементация қилиш бўйича қонунчиликка ва давлат органлари фаолиятининг амалиётига аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун зарур халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон «Мингйиллик декларацияси»ни имзолаган давлат сифатида Декларациянинг мақсадларини давлатни ривожлантириш дастурларига киритиш ва Мингйиллик тараққиёт мақсадларини 2015 йилга қадар амалга ошириш графигига риоя қилиш бўйича ўз зиммасига масъулият олди. Ушбу декларация мақсадларини амалга оширишда биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашга қаратилган чораларни изчил амалга оширмоқда.

Мамлакатда таълим, гендер тенглик, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-тиббий масалаларга нисбатан салмоқли натижаларга эришилгани бу бевосита аёллар фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик билан бевосита боғлиқ. Бу чоралар, биринчи навбатда, Конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси, шунингдек. БМТ Бош Ассамблеяси 23 махсус сессиясининг «Аёллар 2000 йилда: эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, XXI асрда ривожланиш ва тинчлик» якуний ҳужжатининг қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилгани алоҳида аҳамият касб этади.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА НУФУЗИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТИ ВА ИСТЕЪДОДЛАРИНИ РЎЎБГА ЧИҚАРИШ

Бугунги ўзбек аёли ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, санъат, спорт, ҳунармандчилик, кўйингки, барча соҳаларда

муваффақиятларга эришмоқда, хотин-қизлар давлат ва жамоат ташкилотларида ва муассасаларга раҳбарлик қилмоқда.

Аёлларнинг 13 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, 64 нафарига «Нихол» мукофоти берилган бўлса, улар Конституциявий суд тизимида 20 %ни, Олий суд соҳасида 14,6 фоизни, ишлаб чиқариш тизимида 42,8 %ни, қишлоқ хўжалигида қарийб 43 %ни, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 %ни, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 %ни ташкил этади. Булардан ташқари, хотин-қизлар томонидан 300 дан ортиқ докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, ҳозирги кунда эса 4 минг нафарга яқин хотин-қизлар ўз соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда таълимда аёлларнинг иштироки ўзига хос тарзда кечмоқда. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қилаётган муаллим ва мураббийларнинг 70 %га яқинини аёллар ташкил қилади, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар улуши қарийб 50 %ни, олий ўқув юртларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 %ни ташкил этади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Ўзбекистонлик шифокор аёлларнинг 1,1 минг нафардан ортиғи илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 %ини ташкил қилади.

Ўзбекистондаги мобиль алоқа ва интернет-провайдер операцияларини бажарадиган муассасаларда ишлаётган ходимларнинг қарийб 55 %ини, молия ва кредитлаш соҳасида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг эса 43 %дан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Охирги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошган, кичик бизнес субъектларининг 40 %ини айнан улар бошқармоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади.

Умуман олганда, юртимизда таълим соҳасида аёллар меҳнати қадрланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, Президентимиз Ислом Каримов: «Жамият тараққиёти аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», – деб таъкидладилар. Дарҳақиқат, бугуннинг аёли

тараққиётнинг олдинги босқичларида туриб ўз билим ва салоҳияти билан эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилмоғи дарқор.

Ёшларни соғлом ва баркамол, буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир. Бу жараёнда, айниқса, истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда изланаётган истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка, халқимизга яқиндан таништиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда жами 212 нафар истеъдодли қизлар мазкур мукофотга сазовор бўлиб, улар ўз соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Нуфузли халқаро институтларнинг берган хулосаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги равнақ топган 125 та давлат орасида хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўзбекистоннинг бундай оқилона сиёсати ЮНИСЕФ томонидан намунавий модель сифатида эътироф этилиши ҳам юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг ҳосиласидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид вазифаларнинг белгилангани аёллар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш, мазкур тизим фаолиятини янада жонлантириш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигига оид янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, ижтимоий аҳамиятга молик дастур ҳамда ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу жамоат ташкилоти тизимида 208 ҳудудий бўлинма, 43 мингга яқин бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда.

БОШҚАРУВДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида биноан жамиятда соғлом муҳитнинг шаклланишида хотин-қизларнинг фаол иштироки кучайтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманларда хотин-қизлар қўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди.

Жамиятда аёлларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини янада кучайтириш ва амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларимизда фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги бир давр, янги бир босқични бошлаб, улар фаоллигини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди ва аёллар салоҳиятини намоён этиш йўллариini белгилаб берди. 2004 йилдан бошлаб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга асосан депутатликка сиёсий партиялардан аёллар номзодини кўрсатиш бўйича 30 %лик квота жорий этилди. Бу янгилик хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда эркаклар билан бирга аёлларнинг ҳам тенг иштирок этишларига имкон яратди. Жамиятимизда хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш мақсадида сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ролини кучайтириш, партия аъзоларининг муайян қисмини аёллар ташкил этишига эришилди ва республикамызда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар қошида «Аёллар қанотлари» ташкил этилди.

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

БИЗНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН ШИОРЛАР

Мана йигирма тўрт йилдирки, Ўзбекистон халқи мустақиллик байрамини кенг нишонлаб келмоқда. Албатта, байрам тантаналари ҳар йили ўзига хос шиор билан ўтказилади. Масалан:

2007 йилда *«Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники»*, 2008 йилда *«Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону-шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир!»*, 2009 йилда *«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз қўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»*, 2010 йилда *«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»*, 2011 йилда *«Буюк ва муқаддас Ватан!»*, 2012 йилда *«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!»*, 2013 йилда *«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»*, 2014 йилда *«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳишда, гўзал Ўзбекистоним!»* деган шиорлар халқимиз томонидан баралла айтилди.

2015 йил 17 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга бинаон, Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги байрамига бағишланган жорий йилги ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари *«Бетакро-римсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»* деган эзгу ғоя асосида амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Мустақиллиги халқимизнинг XX аср сўнггида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси сифатида эътироф этилади. Ўтган қисқа, лекин сермазмун йўлга назар ташлаб кўз қувонади, дил яйрайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар кун, ҳар соат, ҳар

дақиқа саъй-ҳаракатлар қилинганини бугун халқимиз нафақат кўриб, билиб турибди, балки бевосита ўз фаоллиги билан бу ишларнинг ижрочисига айланмоқда. Шунинг учун ҳам **«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»** деган шиор халқимизнинг қалб-қалбидан, юрагининг энг қайноқ жойидан, қувончга тўла кўнгилларнинг туб-тубидан отилиб чикди.

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Бундан чорак аср муқаддам дунё харитаси мутлақо ўзгача эди. Унда давлатларнинг сони кам бўлиб, ранг-баранглик етишмас эди. 1990-1991 йилларда бунга барҳам берилди. Янги-янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар дунё сиёсий харитасидан ўз ўринларини эгаллашди. Жаҳон сиёсий харитасининг марказий қисмига ҳам янги давлатларнинг номлари бирма-бир ёзиб қўйилди. Улардан бири бизнинг жонажон ватанимиз – Ўзбекистон эди. Ўша даврдан бошлаб мустақил Ўзбекистон халқи ўзлигини англай бошлади. Қандай буюк ва улуғ зотларнинг авлоди эканини билган ўзбек халқи энди яна ўз аждодларига муносиб авлод бўлишга қаттиқ бел боғлади. Ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Қадр-қиммати жойига қўйила бошланди. Натижада халқимиз аввалгидан кўра узокроқ умр кўра бошлади.

Бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртача 73 йил умргузаронлик қилиши қайд этилган. БМТ маълумотларига кўра, **Европада 1950-2010 йиллар оралиғида аҳоли ўртача умр кўриш даражаси 65,6 ёшдан 73,7 ёшгача юксалган.** Европа 60 йилда эришган натижаларга сўнгги йигирма йил давомида эришганимиз инсонни, унинг умрини азиз билиш сиёсатининг ҳосиласи эмасми? Бу – халқ саломатлиги ҳақида жиддий қайғуриб, унинг умрини узайтиришга шайланган Юртбошимиз сиёсатининг меваси эмасми?

Биламизки, бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси, қиймати бор. Айни пайтда ҳар нарсанинг баҳоси, қиймати нисбий бўлади. Чунки бир инсон учун қадрли бўлган нарса бошқаси учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Айниқса, эркин жамиятда инсон ўзи учун нима муҳимлигини ўзи танлайди. Шу боис, орамизда фарзандларининг камолини биринчи ўринга қўядиганлар ҳам, зебу зарни қадрлайдиганлар ҳам, вақтни қадрият деб биладиганлар ҳам, умрини кутубхоналарда ўтказадиганлар ҳам, тани сиҳатликни муҳим деб

биладиганлар ҳам бор. Инсоннинг муроду мақсадлари, манфаат-эҳтиёжлари сон-саносиз бўлгани каби унинг умрига мазмун бахш этадиган кадриятлари ҳам бир олам.

Табиийки, «кадр-қиммат» ҳақида гап кетганида ҳам, аввало, муайян нарсанинг баҳоси, аҳамияти, қиймати тушунилади. Лекин муайян қиймат билан ўлчаш мумкин бўлмаган, баҳосини белгилаш маҳол бўлган нарсалар ҳам бор-ку. Шу жиҳатдан, инсон кадр-қиммати бебаҳо ва муқаддас эмасми? Уни нима билан ўлчаш мумкин? Тарозида гўшти, шакарни, ёғни, хаттоки михни ўлчашди, лекин инсон кадр-қиммати нима билан ўлчанади? Метр билан газмол, иморатнинг баландлиги, уйдан мактабгача бўлган масофа ўлчанади, лекин инсон кадри эмас. Инсоннинг кадр-қимматини жавахирлар, олмосу олтинлар билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, инсон ҳаётининг кадр-қиммати нимага қараб белгиланади? Уни қандай тарозу ила ўлчаб билмоқ мумкин? Юртимизда инсон қанчалик кадр топган?

Сарҳисоб қиладиган бўлсак, 24 йиллик мустақил тараққиётимиз **«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»** ғояси мантиғига бўйсундирилганини кўраимиз. Ахир юртимиздаги **барча ислохотларнинг марказига инсон қўйилгани**, унга барча ўзгаришларнинг мезони сифатида қаралиши, янгиланишлар инсон учун, унга муносиб ҳаёт шароитини яратиш мақсадида амалга оширилаётгани исбот талаб этмайдиган ҳақиқат-ку?

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Ёшларимиз юксак марраларга, халқимиз миллий ғоямиз атрофида бирлаша олганликлари учун ҳам бугун Ўзбекистон гуллаб-яшнамоқда. Шунинг учун ҳам халқимиз қалби қувончга тўлиб: **«Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!»** – демоқда. Ана шундай инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқин ўтмишида қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистонни бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб

чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айлантирдик.

Бугун мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсиб, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошди. Бу натижалар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунга эришиши учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалб этилди.

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТЕПЛОВОЗЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожини учун кенг йўл очиб берилди. Бугун юртимиз фермерлари иқтисодиётнинг тепловозлари сифатида тан олинаётир. Улар давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитлардан фойда мамнун бўлиб, ютуқларидан қувониб яшамокдалар.

Бутун мамлакатимизда юз бераётган барқарор ўсиш жараёнлари фермерлик ҳаракатида ҳам тўла намоён бўлди. Бугунги кунда фермер қишлоқда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб, эл-юрт олдига эъзоз топди. Юртбошимизнинг фермерлик ҳаракатини жорий этиш борасида ислохотлари мамлакатимизни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларининг асоси ва барқарор кафолатига айланди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташиқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш, мулкчилик шакллари ривожлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Айниқса, ер ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий асосланган алмашлаб экин тизимини жорий этиш масаласини қўйилганлиги, ер ҳосилдорлигини ошириш, сувни тежаш бўйича томчилаб сугориш тизимининг жорий этилиши ва бу ишларни эса давлат кўмаги билан амалга оширилиши, кўп тармоқли фаолиятлар учун имтиёзли кредитлар берилиши ҳамда солиқларни тўлашдаги қулайликларнинг яратилиши фермерлар учун жуда катта имкониятдир.

Жойларда ҳуқуқий иқтисодий агротехникавий масалалар бўйича консалтинг марказлари яратилди. Юртбошимизнинг: «Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айти пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташилотчи сифатида ўзликни намоён этаётгани, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимишга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далолат беради», – деган сўзлари фермерларнинг доимий эътибор марказида бўлиб келаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

ҚОРИН ТЎҚ – ҒАМ ЙЎҚ

Ана шу фермерларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишлари натижаси ўларок, халқимизнинг дастурхони тўкин-сочин бўлиб, фаровонлиги ҳам ортиб бормоқда. Президентимиз қарорида таъкидланганидек, 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайгани, эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётгани ҳар бир ўзбекистонликнинг кайфиятини кўтариб, беихтиёр шукроналар айтишга ундаши табиий, албатта.

Яқинда Президентимизнинг мустақиллик байрамини нишонлашга бағишланган қарорлари ўқиб эшиттирилди. Унда мустақилликка қадар умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугун ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, бу тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва ўрта синф – мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўзбекларнинг кўксига шамол тегадиган кунлар ҳам бор экан-ку, деб юбордим.

Бу суҳбатдан кейин матбуотда Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари тўғрисидаги маълумот эълон қилинди. Унга кўра, «**жорий йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирлар самарасида 14,7 минг тонна сиғимга эга 21 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди, 255 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.**

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярми яқунлари бўйича **1,3 миллион тонна картошка (ўсиш 109 фоиз), 2,6 миллион тонна сабзавот (108,5 фоиз), 163 минг тонна полиз маҳсулотлари (108,1 фоиз), 839,2 минг тонна мева (107,3 фоиз) ва 24,3 минг тонна узум (109,1 фоиз) етиштирилди.**

21,8 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 16,6 минг гектар ерда узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни реконструкция қилиш, шунингдек, 501 фермер хўжалиги базасида 264 гектар, 9,3 минг шахсий томорқа хўжаликларида 399 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этилиши мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш имконини берди».

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Бугунги кунда юртимизда 60 ёшдан ошганлар сони **3 миллионга** яқин кишини ташкил этар экан. Шулардан 225 минг нафари 80 ёшдан, 44 минг нафари 90 ёшдан, 8 минг 700 нафари эса 100 ёшдан ошган. Буларни элимиз табарруқ инсонлар, нуронийлар деб сийлайди, уларнинг ёшига етиб юришни ният қилади. Бундай инсонлари кўп мамлакат ҳам пири бадавлат бўлади.

Дунёдаги камдан-кам давлатларда **пенсиялар миқдори** ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этади. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда уруш ва меҳнат фахрийларига **санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш** имкони яратилмаган. Энг асосийси, дунёдаги ҳеч бир давлатда йилларга «Қарияларни кадрлаш» (2002 йил), «Кексаларни эъзозлаш йили» (2015 йил) деган номлар берилмаган. Айниқса, Юртбошимизнинг қариялар учун мулоқот марказлари, турли клублар ташкил этиш, спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратишга аҳд қилганликлари кексалар **умрини янада узайтиришга шайланганликлари белгиси** эмасми? Шунинг учун юртимиздаги ёши улуғ инсонлар ўз фарзандларининг

ғамхўрлигидан ташқари **Юртбошимизнинг қайноқ меҳрини ҳар кунни, ҳар дақиқада ҳис қилади.**

Кексаларни эъзозлаш ҳақида гап кетар экан, бу ҳолат ҳаммани ҳам қувонтирмаслигини афсус билан айтиш керак. Ривожланган мамлакатларда кекса авлод салмоғининг ўсишидан ташвишланиш руҳияти устувор. Айниқса, «пенсияни узоқ йиллар давомида тўлашга тўғри келади» қабилидаги малол-мулоҳазаларни эшитиш ёқимсиз. Шукрки, кексаларни «боқиш» муаммосининг кўтарилишига ўзбекистоннинг ахлоқи йўл қўймайди. «Оқсоқол», «ёши улуг», «нуроний», «мўйсафид» дея эъзозланадиган – кексаларни хонадон кўрки деб билишади.

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Мустақиллик йилларида ўзбек аёлининг кадр-киммати тикланиб, уларга бўлган эътибор тубдан яхшиланди.

Ёш оналар ва келажак авлодимизнинг соғлом ва баркамол улғайишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрлик, айниқса, тиббиёт соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Вилоятимизда 2014 йил давомида қарийб 2 млрд. сўмлик витамин ва махсус минераллар таркиби ёш оналаримизга бепул тарқатилди. Бу эса келажакда ҳар жиҳатдан камолотга эришган, соғлом фикрли ва замонавий авлоднинг юзага келиши учун замин яратади.

Талабаларим билан мулоқотда бўлганимда бири Халқаро фан олимпиадаси, яна бири Зулфияхоним номидаги давлат мукофоти совриндори бўлганликларини айтганларида уларнинг кўзларида ифтихор билан биргаликда эртанги кунга бўлган умид ва ишончни кўраман.

Бугунги кунда элу юрт, халқ учун яшаётган, ўзининг ўткир заковати билан миллат қиёфасини жаҳонга намоён этаётган фидойи ва самимий инсонга – Президентимизга миннатдорчилик билдираимиз.

КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида навкирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қаторида шахматни ривожлантиришга ҳам улкан эътибор бериляпти. Бундай ғамхўрлик

натижасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳондаги нуфузи юксалмоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Шахмат бўйича **17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов**, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер **Нафиса Мўминова** каби шахматчиларимизни бугун бутун дунё биледи. 1914 йилнинг июнида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз **Исломбек** ва **Жавоҳир Синдоровлар** иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намён этди. Пойтахтимизда 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Нодирбек Абдусатторов ва Исломбек Синдоров, иқтидорли шахматчиларимиздан Абдулбосит Шарифжонов, Оқжол Раҳматуллаев, Нодирбек Ёкуббоев, Мафтуна Бобомуродова шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъа чемпиони шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида **Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби** барпо этилди (29.08.2014).

Мазкур мактаб келажакда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир шахматчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда барпо этилган залларда бир вақтнинг ўзида қарийб юз нафар шахматчи ўзаро баҳслашиши мумкин. Ўқув-машғулот хоналари электрон шахмат тахталари билан жиҳозланган. Интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик шахматчилар билан онлайн тизимда шахмат бўйича беллашиш ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига эга. Мактабда профессионал шахмат усталари, халқаро гроссмейстер, FIDE мастерлари иш олиб борадилар. Президентимиз ташаббуси билан бу

бино ёнида халқаро микёсдаги йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган янги иншоот барпо этиладиган бўлди. Бугун эса ҳар бир ҳудудда спортнинг муайян бир тури бўйича ихтисослаштирилган спорт мактабларини ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган.

ОСОЙИШТАЛИК – ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ

Осойишталик. Қулоққа ҳам, қалбларга ҳам ёқадиган сўз. Осойишталик деган сўзни эшитган қулоқ, қалб бироз осойиш топади. Бу сўзни айтиш ҳам, эшитиш ҳам, ана шу сўз ҳукмронлик қилган жойда яшаш ҳам кишига ўзгача мароқ, роҳат бағишлайди. Бундай ҳолатни орзу қилмаган халқ бўлмаса керак. Ўзбек халқининг ҳам орзуси эди бу. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ мақоллари қаторидан қуйидагилар ўрин топган: «*Осойишталик – энг яхши малҳам*», «*Тинчлик – фаровонлик йўлдоши*», «*Тинч элнинг боғи гуллар*», «*Тинчлик билан эл кўкарар, ёмғир билан ер*», «*тинчлик – бахт, соғлиқ – тахт*», «*Уруш – офат, Тинчлик – фароғат*» ва бошқалар. Бугун халқимиз ана шу орзусига етди.

Келинг, шу ўринда, осойишталик сўзининг маъносига тўхталиб ўтайлик.

Осойишталик сўзи ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган сўз бўлиб, «*тинч*», «*хотиржам*», «*беғам*»; «*уруш-жанжалдан, завго-ташвишдан холи*», «*бежавотир*»; «*изтиробдан холи*», «*бе-ташвиш*»; «*бамайлихотир*», «*босиқ*» ва «*сокин*» деган маъноларни англатувчи «*осойишта*» сўзидан «*тинчлик-хотиржамлик*» маъносини берувчи «осойишталик» сўзи ясалган¹.

Осойишта сўзи жуда кўп ҳолатларда ишлатилади: осойишта дарё, осойишта денгиз, осойишта ҳаёт, осойишта турмуш, осойишта вазият, осойишта замон, осойишта кун ва тун, осойишта макон, осойишта боғ, осойишта дунё, осойишта юрт, осойишта шаҳар, осойишта кўча, осойишта хонадон, осойишта қалб, осойишта кўнгил ва ҳоказо ва ҳоказо. Аммо буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ. Масалан, юрт осойишта бўлмаса, қалб – кўнгил ҳам осойишта бўла олмайди. Хонадонлар осойишта бўлмаса, юрт ҳам осойишта

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. <http://www.ziyouz.com>

бўлмайди. Шунингдек, кўча, маҳалла, шаҳар, майдон ва дам олиш масканларининг осойишталиги ҳам юртнинг тинч ва осойишталигига боғлиқдир.

Сиз билимлар уммонию илм-фан денгизининг соҳибига айланмоқчимисиз, унда сизга осойишта макону тинч замон, осойишта кўнгилу қалбнинг тинчлиги керак бўлади.

Сиз қаттиқ толиқдингизми, чарчоғингизни чиқармоқчимисиз, унда сизга осойишта вазият керак. Худди шу каби давом эттириш мумкин. Агар бирор одам бемор бўлиб қолса, уни тезроқ даволаб, оёққа турғизиш учун ҳам, албатта, осойишталик керак бўлади. Чунки энг керакли ва самарали малҳам бу – осойишталик. Акс ҳолда касал бундан ҳам баттарроқ хуруж қилиб қолиши ҳеч гапмас.

Ёзувчи яхши асар, шоир гўзал шеърлар ёзиши учун, рассом ажойиб рамлар чизиши, ҳайкалтарош чиройли ҳайкал ясаши учун уларга осойишта боғ ёки тинчгина уй зарур.

Демак, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Юртнинг осойишталиги керак. Шундагина биз кўзлаган манзилларга тез ва равон етиб борамиз. Йўлимизда учраётган ёки учраши мумкин бўлган барча муаммоларни осонлик билан енгиб ўтамыз. Уларга малҳам топамиз. Шунинг учун ҳам халқда «Осойишталик – энг яхши малҳам» деган мақол кенг тарқалган. Зеро, Ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаганларидек, «Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен – шоҳсен сен».

ШУКРОНАЛИК – ТИНЧЛИК ГАРОВИ

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деган мақолни бежиз айтмаган доно халқимиз. Юқоридаги мисоллар бизни ҳам фикр қилишга, ҳам шукур қилишга ундайди.

Бутун борлиқни Яратган Аллоҳ ўзининг муборак каломи Куръони Каримнинг «Бақара» сураси 152-оятда: **«Менга шукр қилинглар, қуфр келтирманглар»**, – деб марҳамат қилади. Юртга берилган тинчлик-осойишталик ҳам Аллоҳнинг неъматини эканини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бу ҳақда Президентимиз ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табрикларида ҳам тўхталиб, шундай дедилар: *«Бизни мана шундай саодатли кунларга Худо*

етказяпти. Ҳар тонгда пок бўлиб, чин дилдан сўрасак, Яратганимизнинг ўзи албатта йўлимизни очиб беради. Ва Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас юртда ҳеч ким ҳеч қачон кам бўлмайди, иншоолло»¹.

Ўзбекларда, қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, дуога қўл очилганда, албатта, Яратгандан тинчлик ва осойишталик сўраш билан бирга бугунги тинч ва осойишта, фаровон ва саодатли кунларга етказгани учун шукроналар айтиш ҳам одатга айланган. Саломлашганимизда ҳам бир-биримиздан тинчлик ҳақида сўраймиз. Хонадонингиз тинчми, деймиз. Хайрлашаётганда ҳам тилагимиз тинчлик, омонлик бўлади. Ҳар бир тинч ўтган кунимизга шукрона айтиш эса эртанги осойишталигимиз учун гаров бўлади. Чунки бир шукурга бир неъмат, бир неъматга бир шукур, деган доно нақл бор.

Тинчлик-осойишталик – улугъ неъмат, буюк саодат. Буни халқимиз жуда яхши англайди. Шунинг учун ҳамки, бизнинг миллий ғоямизнинг асосий тушунчалари ичида энг биринчиси **юрт тинчлигидир**.

Юрт тинчлиги ғоясининг рўёби ўларок, бугун мамлакатимиз турли соҳаларда катта-катта муваффақиятларга эришаётир. Эгаллаган марраларимиз, аввало, тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Чунки биз тинчлик ва бароқарор тараққиёт йўлини танлаган халқмиз. Осойишталик ҳукм сурган жойдагина юксалиш бўлади. Хотиржамлик бор жойдан фаровонлик аримайди. Тинчлик ҳукм сураётгани боисидан биз улкан бунёдкорлик ишлари билан машғул бўла олдик. Ҳаётнинг турли соҳаларида мутлақ мустақилликка эришдик.

«Халқимизнинг табиатиға ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақиданарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онига чуқур сингдириб бориш керак»², – деган эди муҳтарам Президентимиз ўз чиқишларидан бирида.

¹ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 2 сентябрь.

² **Ислом Каримов.** Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: «Шарқ», 2000, 334-бет.

Халқимиз юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тотувлик, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни кундалик ҳаётининг қондасига айлантириб улгурди.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни асраб авайлашни асосий мақсадимиз сифатида белгилаб олганмиз. Чунки юртимиз тинч, осойишта бўлса, халқимиз, фуқароларимиз бугунги кунидан рози бўлиб, эртанги кунга очик чеҳра ва ишонч билан қараса, бундан ортиқ мақсад ва саодат йўқ экани бизга жуда яхши маълум. Зеро, осойишталик бўлмаган жойда барқарорлик ҳам бўлмайди. Ахир биз демократик давлат, янги фуқаролик жамияти қурыпмиз. Одамларнинг руҳи, қалби осойишта бўлмаса, бунга қандай қилиб эришиш мумкин?!

Бугун осмонимиз мусаффо, халқимиз тинчлик ва осойишталик вазиятида яшаётир. Чунки халқимиз юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат қуролли кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмаслиги, балки бу – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англаб етди. Маҳалла посбонлари ва чегарачиларга ёрдам берувчи кўнгиллилар фаол иш олиб боришмоқда.

Ўтган қисқа тарихий давр мобайнида биз ҳар қандай жалб этилган хатарли таҳдид ва ҳар қанақа тазйиқларга, туҳмат ва уйдирмалар оқимига мардона қарши тура оладиган халқ эканимизни кўрсатиб бера олдик. Шунинг натижаси ўлароқ, керак бўлса, ҳар бир хонадон, маҳалла, ҳудуд ва бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик. Бугун эса қатъий ишонч, енгилмас шижоат ва туганмас куч-ғайрат билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз.

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ

Миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ҳамкорлик ғоясидир. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида бу ҳақда: *«Ижтимоий ҳамкорлик – муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг бир мақсад йўлидаги ҳамжиҳатликни таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик*

ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вуҷудга келади.

Жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мулоқлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик гоёси бу табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради», – дейилади.

Ҳамкорлик – «бирор соҳада ўзаро бирлашиб, аҳиллик билан бирга иш олиб бориш»; «бирга ишлаш»; «бирор ишда бир-бирига қўмаклашиш»; «аҳиллик»; «ўзаро ёрдам»; «қўмакдошлик»ни англатади. Бу сўзнинг ҳамжиҳатлик, шериклик, бирдамлик, ҳамроҳлик каби синонимлари ҳам мавжуд бўлиб, ҳамкорлик уларнинг кенг маъноли шаклидир.

Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик деган тушунчалар ҳақиқий ўзбек халқига хос фазилатлар ҳисобланади. Инсон якка ўзи, жамиятда ажралган ҳолда яшай олмайди. Шунингдек, ҳар қандай халқ ҳам ўзга бир халқ билан ҳамкорликка киришмасдан, ўзаро алоқалар боғламасдан тараққий этиши мушкул. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида кишига жамият билан, кўпчилик билан бирга бўлиш зарурлигини уқтиради, кўпчиликнинг, бирлашган жамоанинг куч-қудрати қанчалар буюклигини ажойиб тимсоллар орқали кўрсатади. «Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди», «Бириккан куч – куч, бирикмаган куч – пуч», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Куч – бирликда», «Бир киши – бир, икки киши – шеър», «Ёлғиз ёғоч уй бўлмас, ёлғиз йигит бий бўлмас», «Бирлашиб дарё бўлур, тарқалиб ирмоқ бўлур», «Қўшилганнинг қўли узун», «Бирлашган куч енгар», «Бирлашган пода бўри ҳужумин қайтарар», «Чивин бирлашса, филни ҳолдан тойдирар», «Қўлашиб кўтарган юк – енгил», «Ҳамжиҳатлик – давлат, ёлғизлик – кулфат», «Бойлик – бойлик эмас, бирлик – бойлик» ва «Бирлик бўлмай, тириклик бўлмас» каби мақолларнинг ҳар бирида ўзига хос ўзбекона маъно мужассам. Мақолларнинг барчаси кишини тотувликка, аҳиллик ва ҳамжиҳатликка ундайди. Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик эса тараққиёт ва юксалиш сари қўйилган навбатдаги қадамдир.

Бизнинг вазифамиз нафақат мавжуд осойишталик ва ҳамкорликни сақлаб қолиш, балки уни ҳимоя қилиб янада юксалтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Чунки бугун дунё ҳар доимгидан-да нотинч

ва таҳликали. Энди осойишталик ва ҳамкорликнинг бузғунчилари очиқ-ойдин эмас, балки яширин ҳолда халқларнинг келажагига қутку солишни касб қилмоқдалар. Бундай вазият эса барчамиздан аввало огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни, керак бўлса, қизишмаликни талаб қилмоқда. Чунки *«Ўзбекистоннинг позицияси бундай ҳолатлар, кескин зиддият ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Низомиди муҳрлаб қўйилган асосий принципларга ва халқаро нормаларга иттифоқ қилган ҳолда, давлатларнинг суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга, зўравонлик ва қуч ишлатишга йўл қўймасликдан иборатдир»*¹.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН ВАТАН

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон эришяётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкilotи кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани айтилган. Бунга кўшимча қиладиган хушxabарлар жуда кўп.

Масалан, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи **ўн мамлакат** каторида туради. Яқинда АҚШнинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «The Huffington Post» (80 миллион ўқувчига эга) Интернет нашри энг яхши ва истиқболли сайёҳлик йўналишларига эга **15 та мамлакат** рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатга Ўзбекистон ҳам киритилган бўлиб, юртимизга «Марказий Осиё марвариди», деб таъриф берилган. Самарқанд эса инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги **50 та шаҳарнинг бири** сифатида эътироф этилган.

¹ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 2 сентябрь.

Дархақиқат, сайёҳлик салоҳияти бўйича Самарқанд жаҳондаги етакчи шаҳарлардан бири ҳисобланади. 2001 йилда мазкур кент ва унинг худудидаги кўплаб маданий объектлар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлган бу азим шаҳар **жаҳон цивилизациясининг дурдонасидир**. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг раҳбари Талеб Рифаи уни «**дунё тамаддуни бешикларидан бири**» деб атади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши бўлган Самарқанд илм-фан, санъат ва маданиятнинг йирик марказларидан бири сифатида дунёга донг таратган. Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган бу шаҳар Рим билан бир қаторда «**Абадий шаҳар**» деган ном билан шуҳрат қозонган. Буюк ипак йўли ҳам айнан ана шу шаҳар орқали ўтган. Сайёрамизнинг турли ўлкаларида Самарқанд афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «**кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди**».

Қўлга киритилган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони нималардан иборат? Қандай қилиб бу ютуқларга эришилди?

Бу саволларга жавоб қидирганда биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётгани ҳақида сўз юритиш лозим.

Аслида юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси мамлакатимиз фуқаролари ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлардан тубдан фарқ қилишини кўрсатиб турибди. Улар энди юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишга ҳамиша тайёр турадиган фидойи инсонларга айландилар. Президентимиз тарбиялаган ёш авлод бугун катта авлод вакилига айланди. Мустақиллик тарбияси ўз мевасини бера бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг

ижроси ҳаётда ўз ифодасини топди. Унинг натижаси ўлароқ, мамлакатимиз ёшлари жаҳондаги энг ривожланган давлатларнинг ёшларидан-да кучли эканларини исботлашмоқда. Маррани баланд олиб, унга эришмоқдалар.

Бу каби шижоат ва матонатни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросидан эшитиш ва кутиш мумкин. Ким шундай ишонч билан гапиради? Ана шундай марраларни, юксак чўққиларни эгаллашга ақли етган, орқасида далда бўладиган, «олға бос, ортингда мен борман,» деган юртбоши, уни қўллаб-қувватловчи халқи бўлган, жаҳонда обрў қозонган мамлакатнинг фуқароси айта олади, холос.

Ана шундай фуқароларимизнинг сафи кундан кунга ортиб бормоқда. Агар шу кетишда давом этса, яқин йилларда биз албатта буюк мақсадимиз – жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишдек маррани забт этамиз. Албатта, бетакрор ва ягона бўлган она Ватанимиз – Ўзбекистонимизни гулу гулистонга айлантирамыз!

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мустақилликка эришилгандан сўнг миллий ўзликни англаш, моҳият эътиборига кўра, тамомила янги давлат ва жамият барпо этиш, дунё ҳамжамиятида Ватанимизнинг муносиб ўрин эгаллаши, эркин ва мустақил тафаккурга эга янги авлодни вояга етказиш имконини берувчи таълим соҳасига энг устувор вазифа сифатида ёндошила бошланди. Бундан 18 йил муқаддам қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизнинг интеллектуал, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти суръатларига бекиёс даражада кучли таъсир кўрсатди. Инсоннинг нафақат интеллектуал-маърифий, балки мутаносиб тарзда маънавий юксалишини таъминлаш, шахсга йўналтирилган таълимни жорий этиш дунёда андозаси бўлмаган таълимнинг миллий модели негизида амалга оширилмоқда. Бир қатор нуфузли хорижий экспертлар томонидан «тараққиётнинг стратегияси» деб эътироф этилаётган таълим-тарбия соҳасини тубдан ислох этишга қаратилган бу ноёб дастур ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган машҳур «ўзбек модели»нинг таркибий қисмидир. Зеро, таълим тизимини тарбиядан, иқтисодий ўсиш жараёнларини маънавий юксалишдан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. У ҳолатнинг ёрқин исботини бир қатор ривожланган давлатларда намоён бўлаётган салбий ҳолатлар – сиёсий кескинлик ва ижтимоий ларзалар мисолида кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида таълим-тарбия жараёнининг уйғун ва мутаносиб тарзда ривожлантирилиши барча соҳаларда кенг кўламдаги ижобий ўзгаришлар рўй беришига мустаҳкам замин яратди, десак асло муболағаси йўқ.

Таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилаётган маблағ 35 фоиздан ортиқ, таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли

барчасида қурилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Замонавий ўқув-лаборатория, мебель жиҳозлари билан таъминланган мактабларда таълим сифати ва мазмунига юксак эътибор қаратилмоқда. Мактабларни молиялаштиришда алмисокдан қолган тизимдан воз кечилиб, ўқувчи контингентидан келиб чикиб ёндошилмоқда, ҳар бир таълим муассасаси ўз ҳисоб рақамига эга.

Умумтаълим мактаби битирувчиларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртидан кейинги ҳаётига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Узлуксиз таълимни ривожлантириш мақсадида 1600га яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳар бир йигит-қиз таълимнинг бепул мажбурий-ихтиёрий «9+3» тизимига тўлиқ жалб этилмоқда. Касб-хунар коллежларида йигит-қизлар 19 ёшиданок бир неча касб ёки хунар ўрганиб, ўзини моддий жиҳатдан таъминлабгина қолмасдан ота-онасига ҳам кўмак беришга қодир бўлмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013–2014 ўқув йилидан бошлаб инглиз тилини умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб ўқитилиши бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ифодалаб турибди. Юртимиз ёшлари инглиз, немис, француз тиллари билан бирга, испан, хитой, корейс, араб ва бошқа кўплаб тилларни мактаб партасидаёқ ўрганмоқда. Бунинг учун таълим муассасаларида барча техник жиҳозлар ва методик материаллар муҳайё. Чет тилларни биринчи синфдан бошлаб ўрганиш ёшларимиз учун ҳалқаро майдонларга кенг йўл очади.

Иктидорли, зукко, билимдон, ўз тенгқурларидан алоҳида истеъдоди билан ажралиб турадиган ўқувчилар аввало, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳар йили умумтаълим мактабларининг 5-8 синф ўқувчилари эртасида билимлар беллашуви ўтказилади. Унинг натижаси таълим муассасаларининг рейтингини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-хунар олимпиадаларининг туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичи ўтказилиб, иктидорлилар муносиб рағбатлантирилаётгани, фахрли ўринни эгаллаган лицей ва коллеж ўқувчилари олий ўқув юртлари-

га тест синовларисиз қабул қилинаётгани истеъдодли ёшлар сафи кўпайишига туртки бўлмоқда. Истиклол йилларида халқаро фан олимпиадаларида 275 нафар ўқувчи иштирок этиб 22 та олтин, 53 та кумуш, 99 та бронза медалини қўлга киритгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилди ва реконструкция қилинди, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланыпти. Бу истиклол йилларида спортсевар ўқувчилар сони 12 баробарга ошганидан дарак беради. Мана шу рақамларнинг ўзи спортнинг ёш авлод ҳаётидан муҳим жой олганини кўрсатади. 2002 йил 24 октябрда Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони эълон қилиниши билан болалар спортга эътибор янада кучайди. Ўқувчи ва талабалар ўртасида уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиада спорт ўйинларини ўтказиш йўлга қўйилди. Ота-оналар, бобо ва момолар фарзанду набираларини спорт билан шуғулланиши учун тўғаракларга етаклаб боришяпти.

Президентимиз давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, «маънавият» тушунчасини илмий-сиёсий истеъмолга киритди. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмаганидек, ёшларнинг интеллектуал-маънавий салоҳияти, дунёқараши, эркин фикрлаш қобилияти таълим-тарбия уйғунлигида ривожлантирилмоқда, таълим турли мафкуралардан холи, маънавият билан ҳамоҳанг тарзда «Оила-мактаб-маҳалла» концепцияси асосида олиб борилаяпти. Умумтаълим муассаларида 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб, «Одобнома», «Ватан туйғуси» «Маънавият асослари», сингари умуминсоний қадриятларни тарғиб этувчи фанлар ўқитилмоқда.

Сўнгги беш йилнинг ўзида замонавий типда қурилган 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабида бугун юзлаб истеъдодли ўқувчиларни кўрасиз. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган ушбу фикрларга қулоқ тутинг: «Дунёдаги турли-туман нуфузли беллашувларда Вата-

нимиз шуҳратини тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, бу йил юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусика ва санъат фестивалларида «Гран-При» деб аталадиган энг юкори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир».

Президентимизнинг жорий йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони олий ўқув юртларида ёшларга сабоқ беришга энг муносиб профессор-ўқитувчилар фаолият юритишини таъминлайди. Фармонга кўра, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта қайта тайёрловдан ўтиши ва малакасини ошириши шарт. Ҳукумат қарори билан ташкил этилган 5 та минтақавий, 10 та тармоқ малака ошириш маркази, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошида педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлашда малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази фаолият кўрсатмоқда. «Электрон таълим» миллий тизими ёрдамида масофадан туриб педагогик кадрлар малакасини ошириш тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётир.

ХУЛОСА

«Бетакроримсан, ягонасан, она-Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори ҳар бир инсон қалбидаги ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларига ҳамоҳанг бўлиб одамларни бугунидан масрурлик, умридан мамнунлик, эртанги кунига комил ишонч билан бунёдкорлик ва ободликка чорламоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик миллатнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигида яшашига имконият яратиб беради. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бутун дунёга танилишга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш, дунё таққиёти жараёнида фаол иштирок этиш имкониятларига муяссар бўлди.

Мустақиллик боис ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қиёфаси янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтамоқда.

Мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг ўтган қисқа 24 йилликда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, машаққатли ва бунёдкорона саъй-ҳаракатлари эвазига жаҳон харитасида янги – ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда, бугун таракқиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

Барчамизга маълумки, инсон бор экан, у доимо эзгуликка, обод турмушга интилади. Шунинг учун ҳам инсон омили масаласи Президентимиз томонидан ижтимоий фазилатлар, қадриятлар тизими сифатида кўтарилди. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва истиклол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида қаратилди. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижалар негизида турган асосий омил – инсондир. «Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг

ажралмас фазилатидир», – деб таъкидлайди Президентимиз. Мана шу заминнинг яратилганига, мўътабар санага бугун 24 йил тўлмоқда. Ушбу 24 йилнинг ҳар бир куни Ўзбекистон учун, унинг халқи учун асрга татиғулик мазмунли ва шукухли давр бўлди.

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним! Бугунги кунда барча жойда ушбу гўзал сўз ва иборалар мужассамлашган «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиорини кўтаринки руҳда такрорлашмоқда.

Ушбу байрам шиоримиз, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг гўзаллигини, бетакрор ва ягона она Ватан эканлигини ифодалаб бермоқда. Ҳақиқатан ҳам, ҳар биримиз буюк тарихимиз, буюк маънавий меросимиз, айни чоғда жаҳон маънавий тамаддунига улкан ҳисса қўшган бир-биридан улуғ мутафаккир олиму фузалоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва уларга муносиб бўлишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз. Аждодларимизнинг маданий анъана ва маданий меросларидан ижтимоий-маънавий тараққиётда улкан ғалабаларга эришмоқ мақсадида фойдаланамиз. Маданий меросимиз ва маънавий бойлигимиз, жумладан, муқаддас анъаналаримиз ва қадриятларимиз бор экан, улардан баҳраманд бўладиган ҳар бир ёш авлод Ватанини қадрлайдиган, бетакрор ва ягона она Ватанга садоқатини бахшида қиладиган авлодлар бўлиб етишадилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, бутун Ўзбекистонимиз ҳудуди доирасида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказиладиган байрам тадбирлари доирасида Мустақилликнинг туб моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, истиклол йилларида эришган улкан марра ва ютуқларимиздан қувониш ҳиссини, юртдошларимиз қалбидаги Ватанга бўлган севги ва садоқат туйғуларини янада оширишга эришмоғимиз даркор.

МУНДАРИЖА

Истиқлол ва истиқбол	3
Беш бебаҳо сўз сабоқлари	7
Ким эдиг-у, ким бўлдик? Эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз – муқаррар	21
Ўзбекистон миллий стратегияси – барқарор тараққиётимиз маёғи ..	39
Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг қиёсий таҳлили	46
Кучли фуқаролик жамияти равнақи	64
Маънавият ва маърифат – давлат сиёсатининг устувор йўналиши ...	72
Ўзбекистон – буюк алломалар юрти	100
Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	119
Аёлни эъзозламоқ – миллатни эъзозламоқ	130
Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!	137
Барқарор тараққиёт гарови	153
Хулоса	157

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

**БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ
– ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Ўзбекистоннинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга мўлжалланган

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир *О. Пардаев*
Рассом *Ш. Соҳибов*
Мусахҳих *Ш. Ҳакимова*
Компьютерда тайёрловчилар: *Ш. Соҳибов, И. Аҳмедов*

Лицензия АИ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 12.08.2015 й. да рухсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б. т. 9,30. Нашр т. 8,26. Буюртма №15-68. Адади 1000 нусха.
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 66–15.